

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

**География таълимининг
дидактик асослари**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2021



Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **Ш.Авазов** - Низомий номидаги ТДПУ “Ботаника” кафедраси п.ф.н.профессор.

Ф. Сайдаматов - Низомий номидаги ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси.

Э.Собиров - Низомий номидаги ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси 3-босқич докторанти.

Такризчилар: **Н.Р.Алимқулов**- Низомий номидаги ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси муdiri, г.ф.н., доцент.

Хорижий эксперт: PhD доктор Франк Лапер - Франция (Париж). Pontar de Parij №10 университети.

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ҲҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	27
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	120
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	140
VI. ГЛОССАРИЙ	148
VII. ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	151



I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар-янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари технология таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, технология таълимини ривожлантириш стратегияларига оид илғор хорижий тажрибалар, янги билимларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш компетенцияларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“География таълимининг дидактик асослари” модулининг **мақсади:** олий таълим муассасалари география таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида географик таълим мазмунини такомиллаштириш, география таълимини ташкил этишга оид тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари, география таълимининг узлуксиз таълим тизимидаги узвийлигининг аҳамияти,



Ўзбекистонда география фани ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоларига оид янги билимлар, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

-“География ўқитиш методикаси” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“География ўқитиш методикаси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

• илмий-географик билимларнинг ўзига хос хусусиятлари, объекти, тузилмаси, дифференциация ва интеграция масалалари, ҳамда географик тадқиқотларнинг асосий йўналишларини;

• қадимги даврда ва ўрта асрларда география, янги ва энг янги даврда географиянинг ривожланишини;

• Ўзбекистон ҳудудидаги географик тадқиқотларни;

• амалий географиянинг моҳияти, географик баҳолаш ва прогнозлаш ҳамда инсониятнинг глобал муаммоларини;

• геоэкологиянинг шаклланиши, ривожланиш тарихи, объекти, предмети ва вазифаларини;

• геоэкологиянинг назарий ва методологик асосларини;

• ер экосфераси – мураккаб глобал геокотизимлигини;

• глобал ўзгаришлар ва инсоният стратегияси, геоэкология ва атроф-муҳит муҳофазаси, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоси, ўзгарувчан иқлим шароитидаги геоэкологик муаммоларни;

• дидактика – география таълимининг педагогик назарияси сифатида эканлигини;

• дидактика ва география таълими методикасининг объекти, предмети, вазифалари ва асосий категорияларини;

- география таълимининг хилма-хил моделлари, қонуниятлари ва тамойилларини;

- касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувларни;

- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- географиядаги янги ва энг янги методлардан фойдаланиш;
- география таълими мазмунини танлаш, шакллантириш ва лойиҳалаш;

- география таълими мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар (ДТС, ўқув режаси, фан дастури ва ўқув адабиётлари) тайёрлаш;

- география таълимини инновацион асосда ташкил этиш;

- география таълими жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш воситаларидан фойдаланиш;

- география таълими сифати ва мониторинги юритиш;

- география таълимида педагогик назоратни амалга ошириш;

- география таълимида ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш;

- педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, педагогик тадқиқотларда статистик методлар ва улардан фойдаланиш;

- танланмалар ва гипотезаларни шакллантириш;

- электрон жадваллар ва статистика дастури ёрдамида корреляцион таҳлилни ўтказиш **кўникмаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнида инновацион муҳитни яратиш;

- олий таълимда география фанларини ўқитишда локал, хусусий методик даражадаги технологиялардан фойдаланиш;

- география фанларини ўқитишнинг педагогик технологияларга асосланган инновацион муҳитини лойиҳалаштириш;

- шахс географик маданиятининг белгиларини яратиш;

- география таълими мазмуни ва географик билиш жараёни географик маданиятни шакллантириш;

- географик маданиятнинг тузилмавий-таркибий қисмлари (географик тафаккур, географик тил, географик билиш методлари, дунёнинг географик манзараси) ни такомиллаштириш;

- педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилишдаги замонавий ёндашувлар, методлар ва воситалардан фойдаланиш;



- педагогик тадқиқотларда статистик методлардан ўз тадқиқотларида фойдаланиш;

- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурлар ёрдамида статистик ва корреляцион таҳлилни ўтказиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ҳудудий географик тафаккур ва унинг маҳаллий, миллий, минтақавий, глобал даражаларига оид тадқиқотлар олиб бориш;

- географик таққослаш, умумлаштириш ва географик мавҳумлаштириш.

- география тили (географик рақамлар; географик хронологик саналар; географик жой номлари; географик карталар тили; географик тил шакллари: овозли-оғзаки ва овозсиз-ёзма)дан ўқув жараёнида фойдаланиш;

- географиядан методик ишланмалар тайёрлаш;

- талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш;

- бўлажак география ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда витаген тажрибалардан фойдаланиш;

- талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш;

- педагогик тадқиқотларда статистик методларни ўз тадқиқотларида қўллаш;

- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларга статистик функцияларини киритиш ва натижалар таҳлилинини ўтказиш *компетенциясига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“География таълими” йўналиши бўйича машғулотлар назарий ва амалий шаклларда олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида ўқитишнинг инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерфаол таълим методлари қўлланилиши назарда тутилган: яъни,

- назарий машғулотларда тақдимотлар, мавзуга оид фильмлар ҳамда компьютер технологияларини жорий этиш;

- амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.



Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Замонавий география фани ва геоекологиянинг назарий ва амалий муаммолари” модули мазмуни ўқув режадаги “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” ва “География фанини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма- кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодий эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасалари география таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида географик таълим мазмунини такомиллаштириш, география таълимини ташкил этишга оид тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари, узлуксиз таълим тизимидаги узвийлигининг аҳамияти, Ўзбекистонда география фани ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоларини ўрганишга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами аудитория соати	Жумладан	
			назарий	амалий



1.	География фанининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши. География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.	4	2	2
2.	Географик маданият ва географик маърифат: тузилмавий- таркибий қисмлари, мазмуни ва ўзаро боғлиқлиги. География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.	4	2	2
3.	Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар ва дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни. География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар. География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геоэкологик ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.	4	2	2
4.	Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар ва дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни. Географияни ўқитишда муаммоли таълим технологияси.	4	2	2
5.	География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар. География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.	4	2	2
6.	География фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини, рейтинг тизимида қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш.	2		2
7.	Географияни ўқитиш жараёнида дидактик ўйинли дарслардан фойдаланиш йўллари.	2		2



8.	Географияни ўқитишда модулли дарслардан фойдаланиш йўллари.	2		2
Жами		26	10	16

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: География фанининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши.

География фанининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланишини таҳлил қилиш.

2-мавзу. Географик маданият ва географик маърифат: тузилмавий-таркибий қисмлари, мазмуни ва ўзаро боғлиқлиги.

Ўқувчиларда географик маданият ва географик маърифатнинг тузилмавий-таркибий қисмлари, мазмуни ва ўзаро боғлиқлиги ўрганиш.

3-мавзу: Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар ва дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни.

География дарсларида замонавий дидактикага бўлган талаблар ва дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш.

4-мавзу: Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар ва дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни.

География дарсларида замонавий дидактикага бўлган талаблар ва дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш.

5-мавзу: География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.

География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикаларни қўллаш усуллари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ



1-Амалий машғулот: География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар. (2 соат)

География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикаларни қўллаш усуллари амалий бажариш.

2-Амалий машғулот: География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш. (2 соат).

География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш.

3-Амалий машғулот: География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар. География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геозкологик ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш. (2 соат).

География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар. География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геозкологик ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари ўрганиш.

4-Амалий машғулот: Географияни ўқитишда муаммоли таълим технологияси. (2 соат).

География фанларини ўқитишда муаммоли таълим технологиясининг ўрни ва ролини таҳлил қилиш ва имкониятларидан кенг фойдаланиш .

5-Амалий машғулот: География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. (2 соат).

География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш усуллари ва самарадорлигини таҳлил қилиш.

6-Амалий машғулот: География фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини, рейтинг тизимида қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш. (2 соат).

География фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини, рейтинг тизимида қўллашга қаратилган дидактик



воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқларини тузиш усулари ва қўлланишини таҳлил қилиш.

7-Амалий машғулот: Географияни ўқитиш жараёнида дидактик ўйинли дарслардан фойдаланиш йўллари. (4 соат).

Географияни ўқитиш жараёнида дидактик ўйинли дарслардан фойдаланиш йўллари таҳлил қилиш

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1. “Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавоб-ларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавоб-ларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Уш-бу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностан-дарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.


3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.



2. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидаги-лардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўнал-тириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:


- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

3. “Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳаза-ларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шакли-да жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаш-тирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради,

“Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.




Белгилар:

1-таълим олувчилар

2-айлана стол

Давра столининг тузилмаси

Шундан сўнг конвертнинг соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертнинг олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган:



“Давра суҳбати” методининг тузилмаси

“Давра суҳбати” методининг *босқичлари* қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

4. “Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётгий вази-ятнинг ҳар хил шарт-шароитларини сахналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакл-лантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методи-нинг тузилмаси келтирилган.



Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўриниши-дан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;

• таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

5. “Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методи-дир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлла-нилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчилар-нинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаёт-ганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол барта-раф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидасига (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўз-лашга) риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг *босқичлари* қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага тақлиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:


- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

6. “Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаб-лиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзла-рига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммо-нинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган (расмга қаранг).

“Муаммоли вазият” методининг *босқичлари* қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ такдимот қилади. Барча такдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини такдимот қиладилар. Такдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топиш-ни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун ях-ши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.


“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

7. **“Лойиха” методи** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифа-си белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назари-дан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билим-ларини бошқа вазиятларда қўллай олиш-ни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган:



“Лойиҳа” методининг босқичлари

“Лойиҳа” методининг *босқичлари* қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, чизмалар, тарқатма материал-лар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғади.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқа-дилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаш-тиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар таълим берувчи билан биргаликда қабул қи-линган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда иш-лашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзлари текширадилар. Бун-дан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текшириш-га ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси” да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги



шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

б. Таълим берувчи ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижа-ларни биргаликда яқуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Таълим берувчи “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни муста-қил бажара олишларини таъминланиши лозим.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: География фанининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши

Режа:

1. География фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. География таълими ва методикасининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.
3. Россия ва Туркистонда мактаб географияси ҳамда география таълими методикасининг ривожланиш босқичлари.
4. География таълими методикасининг предмети, вазифалари ва замонавий муаммолари.

1. География фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

География – энг қадимги фан. Унинг қадимийлиги, таъбир жоиз бўлса, одамзод ва инсониятнинг пайдо бўлиши билан боғланган.

Шу асосда олимлар фақат ***Homo erectus*** туридан 180 минг йил олдин «кроманьон одам», яъни ***Homo sapiens*** аждодлари пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. Бу аждодлар 164 минг йил олдин асосан моллюскалар, 90 минг йил олдин балиқлар билан озиқланган. Улардан (82-75 минг йил олдин) «ҳозирги одам», яъни ***Homo sapiens sapiens*** (тик юрадиган, юз мушаклари маъноли ҳа-ракат қиладиган, меҳнат қилиш ва гапириш қобилиятига эга бўлган, гўшт ис-теъмол қиладиган ақлли одам) пайдо бўлган. Ақлли одамлар 60-15 минг йил олдин Африка, Осиё, Европа, Австралия ва Америка қитъаларида тарқалган.

Мана шу далилнинг ўзи энг қадимги аждодларимиз қай бир даражада “**география**”дан хабардор бўлганлигини англатади. Яъни, аждодларимизнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларга табиий муҳтожлиги уларда қулай ва ноқулай *яшаш жойлари*, яқин ва узоқ *ҳудудлар* ҳақидаги тушунчаларни келти-риб чиқарган ва кейинчалик ҳаётий тажрибада аниқланган *ҳудудий чегаралар* доираси макон ва вақтда узлуксиз кенгайиб борган. Демак, қулай ва ноқулай яшаш жойлари ҳақидаги тасаввурлар, уларнинг аҳамияти инсоният ўтмиши-да қачонлардир қабул қилинган. Энг муҳими, аждодларимизда омон яшаб қолишнинг *тарихий-географик тажрибаси* аста-секин тўпланиб борган.

Бошқача айтганда, дастлабки одамдан то ҳозирги одамгача бўлган эволюция йўли ўта мураккаб бўлиб, асосан уч босқични ўз ичига олган:

- 1) *архантроплар* – энг қадимги одамлар;
- 2) *палеоантроплар* – қадимги одамлар;

3) *неоантроплар* – ҳозирги одамлар.

География тарихи билан шуғулланадиган олимлар томонидан *геогра-фия фанининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи* шартли равишда бир неча даврларга ажратилган:

1. Қадимги Шарқ географияси - мил. авв. II минг йилликда Қадимги Мисрда Африка марказига, Ўрта ер денгизи ва Қизил денгиз бўйлаб экспедициялар уюштирилган, Қуёшга, Ойга ва юлдузларга қараб мўлжал олинган, даврий табиий ҳодисалар тақвими тузилган ва муссонлар аниқланган.

Қадимги Хитойда мил. авв. IX-VIII асрларда илк географик хариталар яратилган ва мил. авв. III асрда Хитойнинг “худудий атласи” тузилган, ком-пас ва масофа ўлчаш асбоблари ихтиро қилинган.

Қадимги Хоразмда мил. авв. VII асрда битилган «Авесто»да табиатдаги барча унсурлар ўзаро боғлиқлиги, мунтазам ўзгариб туриши, Қуёш (олов), ер, сув ва ҳавонинг табиатда, инсон ҳаётида тутган ўрни, уларнинг муқаддас неъмат эканлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, уларни муҳофаза қилиш, деҳ-қончилик ва чорвачилик, тозалик ва соғлиқ, кўкаламзорлаштириш, атроф-му-ҳитга масъулиятли муносабатда бўлиш, умуман, инсон билан табиат ўртаси-даги ўзаро алоқадорликнинг мазмун-моҳияти (қонун-қоидалари) асослаб бе-рилган.

Қадимги Ҳиндистонда мил. авв. VI-V асрларда битилган «Махабхара-та» ва «Рамайна» каби эпосларда ҳайвонларнинг яшаш жойи, ҳаёт тарзи ва одамлар улар билан ўзаро муносабатлари акс эттирилган ва ш.к. Қисқа қилиб айтганда, бу даврда *ўлкашунослик* билимлари жадаллик билан тўпланган.

2. Антик Ўрта ер денгизи географияси - Қадимги Юнонистонда **Фа-лес** (мил. авв. 640/624 - 548/545) Ернинг шарсимонлигини тахмин қилди, **Анаксимандр** (мил. авв. [611](#) - [546](#)) Ер харитасини чизди, **Гекатий** (мил. авв. 550 - 490) «Ер тавсифи» асарида табиат ва атроф олам ҳақида тушунчалар берди, **Эмпедокл** (мил. авв. 490 - 430) олов, ҳаво, сув ва ерни табиатнинг асо-сий унсурлари сифатида ажратиб кўрсатди, ўсимликлар билан муҳит ўртаси-даги муносабатларни ўрганди, **Платон** (мил. авв. 429 - 347) ўсимлик, ҳайвон ва одам, уларнинг яшаш шароити ва хусусиятларини аниқлади, **Аристотель** (мил. авв. 384 - 322) «Ҳайвонлар тарихи» асарида ҳаёт шароитларига боғлиқ ҳолда ҳайвонот таснифини яратди, Ернинг шар шаклида эканлигини исбот-лади, **Феофраст** (ёки Теофраст) (мил. авв. 370-288) «Ўсимликлар ҳақида тадқиқот»ида 500 га яқин ўсимлик турлари ва уларнинг худудий уюшмаларини тавсифлади, **Гиппарх** (мил. авв. 190 - 120) градус тўрини асослади, **Эра-тосфен** (мил. авв. 276 - 194) Ер шари айланасини ўлчади, Дунё харитасини тузди ва “*география*” терминини фанга киритди, **Кратес** (мил. авв. II аср - 145) глобус ясади.

Мил. авв. II асрда “Буюк ипак йўли” очилди ва I асрда **Страбон** (мил. авв. 64/63 - мил. 23/24) машхур “География” (17 томлик) китобини ёзди.

Қадимги Римда **Плиний** (мил. авв. 79-23) «Табиат тарихи» асарида зоология, ботаника ва биогеографияга оид билимларни умумлаштирди ва ш.к.

Умуман айтганда, бу даврда ижтимоий-тарихий тажрибанинг яшаш жойларига тааллуқли қисми *география* деб номланган, географик билимлар жамият ҳақидаги билимларнинг ажралмас қисмига айлана бошлаган.

3. Ўрта асрлар географияси - фанлар тараққиётида узоқ давом қилган турғунликдан кейин *араблар* Шарқда VII-VIII асрларда яқин ва узоқ ҳудудларга тинимсиз сайёҳатлар уюштирди, Приней ярим ороли ва Мадагаскар ороли орқали Жанубий Осиё бўйлаб Хитойга денгиз саёҳатлари амалга оширилди, “Буюк ипак йўли” саёҳатлар марказига айланди.

Моварауннаҳрда буюк алломалар етишиб чиқди: **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** (783-850) “Ер сурати” китобини ёзди, унда географик объектлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирди, кузатиш ва тажриба-синов методига асос солди, шу асосида билим олиш ва олинган билимларни амалда қўллашнинг аҳамиятини кўрсатиб берди: «сезги» орқали билиш - қисман билиш, «мантиқий» билиш – ҳақиқий билиш». **Ахмад Фарғоний** (797-865) ас-тролябия асбобини яратди, унинг астрономия дарслиги бир неча асрлар давомида Европа мамлакатларида асосий қўлланма сифатида ўқитилди, Нил дарёси мисолида сув сарфини ўлчайдиган “ниломер” қурилмасини ясади. **Абу Райхон Беруний** (973-1048) “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Астрономия ва юлдузлар тўғрисида”, “Минерология” каби 150 дан ортиқ асарлар ёзди, Ер ўлчамларини ҳисоблади, Шимолий ярим шар глобусини ясади, Америка материги мавжудлигини назарий башорат қилди, Ер юзаси, яъни ҳудудлар жуда узоқ давом қилган табиий-тарихий тараққиёт маҳсули эканлигини қайд этиб, жойнинг географик кенглиги ва узоклигини аниқлаш усулини яратди, ҳудудларнинг геологик тарихи, тоғлар ва текисликлар, маъданлар ва фойдали қазилмалар, тоғ жинслари ва уларнинг емирилиши (нураши), Орол денгизи ва унинг пайдо бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот олами, ўлик ва тирик табиат, одам ва атроф-муҳит, уларнинг ўзаро бирлиги ва алоқадорлиги ҳақидаги муҳим қонуниятларни аниқлади. **Абу Али ибн Сино** (980-1037) «Тадбир ул-манзил» («Турар жойнинг тузилиши»), «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби»), «Китоб ал-қонун фит-тибб» («Тиб қонунлари») каби табиатшунослик ва тиббиётга оид асарлар яратди, ўлкага оид қизиқарли географик маълумотлар тўплади, унинг асарлари XII асрдан бошлаб Европа-да латин ва бошқа тилларга таржима этилди ва жуда машхур бўлди, ҳатто буюк ботаник олим К. Линней (1707-1778) унинг шарафига бир ўсимликни «Авиценна» деб атади. **Маҳмуд Кошғарий** (1030–1127) “Девону луғатит турк” китобида юзлаб шаҳар, қишлоқ ва ўлка номлари,

дарё, тоғ, яйлов, во-дий, дара, йўл, доvon, кўл, сой каби географик атамаларни, турли қабилла, уруғ ва элатларни, шунингдек юлдузлар, сайёра ва фаслларни тилга олди, марказида Маварауннахр жойлашган Дунё харитасини тузди.

Қисқа қилиб айтганда, бу даврда географик билимларнинг тўпланиши, янги ҳудудларнинг кашф этилиши давом қилди, шу билан бирга, аксарият фан тармоқлари номида ўзгаришлар, турли номланишлар содир бўлиб турди, бироқ географияда “логорафия” (сўз-белгилли тавсифлаш) ва “картография”-га (расмшаклли тавсифлаш) ажралишга кучли уриниш бўлса-да, у Буюк гео-график кашфиётлар даврининг ўрталарига қадар ўзгармади.

4. Буюк географик кашфиётлар даври - XV-XVII асрлар Ер ҳақидаги билимларнинг ривожланиши, янги географик объектлар ва қонуниятларнинг очилиши билан тавсифланиб, **Заҳириддин Мухаммад Бобур** (1483-1550) “Бобурнома” асарини ёзди, унда Фарғона водийси ва ёндош музофотлар – ҳудудлардаги тоғ, текислик, дарё, кўл, денгиз, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иқ-лим ва аҳоли турмуш тарзи баён қилинди.

Рус сайёҳи **Афанасий Никитин** (XV аср-1475) “Уч денгиз оша саёҳат” китобида Каспий, Арабистон ва Қора денгиз бўйлаб, Кавказ, Эрон, Ҳиндис-тон ва Қримга уюштирган саёҳати ҳақида ҳикоя қилди, немис **Донис** географик атлас нашр қилди (1484 й.), **Христофор Колумб** (1451-1506) ўзи бил-маган ҳолда Ҳиндистонда бўлдим деб, Американи европаликлар учун кашф этди (1492 й.). Шундан кейин Европадан Америкага “буюк миграция” даври бошланди.

Васка да Гама (1460-1524) Африканинг жануби орқали Ҳиндистонга боришнинг денгиз йўлини очди (1497 й.), италиялик **Америго Веспуччи** (1454-1512) Бразилия соҳилларини ўрганиб, бу қуруқлик Ҳиндистон эмас, балки алоҳида материк, яъни Янги дунё (Америка) эканлигини исботлади (1501 й.), поляк **Ян Стобничка** (? - 1530) Дунё харитасини Ғарбий ва Шарқий ярим шарга ажратди (1512 й.), испаниялик **Нуньес де Бальбоа** (1475-1519) Панама бўйнидан сузиб ўтди (1513 й.), **Фернан Магеллан** (1480-1521) Дунё океани бўйлаб саёҳат уюштириб, Ернинг шар шаклда эканлигини амал-да биринчи бўлиб исботлади (1519-1522 йй.), голландиялик **Герард Мерка-тор** (1512-1594) географик атлас нашр қилди (1595 й.) ва ш.к.

Қисқа қилиб айтганда, бу даврда Ер ҳақидаги билимлар ривожига ден-гиз сайёҳлари катта ҳисса қўшди: Дунё океани бўйлаб саёҳат амалга оширил-ди, Америка қитъаси очилди ва география билимларнинг алоҳида соҳаси си-фатида шакллана бошлади, чунки денгизда сузиш ва савдо-сотикни ривож-лантирувчи кишилар ҳамда ҳарбийлар, демакки, давлат ҳукмдорлари учун география энг зарурий фанга айланди.

5. Экспедициялар даври - XVII—XVIII асрларда янги ерлар ва йўллар-ни очиш мақсадида катта экспедициялар ташкил этилиши билан тавсифлана-ди.

Хусусан, голландиялик **Виллем Янзон** (1570-1632) Австралияни кашф қилди (1605 й.), голландиялик **Абель Тасман** (1603-1659) Янги Зеландия, Тонга, Фижи ва Тасман ороллари очди (1640-1644 йй.), нидерландиялик **Бернард Варений** (1622-1650) биринчи бўлиб “Умумий география” дарсли-гини ёзди, россиялик **С.Н. Дежнев** (1605-1673) Беринг бўғозидан сузиб ўтди (1648 й.), россиялик **И.И. Беринг** (1681-1741) ва **А.И. Чириков** (1703-1748) Шимоли-шарқий Американи кашф қилди (1741 й.), **Жеймс Кук** (1728-1779) Дунё океанини ўрганиш учун уч марта дунё бўйлаб экспедиция уюштирди ва Гавайи, Катта Маржон қояларини кашф этди. Шунингдек, Россияда **М.В. Ло-моноссов** (1711-1765) раҳбарлигида География департаменти ташкил этилди ва ш.к.

Қисқа қилиб айтганда, бу даврда Европада география университет фа-нига айланди, бироқ дунёвий мактабларда, гимназия ва билим юртларида ўқув фани сифатида кейинроқ пайдо бўлди. Жумладан, Москва университе-тида география фани 1757 йилда ўқитила бошланди. Қизиги шундаки, на Ев-ропада, на Россияда география фани бўйича олимлар ва ўқитувчилар махсус тайёрланган эмас. Деярли барча университетларда география *мутахассислик* сифатида эмас, балки *ўқув фани* сифатида пайдо бўлган.

6. XIX аср - XX аср бошидаги илмий экспедициялар ва назарий каш-фиётлар географиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишида энг муҳим давр бўлди. Хусусан, рус табиатшуноси, географ **С. Крашенинников** (1711-1755) ва рус табиатшуноси, сайёҳ **И. Лепёхин** (1740-1802) асарларида географик объект, ҳодиса ва жараёнларга илк бор экологик ёндашув ўз акси-ни топди: ўсимлик ва ҳайвонлар айрим ҳудудий гуруҳларга ажратилиб, улар-нинг бир-бири ҳамда атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари ўрганилди, ҳайвон ва одам организмига ташқи муҳит, иқлим ва озикланиш каби омил-ларнинг таъсири очиқ берилди.

Немис географи **Александр фон Гумбольд** (1769-1859) Америка ва Ев-росиёнинг аксарият ҳудудлари, хусусан, Россияда тадқиқотлар олиб бориб, “Олам”, “Табиат манзаралари”, “Марказий Осиё” каби асарлар ёзди, ўсимлик ва ҳайвонларнинг географик тарқалишидаги зоналик ва баландлик минтақа-ланиши қонуниятларини очди, «Ўсимликлар экологик географияси», «Та-биий география» ва «Ландшафтшунослик» фанларини биринчи бўлиб асосла-ди ва фанга «ландшафт» терминини киритди.

Немис географи **Карл Риттер** (1779-1859) “Табиатга нисбатан ер били-ми ва инсоният тарихи” асарини ёзиб, унда табиатнинг аҳоли (халқлар) ҳаё-тига таъсири ва жамиятнинг табиий шароитларга мослашиши масалаларини очиқ берди, француз географи **Элизе Реклю** (1830-1905) “Ер ва одамлар” асарида Ер шарининг тўлиқ географик тавсифини баён қилди.

Рус тадқиқотчи сайёҳлари **Ф.Ф. Беллинсгаузен** (1778-1852) ва **М.П. Лазарев** (1788-1851) дунё бўйлаб денгиз сафарларини уюштириб (1819-1821 йй.), Антарктида материгини кашф қилди (1820 й.). 1845 йилда тузилган “Рус география жамияти” ташаббускорларидан бири **Ф.П. Литке** (1797-1882) ке-мада дунё бўйлаб саёхатни амалга оширди (1826-1828 йй.), рус географи **А. Миддендорф** (1815-1984) Сибирь ва Таймирни тадқиқ қилди (1842-1845 йй.), рус географи **П.А. Кропоткин** (1842-1921) Сибирни ўрганди (1863 й.).

Рус географлари **П.П. Семёнов-Тян-Шанский** (1827-1914) ва **Н.А. Северцов** (1827-1885) Тянь-Шань тоғ тизмалари ва Туркистонда иклим, тупроқ ва ўсимликларнинг тик зоналиги ҳамда қор чегараси баландлигини аниқлади (1856-1857 йй.), рус географи **А.П. Федченко** (1844-1873) Ўрта Осиёни тадқиқ қилди (1869-1871 йй.). **Н.М. Пржевальский** (1839-1888) Марказий Осиё ва Приморье ўлкасига тўрт марта экспедиция уюштириб, Кунлун тоғ тизмаси, Шимолий Тибет тизмаси, Лобнор ва Кукунор кўллари хавзалари, Сарик дарё (Хуанхе) маншаини ўрганди, янги хайвонларни (ёввойи туя, от ва бошқа сут эмизувчилар) аниқлади (1870-1888 йй.). Рус этнографи, сайёҳ **Н.Н. Миклухо-Маклай** (1846-1888) Жануби-шарқий Осиё, Австралия ва Океаниянинг ерли халқлари ва табиатини ўрганди (1871-1887 йй.), рус географи **А.И. Воейков** (1842-1916) иклимни чуқур ўрганиб, қишлоқ хўжалиги метеорологиясига асос солди, рус тупроқшуноси **В.В. Докучаев** (1846-1903) тупроқшунослик ва тупроқлар географияси илмий мактабини яратди.

Даниялик ботаник **Э. Варминг** (1841-1924) «Ўсимликлар экологик географияси» асарида (1895) биринчи марта ўсимликларга нисбатан «экология» терминини қўлади, «хаётий шакл» тушунчасини фанга киритди, немис ботаниги **А. Шимпер** (1856-1901) «Физиологияга асослаган ўсимликлар географияси» асарида (1898) экологик физиология асосида ўсимликларнинг географик тарқалишини асослади, америкалик эколог **В. Шелфорд** (1877-1968) чидамлилик қонунини (1911) очиб, биогеографияга «биом» тушунчасини киритди.

Рус зоологи **Г. Кожевников** (1866-1933) рус ботаниги **И. Бородин** (1847-1930) билан биргаликда кўриқланадиган жойлар, уларнинг дахлсизлик тамойилларини ишлаб чиқди ва табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатига асос солди (1912 й.), рус табиатшуноси, геолог **В. Вернадский** (1863-1945) био-сфера ҳақидаги таълимотни яратди (1926 й.).

Немис географи **К. Тролль** (1899-1975) янги йўналиш – «Ландшафтлар экологияси»га асос солди (1939), рус геоботаниги **В. Сукачев** (1880-1967) «биогеоценоз» тушунчасига таъриф бериб (1940 й.), биогеоценология фанини илмий асослади (1942 й.), рус геоботаниги **Л. Раменский** (1884-1953) географик ландшафтлар морфологияси ҳақидаги таълимотни яратди ва ш.к.

Қисқа қилиб айтганда, бу даврда янги ерлар очилиши билан бирга чу-кур табиий ва ижтимоий-иқтисодий географик тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, В.П. Максаковский таъбирича, география фанларининг “тўрт қаватли биноси”, яъни яхлит тизими вужудга келган:

“1-қават” – географиянинг назарий моҳиятини ташкил этувчи фанлар: география тарихи; назарий география;

“2-қават” – географиянинг асоси, яъни “танаси”ни ташкил этувчи фан-лар: табиий географик фанлар (табиий география); ижтимоий-иқтисодий гео-график фанлар (ижтимоий-иқтисодий география); харитаграфия; минтақашу-нослик (мамлакатшунослик);

“3-қават” – географиянинг табақаланиши, бўлиниши натижасида пай-до бўлган фанлар: умумий табиий география; минтақавий табиий география; табиий географик фанлар тармоғи (геоморфология, иқлимшунослик, гидро-логия, океанология, гляциология, геокриология, тупроқлар географияси, био-география); иқтисодий география; ижтимоий география; ижтимоий-иқтисо-дий география (одам географияси); ижтимоий-иқтисодий географик фанлар тармоғи (аҳоли географияси, саноат географияси, қишлоқ хўжалиги геогра-фияси, транспорт географияси, табиий ресурслар географияси, рекрация гео-графияси); географик харитаграфия тармоқлари (геологик харитаграфия, туп-роқ харитаграфияси, геоботаник харитаграфия, ландшафт харитаграфияси, экологик харитаграфия, иқтисодий харитаграфия, ижтимоий харитаграфия); инфор-мацион минтақашунослик; хусусий илмий минтақашунослик; минтақашунослик тармоқлари (табиий географик минтақашунослик, ижтимоий гео-график минтақашунослик, мажмуий минтақашунослик, сиёсий-географик минтақашунослик, тарихий-географик минтақашунослик, ҳарбий-географик минтақашунослик, демографик минтақашунослик, этник-конфессионал мин-тақашунослик, тиббий-географик минтақашунослик);

“4-қават” – географиянинг бошқа фанлар билан чегарадош ёки туташ-ган жойида пайдо бўлган фанлар: сиёсий география; электорал география; та-рихий география; ҳарбий география; этногеография; маданият географияси; тиббий география; геокимё; геофизика; геоэкология; топономика; ўлкашу-нослик.

2. География таълими ва методикасининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Мактаб географияси, география таълими ва методикасининг ривожла-ниш тенденцияларини тарихий-педагогик таҳлил қилиш ўтмишдаги тажриба-ларини умумлаштиришга, танқидий баҳолашга ва келгуси таракқиёт истиқ-болларини башорат қилишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан география таълими ва

методикасининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини география фанининг ривожланиш тенденциялари бўйича шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1-босқич – Энг қадимги давр, Қадимги Шарқ ва Антик дунёда географик билимларнинг тўпланиши ва география таълимининг пайдо бўлиши (энг қадимги давр – мил. авв. V аср);

2-босқич - Ўрта асрларда география таълимининг ривожланиши (VIII-XIV асрлар);

3-босқич - Буюк географик кашфиётлар даврида география таълимининг ривожланиши ва мактаб географиясининг шаклланиши (XV-XVII асрлар);

4-босқич – Илмий экспедициялар ва назарий кашфиётлар даврида география таълими ва мактаб географиясининг ривожланиши (XVIII аср - XX асрнинг боши);

5-босқич – Шўро (совет) тузуми даврида мактаб географияси ва география таълими ва методикасининг ривожланиши (XX асрнинг боши ва охири);

6-босқич – Мустақил Ўзбекистонда мактаб географияси, география таълими ва методикасининг ривожланиши (XX аср охири –XXI аср боши).

Энг қадимги давр, Қадимги Шарқ ва Антик дунёда географик билимларнинг тўпланиши ва география таълимининг пайдо бўлиши, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ибтидоий жамоа даврида яшаш жойини ўрганиш (“ибтидоий ўлкашунослик”), шунингдек Қадимги Шарқ (милоддан аввалги IV-I минг йилликлардаги Қадимги Миср, Месопотамия, Бобил, Оссурия, Мидия, Форс, Ҳиндистон, Хитой) ва Антик дунёда (милоддан аввалги I минг йилликда Ўрта ер денгизи соҳилларида шаклланган қулдорлик давлатлари – қадимги юнон ва римликлар) дастлабки *географик билимларнинг* пайдо бўлиши ва авлоддан-авлодга ўтказилиши билан боғлиқ бўлган.

Архантроплар – одамзоднинг илк Номо *habilis* турига мансуб *зинжантроп* (2,5-1 млн. йил олдин яшаган африкалик), Номо *erectus* турига мансуб *фергантроп* (1,2 млн йил олдин яшаган фарғоналик), *питекантроп* (700 минг йил олдин яшаган явалик) ва *синантроп* (400 минг йил олдин яшаган пекинлик) ва *гейдельберг одам* (700-250 минг йил олдин яшаган европалик) одам эволюциясининг биринчи босқичи вакиллари бўлиб, улар дунёнинг турли ҳудудларида ҳаёт кечирганлар.

Палеоантроплар – одам эволюциясининг иккинчи босқичи вакиллари бўлиб, Номо *erectus* одамдан Номо *sapiens* одамга ўтиш даврида яшаган кишилар гуруҳидир. Бошқача айтганда, палеоантроплар *гоминоидлар* эволюцияси яқунланган, яъни Номо *sapiens* тур сифатида шаклланган давргача – мил. авв. 40-35 минг йилликка қадар яшаган Номо *erectus* ва Номо *neander-thalensis*

одамлардир. Палеоантроплар бундан 250-40 минг йил олдин Европа, Осиё ва Африкада ҳаёт кечирган.

Неоантроплар – одам эволюцияси охири босқичида шимоли-шарқий Африка, Ғарбий ва Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган «илғор» палеоантроплардан 80-40 минг йил олдин (айрим манбаларга кўра, 180-130 минг йил олдин) келиб чиққан *ақлли кроманьон одам* – ***Homo sapiens*** тури ва унинг ҳозирги авлодларидир. Кроманьон одамларнинг нутқи яхши ривожланган, улар ғор, ертўла ва чайлаларда яшаган, кейинчалик уй-жой қуришни ўрганган, ҳайвонларни овлашда мураккаб қуроллар ва усуллардан фойдаланган, уй ҳайвонларини (ит, қўй ва ш.к.) асраган, тасвирий санъатни билган (тошларга ов манзаралари, ҳайвонлар ва одамлар тасвирини ишлаган). Кроманьон одамлар *ёвво-йи ўсимликлар ва ҳайвонларни хонакилаштириб, одам эволюциясидаги энг катта ютуққа эришган. Бунга қадар қадимги одамлар озиқ-овқат ва кийим-ке-чак топишда табиатга бутунлай қарам эди.*

География тарихидан маълумки, **Қадимги Шарқда**, хусусан, Месопота-мия (Бобил) ва Хитойда дастлабки *географик билимлар* шаклланган: одамнинг хўжалик фаолияти, халқларнинг тури ҳудудларга кўчиб жойлашиши, улар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар – атрофдаги олам ҳақидаги билимлар кенгайишига ёрдам берган илк омиллар бўлган. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш инсониятни табиий ҳодисалар даврийлиги билан тўқнаштиради, масалан, сунъий суғориш зарурияти дарёларнинг топиш даврларига қараб белгиланди. Дастлабки *тақвимнинг* пайдо бўлиш сабаби ҳам айнан шу билан шартланган, яъни Месопотамияда биринчи бўлиб айлана - градусларга, йил - 12 ойга, кун - 24 соатга бўлинган. Одамлар ўзлари яшаб турган жойни аниқлашни, дунё бўйлаб саёҳатларни давом эттиришни осонлаштириш учун қояларга ўйилган ва лойтахта хариталар яратганлар, улардан амалий фаолиятда кенг фойдаланган.

Қадимги Хоразмда мил. авв. VII асрда битилган «Авесто»да атроф-муҳитнинг таркибий қисмлари: олов, ер, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланган, уларни ифлослантириш катта гуноҳ саналган, ҳатто мурдаларни ерга кўмиш ман қилинган. Мисрликлар вақтни ва Нил дарёсининг топишини юлдузларга қараб аниқлаш усулини кашф қилган ва мил. авв. V-IV асрларда Африка мар-казидаги кўллар, Ўрта ер денгизи ва Қизил денгиз бўйлаб экспедициялар ташкил қилган. Финикияликлар Қуёш, Ой ва юлдузларга қараб мўлжал олган ҳолда кемаларда Атлантика океанига чиқиб, Канар оролларини кашф этган ва Африка материгини уч йилда айланиб чиққан. *Хараппа (Ҳинд) цивилизацияси вакиллари (Ҳозирги Покистон ҳудудида) муссонларни аниқлаган. Қадимги ҳиндларнинг муқаддас китобларида океанлар, дарёлар, тоғлар каби географик объектлар ўз аксини топган ва Ҳ.к.*

Ёзувнинг ихтиро қилиниши - *шумер* халқининг оламшумул ютуқлари-дан бири бўлди. Шумерликлар инсоният тарихида биринчи бўлиб, мил. авв. IV минг йилликда *пиктографик ёзув* усулини ихтиро қилди. Ва, ниҳоят, ақ-лий ва жисмоний меҳнат алоҳида фаолият тури сифатида эътироф қилиниши туфайли жамиятда *муаллимлик (ўқитувчилик)* касби пайдо бўлди. Кейинча-лик, қадимги хитойликлар Шань сулоласи даврида (мил. авв. II минг йиллик ўрталарида) ўзига хос, мустақил ёзув тизими – *иероглиф* ёзувини яратди ва илк мактаблар: *сян* ва *сюй* пайдо бўлди. Бу ёзув бир неча ўн минг белги – ие-роглифлардан иборат бўлган.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши *маърифат* вужудга келишининг асосий омили сифатида инсоният цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган. Демак, *таълим-тарбия* ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури сифати-да айнан “Қадимги Шарқ цивилизацияси”да пайдо бўлган. Бу даврда ёзма ўлкашунослик билимларининг тўпланиши, уларнинг авлоддан-авлодга ўтказилиши туфайли *географик таълим* унсурлари шакллана бошлаган. Натижада ўлкашунослик илдам ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилган. Айниқ-са, хариталарнинг яратилиши география илми ва таълимининг вужудга келишида энг муҳим омил ва инсониятнинг ақлий тараққиётида энг муҳим қадам бўлган.

Антик дунёда географик билимларнинг тўпланиши ва география таълимининг пайдо бўлиши Қадимги Юнонистоннинг машҳур мутафаккирлари билан боғлиқ бўлган. Улар қадимги юнон аҳолиси томонидан тўпланган географик билимларни умумлаштирган ва кўпайтирган. Юнон олимлари атрофдаги оламнинг пайдо бўлиши ва тузилиши ҳақидаги назарияни яратишга, ўзларига маълум бўлган мамлакатларни чизма кўринишида тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Бундай изланишлар натижаси Ернинг шар шаклида эканлиги ҳақида тасаввур ва унинг илмий исботи (Аристотель, Фалес), хариталар ва жой плани яратилиши, географик координаталарнинг аниқланиши, параллел ва меридиан тушунчалари, харитаграфик проекцияларнинг муаомалага кири-тилиши ҳисобланади.

Географик маълумотлар биринчи марта **Геродот** томонидан “Тўққиз китобдаги тарих” асарида келтирилган. Геродот бу асарида Ўрта ер денгизи мамлакатларини таърифлаб, Ернинг жуда катта ўлчамга эгаллиги билан боғлиқ номаълум ҳудудларга урғу беради. **Клавдий Птоломей**нинг 8 жилдли “География”сида 8000 дан ортиқ географик номлар ва деярли 400 нуктанинг координаталари, шунингдек хариталарни чизиш усуллари ҳақида маълумотлар берилган. **Эратосфен Киренский** Ернинг айланасини ўлчаб, ҳажмини аниқлаган. **Страбон** 17-жилдли “Географияси”да дунёнинг ўша пайтда юнонларга маълум бўлган барча қисмлари ҳақида маълумотлар келтирган бўлиб, у мамлакатшунослик, геоморфология, палеогеография асосчиси сифатида ном

қозонган. **Аристотель** ишларида гидрология, метеорология, океанология асослари баён қилинган ва география фанининг тармоқлари кўрсатилган. У Ой ва Қуёш тутилишини кузатиб, Ер шар шаклида бўлиши керак, деган хуло-сага келган. Қадимги юнонлар (Геродот, Пифей) Кичик Осиё, Болқон ярим ороли, Шарқий Европа текислиги, Европа шимоли ва Британия ҳудудларини кезиб чиққан машҳур сайёсатчилар сифатида ҳам танилган.

Умуман айтганда, бу даврда атроф-муҳитнинг яшаш жойларига тааллуқли қисми *география* деб номланган, географик билимлар жамият ҳақидаги билимларнинг ажралмас қисмига айлана бошлаган.

Илмий география ривожланиб борган сари география таълимининг мазмуни кенгайиб, унинг методлари, воситалари ва ташкилий шаклларининг хилма-хиллиги ортиб борди. Хусусан, VIII-IX асрлардан бошлаб *араб хали-фалиги* ҳудудларида ислом динини тарғиб қилиш ва бошқарув ишига лаёқат-ли одамларни тайёрлашга катта эҳтиёжлар пайдо бўлган. Шу муносабат билан халифаликка қарашли Дамашқ, Бағдод, Басра, Марв, Бухоро, Самарқанд, Кат, Гурганж ва Хивадан тортиб то Андалусиягача бўлган шаҳарларда кўп-лаб *мадрасалар* ташкил этилди.

IX-X асрларда Самарқандда 17 та мадраса, шу жумладан, энг қадимий Работи Ғозиён мадрасаси (Улуғбек мадрасаси 1424 йилда қурилган), Бухоро-да Форжак мадрасаси, Хоразмда Кат ва Гурганж мадрасалари фаолият кўр-сатди. 988 йилда Мисрда Аль-Азҳар мадрасаи олияси (университети), 1004 йилда Хоразмда «Дор-ул ҳикмат вал маориф» ёки «Мажлиси уламо» номли йирик илмий марказ, дунёга машҳур илм-маърифат маскани – Маъмун акаде-мияси фаолият кўрсата бошлади ва уларда илоҳиёт, фалсафа, тарих, адабиёт, риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, мантиқ, тиббиёт фанлари қаторида *жуғрофия* ҳам ўрганилди. Европа мамлакатларида университетлар деярли бир аср ке-йин, яъни, 1088 йилда Италияда Болонья университети, 1117 йилда Буюк Британияда Оксфорд университети, 1180 йилда Францияда Сорбонна универ-ситети, 1218 йилда Испанияда Саламонка университети ва ниҳоят, 1636 йил-да АҚШда Гарвард каби университетлар ташкил этилганки, уларда ҳам ди-ний ва дунёвий фанлар қатори *табиёт, география* илмлари ўрганилган.

X асрлардан бошлаб асосан “*Туркистон*” деб юритилган Ўрта Осиёда-ги деярли барча шаҳар, қишлоқ ва овулларда *мактабхоналар* бўлган. “Тур-кистон” сўзи “турклар юрти (эли, ўлкаси, мамлакати)” деган маънони англа-тиб, турк қавмлари, яъни ҳозирги ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қозок, қирғиз, уйғур ва бошқа туркий миллат ва элатларнинг она Ватанидир. Туркистон Ев-росиё

материги ёки Осиё қитъасида “Марказий Осиё” деб аталувчи жуда кат-та ҳудуд таркибига кирган, унинг ғарби - “Ўрта Осиё” деб аталувчи қисмида жойлашган бўлиб, Хазар (Касбий) денгизи, Идил (Волга), Жойиқ (Ўрол) да-рёсидан Олтой, Тангри тоғи (Тянь-Шань), Помир тоғ тизмаларининг шимо-ли-шарқий қисмига қадар, Қозоғистон шимолидаги Турғай платоси, Айиртов, Еттикападан (Семипалатинскдан) то Хуросонга, яъни Копетдоғ ва Ҳиндиқуш тизмаларига қадар давом этган катта ҳудуддир.

Манбаларга кўра, Туркистон ҳудудидаги энг катта музофотларидан би-ри - Бухорода биринчи мактаб 714 йилда Кутайба ибн Муслим томонидан Бухоро аркидаги *зардуштийлар* эҳроми ўрнида бунёд этилди. Дунёга машҳур мутафаккиримиз **Абу Али Ибн Сино** болаларни мактабда ўқитиш зарур, деб ҳисоблайди ва таълимда қуйидаги талабларга риоя этиш кераклигини таъкидлаган: болага билим беришда уларни бирданига китобга банд қилиб қўймас-лик; таълимда енгилдан мураккабга томон ҳаракатланиш; машқлар болалар-нинг ёшига мос бўлиши; жамоа бўлиб ўқитиш (ўқиш); таълимда болаларнинг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш; таълимни жисмоний машқлар би-лан биргаликда қўшиб олиб бориш ва ш.к.

Бу даврда Мовароуннаҳр ва Хоразмда йирик олимлар тарбияланган. Масалан, Кўҳна Урганч ва Хива мадрасаларида таҳсил олган алломалар орасидан Шарқда маълум ва машҳур бўлган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Рай-ҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Бакр ал-Хоразмий, Умар аз-Замахшарий, Умар ал-Чағминий, Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Фахриддин ар-Розий каби машҳур комусий олим ва мутафаккирлар етишиб чиққанки, уларнинг асарларида у ёки бу даражада *географик* масалалар талқин этилган.

XIII аср бошларидаги мўғуллар босқини, уларнинг Мовароуннаҳр ва Хоразмда бир ярим асрлик ҳукмронлиги барча соҳалар каби таълим-тарбияга ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Бироқ *Темурийлар даври*да (XIV асрнинг иккинчи ярми - XV аср) Самарқандда астрономия, тиббиёт, риёзиёт, фалсафа, тарих каби фанлар жадал ривожланди, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий каби кўплаб олимлар етишиб чиқди. *Мирзо Улуғбек* замонида илм-фан яна юксак чўққиларга кўтарилди, табиий ва аниқ фанлар, жумладан, тиббиёт, математика, *фалакиёт, хариташунослик* чуқур ривожланди, расадхона қурилди ва *жуғрофия* муаммоларини ҳам ўз ичига олган “Зижи жадиди Курагоний” асари ёзилиб, астрономия мактабига асос солинди.

*Темурийлар даври*дан кейин асрлар давомида ягона ҳудудда, битта иқтисодий-маданий маконда яшаб келган халқ икки давлатга бўлиниб кетди: 1511 йилда Хива хонлиги ва 1557 йилда Бухоро хонлиги вужудга келди (Бухоро амирлигидан 1710 йилда Қўқон хонлиги ажралиб чиққан ва 1842 йилда яна амирликка қўшиб олинган). Бу хонликларнинг сиёсий-иқтисодий, ижти-мой-

маданий ҳаёти кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаса-да, лекин ўзига хос жиҳатлари ҳам бўлган. Масалан, Хоразмда XVI аср охири - XVII аср бошла-рида масжид ва мадрасалар қурилиши, таълим-тарбия соҳасида жонланиш-лар кузатилган. Хивадаги Араб Муҳаммадхон, Шерғозихон, Оллоқулихон, Муҳаммад Раҳимхон соний мадрасалари *мадрасаи олия* (университет) мақо-мига эга бўлди ва уларнинг довуғи Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва Шарқнинг бошқа музофотларида ҳам маълум, машҳур эди. Хива мадрасаларидан Мах-тумқули, Ажиниёз, Бердақ, Равнақ, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний, Табибий ва ш.к. ўз даврининг етук алломалари етишиб чиқди, бироқ мактаб ва мадрасаларда атроф-муҳит ва жамиятга оид тушунчалар берилса-да, дунёвий илмлар, шу жумладан, *жўғрофия* алоҳида ўқув фани сифатида ўрганилмаган. Қисқаси, XVII асрдан бошлаб Туркистондаги мактаб ва мадра-салар жаҳон тараққиётидан деярли узила бошлаган.

Европа мактабларида эса XVII аср бошларида фанга асосланган дунё-вий таълим тизимини ишлаб чиқишга ҳаракатлар бошланди. Бу борада че-хиялик машҳур педагог **Я.А.Коменский** (1592-1670) ишлари диққатга сазо-вар бўлди. У дастлабки таълим “стандарт”ларини, яъни синф-дарс тизими, ўқув фанлари, дарсликлар, ўқув йили, ўқитувчига қўйилган талаблар ва шу кабиларни ишлаб чиқди, таълимнинг табиатга мувофиқлиги тамойилини ил-гари сурди, “Буюк дидактика” (1657 й.) асари, шунингдек табиат ва инсон ҳа-қидаги илмий билимлар мажмуидан иборат *географик* мазмундаги “Расмлар-да кўринган олам” (1658 й.) ўқув китобини ёзди ва мактаб дастурига алоҳида “*география*” ўқув фанини киритди.

XVII аср ўрталарига қадар Ғарбий Европа мактабларида география ало-ҳида фан сифатида ўрганилмаган, географик маълумотлар одатда *давлатшу-нослик* курслари мазмунида берилган. Географияни ўқитиш XVII асрнинг ик-кинчи ярмида, айниқса XVIII асрнинг биринчи ярмида кенг жорий этилди.

Россияда XVIII аср бошларида капитализмнинг ривожланиши муноса-бати билан *географик билимларга* эга бўлган кишиларга эҳтиёж пайдо бўлди. *Сиёсий географик* маълумотлар ўрганиладиган дунёвий Математика ва нави-гация фанлари мактаблари вужудга келди (1701 й.), Москвада 1703 йилда *ма-тематик география* маълумотлари ўрганиладиган Э.Глюка гимназияси очил-ди. Кейинчалик география мустақил фан сифатида ўқитилди. Янги мактаблар тез кўпайди, ўқув ва бошқа китоблар чоп этилди. География тарих билан бир-га ўрганилди. Дастлабки дарсликлар таржима бўлган ва улар география фа-нининг ривожланиш даражасини акс эттирмаган.

3. Россия ва Туркистонда мактаб географияси ҳамда география таълими методикасининг ривожланиш босқичлари

Россияда мактаб географияси таълими Фарбий Европага нисбатан кеч бошланди. Шу сабабли дастлабки география дарсликлари таржима қилинган. Биринчи таржима қилинган дарслик 1710 йилда «География, или Краткое земного круга описание» / «География ёки Ер айланасининг қисқа тавсифи» номи билан нашр этилди. Бу дарслик жуда оддий бўлиб, унда градус тўри, баъзи статистик ҳамда табиий географияга оид озгина маълумотлар бўлган.

Россияда XVIII асрнинг биринчи ярми география фанининг жадал ривожланиши билан ажралиб турди. Бу **М.В. Ломоносов** тузган *география департаменти* фаолияти билан боғлиқ эди. **И.К. Кириллов** томонидан Россиянинг биринчи географик атласи ва бошқа кўп сонли хариталар нашр қилинди. География бўйича рус тилида ёзилган биринчи дарсликни тайёрлаш им-кони вужудга келди ва у 1742 йилда “География учун қўлланма” номи остида нашр қилинди. **В.Ф. Зуев** (1754-1794) бир неча ўн йиллардан кейин, яъни 1786 йилда «Табиат тарихининг кўриниши» (Начертание естественной истории) номли дарслик нашр қилиб, унда табиатни ўрганиш изчиллиги: қазил-малар дунёси (жонсиз табиат), ўсимликлар дунёси (ботаника), ҳайвонот дунёси (зоология) кўрсатиб берилди. Бу дарслик кейинчалик *табиуёт* ўқув фанига асос бўлди ва таълимда *ўлкашунослик* тамойилининг ўрнини белгилаб берди..

Россияда XVIII асрнинг иккинчи ярмида товар ишлаб чиқариш кўпайди ва йирик мануфактуралар, помещчик хўжаликлари пайдо бўлди, бозор ва савдо ривожланди. Кўп сонли саводли одамлар керак бўлди. Шу сабабли оммавий мактаблар – *халқ билим юртлари* очилди. Кичик (икки йиллик бошланғич) ва бош халқ билим юртлари (беш йиллик) вужудга келди. Бош халқ билим юртларининг юқори синфларида: 3-синфда - умумий география, 4-синфда - *Россия географияси* ўрганилди. Методик тавсиялари берилган янги дарсликлар нашр қилинди ва доскага *ёзувсиз хариталар* чизилди: ўқувчилардан бири дарсликдаги матнни ўқийди, иккинчиси эса ўқитувчининг кўрсатмаси бўйича доскадаги ёзувсиз харитада тегишли объектларни белгилайди. Мактабларда география дарслиги шу тарзда ўрганилган. Ўқитувчи дарслик матнини кўшимча маълумотлар билан тўлдирган ва тушунтирган. Умумий географияни ўрганиш учун *кичик атлас* ҳам нашр қилинган.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида *иқтисодий географик* маълумотлар ва *статистикага* катта эътибор берилди. Бунга 1845 йилда ташкил этилган Рус География жамияти катта таъсир кўрсатди ва турли қўламли *умум-географик, статистик тадқиқотлар* амалга оширилди. Ҳатто мактабларга ҳам *статистика* курси киритилди ва мазкур курс учун К.А. Арсеньевнинг “Россия

давлати статистикасига чизгилар” дарслиги нашр этилди. Буни *иқ-тисодий география таълимининг* бошланиши сифатида изоҳлаш мумкин.

1828 йилда жорий этилган етти йиллик *гимназияларнинг* 3-7-синфлари-да ҳафтасига 14 соат география ўқитилган. География курси 3-синфда *мате-матик география* ва Ер ҳақидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган *уму-мий географияни* ўрганиш билан бошланган, 4-синфда *умумий географияни* ўрганиш давом эттирилган – *айрим мамлакатлар* тавсифи ўрганилган, 5-синфда – *Россия географияси* ўқитилган, 6-7-синфларда – “*Умумий ва Россия статистикаси*” (иқтисодий география) ўрганилган. Кейинчалик гимназия-ларнинг ўқув режасидан статистика чиқариб ташланган.

Мактабларда географиянинг ўқитилиши ўқитувчилар тайёрлашни тако-зо қилди. XIX аср бошида Петербургдаги Бош педагогика институтида гео-графия ва тарих ўқитувчиларини тайёрлаш учун *география ва статистика* кафедраси ташкил этилди. Кафедрани профессор **Е.Ф. Зябловский** бошқарган. У университетда ўқитиладиган “Россия географияси” ўқув курсини би-ринчи бўлиб ишлаб чиққан. Бироқ XIX аср охирида бу тизим бузилган: ста-тистика курси бекор қилиниб, географияни ўрганишга ажратилган соат қис-қартирилган.

Мактаблардаги география дарслари асосан ўқув материални ёдлашга асосланган ҳамда қуйи синфларда **И. Гейм**, ўрта синфларда **А. Ободовский** дарсликлари бўйича ўқитилган, бироқ улар қийин, тушунарсиз ёзилганлиги учун **В.Г. Белинский** (1811-1848), **Н.А. Добролюбов** (1836-1861) каби маш-хур адиблар томонидан қаттиқ танқидга учради.

Ўша пайтда **Н.В. Гоголь** (1809-1852) географ бўлмаса ҳам гимназияда географиядан дарс берди ва географиянинг ўқув фани сифатида маърифий-тарбиявий аҳамиятини янада ошириш учун қуйидаги методик ғояларни ил-гари сурди:

- 1) географияни ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ ўқитиш;
- 2) географик материаллар баёнини харита билан боғлаш;
- 3) географик объектларни нафақат харитада кўрсатиш, балки уларни тавсифлаш;
- 4) материални баён этишда табиат ва аҳоли фаолияти ўртасидаги ўзаро муносабатларга эътиборни қаратиш;
- 5) ўқитувчи доимо баён этиш усулида ишлаши керак ва ш.к.

Россияда крепостной ҳуқуқ бекор қилинганидан кейин халқ таълими жиддий масалага айланди. Рус педагогикаси ва таълим методикасининг ил-мий асосларини яратган **К.Д. Ушинский** (1823-1871) фаолияти шу вақтга тўғри келди. У мактаблардаги қуруқ ёдлашга қарши чиқиб, ривожлантирувчи таълим ғоясини илгари сурди. К.Д. Ушинский Германия, Швейцария ва шу каби давлатларда асосан ўз мамлакати географияси ўқитилиши таҳлил қилиб, Россия

мактабларида география таълими аянчли аҳволда эканлигини қайд эт-ди. Шунингдек, у Россия география жамияти география фанлари тараққиёти учун кўп ишларни амалга оширганлиги, аммо мактаб географияси учун амал-да ҳеч нима қилмаганлиги, ҳатто қаноатланса бўладиган бирорта дарслик ҳам йўқлигини таъкидлайди.

К.Д. Ушинскийнинг фикрича, Ватан географиясини билмаслик жамият-га фақат зарар келтиради, таълимдаги қолоқлик камбағалликка олиб келади ва шу сабабли рус мактабида рус тили, рус тарихи ва **география** асосий ўқув фанлари бўлиши ва бошқа барча фанлар улар атрофида гуруҳланиши керак.

К.Д. Ушинский ғояларини география ўқитувчиси Д.Д. Семёнов амалиётга жорий этди. Ўша пайтда ўқувчиларнинг синфдан ташқарига чиқиши ноода-тий бўлган, бироқ у география ўқитишни Петербург атрофини ўрганишдан бошлайди. Д.Д. Семёновнинг ўзи ватаншунослик тамойилига асосланиб, география бўйича қуйидаги ўқув қўлланмаларни тайёрлайди: қуйи синфлар учун – “География дарслари”, юқори синфлар учун – “Ватаншунослик”. Шу билан бирга, у география таълимининг илк методикасини, яъни “Ўқитувчилар учун педагогик эслатмалар” китобини ёзди (1864 й.) ва унда география ўқитиш методлари, “Ватаншунослик” курсининг тузилиши ва ундан фойдаланиш методикаси ҳақида фикр юритади.

Кузатишлар, тажрибалар ва экскурсиялардан фойдаланган ҳолда бошланғич синфларда **табиийёт** курсини ўқитиш тизимини **А.Я. Герд** (1841-1888) асослаб берди ва у жонсиз табиатни ўрганиш методикасини ишлаб чиқ-ди. У «Табиатшунослик қисқа курси» номли дарслик, шунингдек «Ер, ҳаво, сув» номли ўқув қўлланма ва уларни ўқитишга оид «Бошланғич мактабда кўргазмали дарслар» номли методик қўлланма ёзди (1883 й.). Бу китоб узоқ йиллар давомида жонсиз табиатни ўрганиш бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Москва университетиде география кафедраси ташкил этилган (1804 й.) бўлса-да, географ мутахассис тайёрловчи география факультети орадан 80 йил ўтиб (1884 й.) рус географи **Д.Н. Анучин** (1843-1923) томонидан ташкил этилди ва у Россияда биринчи география профессори бўлди.

Россияда мактаб географиясининг бундан кейинги тараққиёти, юқори-да таъкидлаганимиздек, Москва университетиде профессор **Д.Н. Анучин** бошқарган география кафедраси ва факультети очилиши билан боғлиқ бўлди. Д.Н. Анучин - рус олий география таълими асосчиси.

XX аср бошларида аксарият мактабларнинг 1-синфида – “Бошланғич география” (умумий табиий географик билимлар), 2-синфида – “Ноевропа мамлакатлари географияси”, 3-синфида – “Европа географияси”, 4-синфида – “Россия географияси”, 5-6-синфларда – “Россия тижорат географияси ва дунёнинг йирик давлатлари” (баъзан бу курс “Қиёсий география”, “Ватаншу-

нослик” деб ҳам номланган) ўқитилди. 1915 йилда янги ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ география дарслари сони ҳафтасига 16 соатни ташкил қилди, бироқ улар фақат Санкт-Петербург ва Москва гимназияларида жорий этилан. Бу даврда петербурглик ўқитувчи Г.И. Иванов ва профессор Э.Ф. Лесгафтнинг дарсликлари, шунингдек Э.Ю. Петри ва В.П. Будановнинг хо-рижий ва Россия мактабларида география ўқитиш тажрибалари акс этган ме-тодик асарлари чоп этилди. Улар совет даврида ҳам қайта нашр этилган.

XVIII аср ўрталаридан Русия ва Хитой “исканжаси”га тушган *Туркис-тон* музофотининг шимоли-ғарбий ва шарқий қисмлари улар томонидан иш-ғол этила бошланди. 1865 йилга қадар Ўрол дарёсидан Орол-Балхаш-Иссиқ-кўл атрофлари ва Тошкентга яқин ҳудудлар руслар томонидан ишғол этилиб “Туркистон вилояти”, шарқий Туркистон эса хитойликлар томонидан ишғол этилиб, “Чинжанд” вилояти ташкил этилган.

Бу даврда, яъни XIX аср бошларида *Туркистонда* таълим икки босқич-дан иборат бўлган: қуйи босқич – бошланғич *мактаб*; юқори босқич – *мадра-са*. Ушбу таълим муассасалари айрим шахслар маблағлари ва вақф мулклари ҳисобига фаолият кўрсатди. “Мактаб” (арабча “катаба”) сўзи ёзишга ўргатиладиган жой маъносини англатади. Мактаб кўпинча битта синф хонасидан иборат бўлганлиги учун кўпинча “мактабхона” дейилган. Болалар бўйра ёки гилам (тўшак, шолча) устида ўтиришган. Ислом қоидаларига мувофиқ ўғил ва қиз болалар алоҳида ўқитилган. Ўғил болалар асосан масжид ва мадраса-лар қошидаги ёки хусусий мактабхоналарда масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тугатган кишилар – *муаллимлар* томонидан, қиз болалар эса *отин аёллар* томонидан уларнинг уйларида ёки хусусий мактабхоналарда ўқитил-ган.

XIX аср охири – XX аср бошида тўлиқ Россия мустамлакасига айланган Туркистон ўлкасида “рус-тузем” мактаблари ташкил қилиниб, бу мактабларнинг 3-, 4-синфларида ҳафтасига 4 соат география дарси немис олими А.Гейкийнинг “Ер хусусидаги илимдан олинган сўзлар” китоби асосида ўқитилди. Бу даврда рус мустамлакасидан қутулиш, ўз миллий давлатини тузиш ва халққа зиё тарқатиш борасида *жадидчилик* ҳаракати ва мактаблари юзага келди. Бу мактаблар халқ орасида «усули савтия», яъни «товуш усул» номи билан шуҳрат қозонди. “Жадид” арабча сўз бўлиб, “янги” деган маънони бил-диради. Жадидчилик ҳаракатининг асосчиси кримлик Исмоилбек Гаспрали (1851-1914) бўлган. Исмоилбек ғояларини қабул қилган янгилик тарафдорла-ри «жадидлар», унинг ғоялари эса «жадидчилик» номини олган.

Бухорода 1893-1895 йиллардан бошлаб жадид мактаблари очилишига тайёргарлик бошланган. Андижонда Шамсуддин домла (1899 й.), Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов (1900 й.), Самарқандда Абдуқодир Шакурый (1900 й.), Қўқонда Салоҳиддин домла (1901 й.) биринчи бўлиб, жадид макта-

бини очдилар. Жадидчилик харакатининг йирик намояндалари мактаблар учун дарсликлар ҳам яратди. Манбаларга кўра, 1908 йилда Бухорода Низом Собитовнинг «Музаффария» номли янги усул мактабида татар ва маҳаллий болалар ёш хусусиятларига қараб синфларга ажратилган, бир кунда 5 соат дарс ўтилган, ҳар бир дарсдан сўнг 10 дақиқалик танаффус жорий этилган. Болалар **жўрофия** дарсларида кўрсатмали қурооллар, глобус ва хариталардан фойдаланиб ўқитилган.

Шу билан бирга, янги усул мактабларига қарши кучлар ҳам бўлди ва улар болаларнинг парталарда ўтириб, арифметика, *табиатунослик*, *география* каби фанларни ўрганишини “муслмончиликка зид” деб ҳисобладилар, бу фанларнинг ўқитилишини қораладилар. Шунга қарамай, жадид мактаблари жадал ривожланиб, *табиатунослик* (қаттиқ жисмлар, газ ва ҳаво, иссиқ ва совуқ, ҳатто минералогия ва анатомия, кимё ва физика асосларига оид билимлар) ва *география асослари* ўқитилган. Бу даврда янги усул мактаблари учун география бўйича бир қатор дарслик ва қўлланмалар, хариталар нашр этилди. Махмудхўжа Бехбудийнинг “Қисқача умумий география” (1902 й.) ва “Аҳоли географиясига кириш” (1909 й.), Фотиҳ Каримнинг “География” (1909 й.), А. Крубер, С. Григорьев, А. Барков, С. Чефрановнинг “Бошланма жўрофия” (1913 й., рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган), Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлининг “Ер юзи” (1915 й.) каби дарслик ва қўлланмалар, шунингдек Ҳожи Юсуф Ҳайъатий (1842-1924) томонидан 1890-йилларда ясалган бир неча географик глобуслар ва “Туркистон ва унга қўшни мамлакатлар картаси” (1905 й.) шулар сирасига қиради.

Россияда совет (шўро) ҳокимияти даврида мактаб географияси ўзига хос тарзда ривожланди. 1917 йилги Октябрь инқилоби социалистик таълим тизимини ривожлантириш учун шароитлар яратди ва мактаб таълимининг мақсади, вазифалари тубдан ўзгарди. 1918 йилда “Ягона меҳнат мактаби тўғрисида” низом ва декларация эълон қилинди. Улар социалистик таълим тизими тамоийилларини қонуний белгилаб берди. Жумладан, бошланғич ва ўрта мактабларда *табиёт* асосий ўқув предметларидан бирига айланди. Бунда В.А. Герднинг табиётни бошланғич мактабда алоҳида ўқув фани сифатида ўқитиш зарурлиги ҳақидаги ғояга таянилди. Хусусан, 1919 йилда *табиёт* бўйича намунавий дастур тузилди ва тасдиқланди. Унда экскурсия ва амалий ишларга катта эътибор берилди. 1923 йилда бошланғич синфлар учун *ком-плекс дастурлар* жорий этилди ва барча ўқув материаллари “Табиат”, “Меҳнат”, “Жамият” деган бўлимларга ажратилиб ўқитиш бошланди.

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Октябрь инқилоби таъсирида 1917 йил ноябрида Кўконда ўлкадаги илк демократик давлат – Туркистон мухторияти тузилди, аммо 1918 йилнинг 18

февралида большевиклар томонидан йўқ қилинди. Шу йилда РСФСР тар-кибида Туркистон Мухтор Совет Республикаси, 1920 йилда Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари тузилди. 1923 йилда Хоразм, 1924 йилда Бухоро Халқ Совет Социалистик Республикалари ташкил топди. 1925 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) ташкил этилиши муносабати билан Туркистон АССР, ХХССР ва БХССР тугатилди.

1917 йилда Туркистонда рус-тузем ва бошқа турдаги мактабларни миллий мактабларга алмаштириш бошланди. Миллий мактаблар қуйи, ўрта ва юқори босқичларга бўлинди. Бошланғич таълим мажбурий, бепул ва олти йиллик қилиб белгиланди. Бу мактабларда ислом таълимоти асослари, она тили, рус тили, арифметика, тарих, *табиатшунослик*, *география* (умумий ва рус географияси) ўрганилди.

Ўзбек совет мактаблари 1918 йилдан ташкил этила бошланди. Бу мактаблар ўқув режаси ва дастурлар асосида ишлади. Ўзбек ва рус тили, арифметика, *география*, *табиатшунослик*, меҳнат, ашула, гимнастика каби фанлар ўрганилди. Мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш қисқа муддатли курслар орқали йўлга қўйилди. Самарқанд ва Тошкентда мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш курслари очилди. 1918 йилда Тошкентда мусулмон ўқитувчилар институти иш бошлади, айна пайтда мактаблар диндан ажратилди (ислом асосларини ўрганиш таъқиқланди). Мактабларда меҳнат ва касб таълимига эътибор қаратила бошланди. Шунингдек, Тошкентда Туркистон халқ университети ва Туркистон шарқ университети ташкил этилди, уларда Туркистон, Афғонистон ва Ҳиндистон географияси ўрганилди. 1919 йилда совет мактаби учун ўзбек тилида дастлабки “Бошланғич география”, география, тарих фанлари учун “Туркистон”, Т.Н. Қори-Ниёзийнинг “Табиатнинг парчаси” (табиатшунослик учун) каби қўлланмалар чоп этилди, шунингдек мактабларда ўқув-методик ишлар секин-аста йўлга қўйила бошланди.

Хоразмда янги типдаги бошланғич умумтаълим мактаблари 1920 йилдан ташкил этилди. Бу даврда Хоразмда мавжуд бўлган 1500 га яқин эски мактаб ва 130 та мадрасанинг ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритилиб, дунёвий фанлар, шу жумладан, *жўрофия* ўқитилди. Бироқ ўқитувчилар тайёрлаш курсини битириб чиққан муаллимлар болаларни фақат ўқиш ва ёзишга ўргата олган, холос. Шу боис география ўқитувчиларига катта эҳтиёж бўлган. 1921 йилда Хивада халқ университети, 1923 йилда педагогика техникуми очилди. Олий маълумотли педагог кадрларга эҳтиёж катталиги туфайли хорижий ўқувчи-ёшлар Тошкент, Москва, Қозон, Оренбург каби шаҳарларга ўқишга юборилди. Бухорода ҳам янги типдаги мактаблар 1920 йилда ташкил этилди. 1921 йилда А. Фитрат ташаббуси билан 50 нафар бухоролик Германияга ўқишга

юборилди, бироқ уларнинг тақдири фожиали яқунланди. 1922 йилда Бухоро дорилфунуни ва иккита ўқитувчилар институти ташкил этилди.

1920 йилда Тошкентда халқ маорифи институти, таълим рус тилида олиб борилган Олий педагогика институти ҳамда Туркистон халқ универси-тети негизида Туркистон давлат университети (кейинчалик Ўрта Осиё, Тош-кент давлат университети, ҳозирги ЎзМУ) ташкил этилиб, унда дастлабки “Туркистон географияси” кафедраси фаолият кўрсата бошлади. 1920 йилларнинг иккинчи ярмидан Туркистон, шу жумладан, Ўзбекистон табиий бойлик-лари, иқлим ва тупроқ хусусиятлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси кенг ўрга-нила бошланди. Бироқ 1924 йилдан “Туркистон” сўзи муомаладан чиқари-либ, “Ўрта Осиё” термини кенг истеъмолга кирди. Бу даврда Ўзбекистонда Д. Кашкаров (1878-1941) ва Е. Коровин (1891-1963) Ўрта Осиё давлат уни-верситети (ҳозирги ЎзМУ) базасида *экология-география* илмий мактабини яратди. Д. Кашкаров табиатни муҳофаза қилиш, кўриқхоналар ташкил этиш (1930 й.) ва Туркистон ўлкасида сайғоқларни қирилиб кетишдан ҳимоя қи-лиш каби ташаббуслар (1931 й.) билан чиқди. Д. Кашкаров ва Е. Коровин то-монидан «Муҳит ва уюшма» (1933 й.), «Чўл ҳаёти: экология ва чўлни ўзлаш-тиришга кириш» (1936 й.) каби илк маҳаллий дарслик ва илмий асарлар чоп этилди. Бу ўзгаришлар асосан география илмини ривожлантириш ва геогра-фия ўқитувчиларини сифатли тайёрлашга йўналтирилган эди.

География бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш 1921 йилдан бошланди. Д.Н. Анучин бошчилигидаги комиссия учинчи синфдан тўққизинчи синфгача мактаб географияси курсларининг қу-йидаги изчил тизимини таклиф қилди:

1) 3-4-синфларда “Ватаншунослик”, яъни ўз қишлоғи, шаҳри, уезди, гу-берниясини ўрганиш ва мамлакат турли қисмлари табиатининг манзаралари ва одамлари ҳаётини умумлаштира олиш кўникмасини шакллантириш назар-да тутилди;

2) 5-8-синфларда дунё қитъалари ва мамлакат табиий географиясини, шунингдек Россия ва дунёнинг энг муҳим мамлакатлари иқтисодий геогра-фиясини ўқитиш режалаштирилди:

3) 9-синфда Ер сайёраси астрономик ва метеорологик билимлар билан биргаликда ўрганиш жорий этилди.

География бўйича янги ўқув дастурида нафақат дарс соатлари, балки курс ҳажми ҳам кўпайди, таълимда изоҳлаш-тушунтиришга асосий эътибор қаратилди. Бироқ намуна сифатида тавсия этилган ушбу дастурни бажариш мажбурий бўлмаганлиги учун бир неча пойтахт мактабларида жорий этилган, холос. Оммавий мактабларда эса география маҳаллий халқ таълими органла-ри томонидан тузилган дастурлар асосида ўқитилган.

1923-24 йилларда таълимнинг *комплекс* тизими жорий этилди. Бу ГУС / ДИК (Давлат илмий кенгаши) дастурлари деб номланди. Бошланғич мактаб-да алоҳида ўқув фанларидан дарс бериш бекор қилинди, ўрта мактабда ўқув фанларининг мустақиллиги йўқолди. Мактаб таълими учта катта мажмуий мавзу: “Табиат”, “Меҳнат” ва “Жамият”га ажратилди. 3-4-синфларнинг географик материаллари *мажмуий мавзуларга*, 5-9-синфларнинг географик материаллари эса мос равишда *табиатишунослик* ва *жамиятишунослик* курсла-рига киритилди. География алоҳида ўқув фани сифатида тугатилди (олиб ташланди) ва таълимнинг бундай тизими натижасида ўқувчилар барча ўқув фанлари, шу жумладан, *география* бўйича ҳам тизимлашган билимларга эга бўлмай қолди. Бу совет мактаби таълимидаги энг муваффақиятсиз тажриба бўлди. Шу сабабли география 1927 йилда 5-7-синфларда, 1932 йилда 8-синф-да мустақил ўқув фани сифатида қайта тикланди. Бу даврда Ўзбекистонда А.Гейкиннинг “Табиий жўғрофия” (1925 й., хорижий тилдан таржима), Н. Ба-лашевнинг “Ўзбекистон ва унга қўшни жумҳуриятлар ва вилоятлар” (1925 й.), Г.И. Ивановнинг “Бошланғич жўғрофия” (1927 й., рус тилидан қайта иш-ланган таржима) каби қўлланмалар нашр этилди. 1927-1929 йилларда бирин-чи босқич мактаблар учун ўлкашунослик дарсликлари: «Ёш туркистонлик», «Бизнинг ўлка», «Табиийёт бўйича ўқиш китоби» ва бошқа маҳаллий қўллан-малар нашр қилинди.

1927 йилда Самарқанд олий педагогика институти (кейинчалик Самар-қанд давлат педагогика институти) ташкил этилиб, унда табиатшунослик фа-культети фаолият кўрсата бошлади. Айнан шу йили мактаб таълимида *гео-графия* алоҳида ўқув фани сифатида қайта жорий этилди. География алоҳида фан сифатида ўқитилишига қарамай, мактаб ўқувчилари керакли географик маълумотларга эга бўлмаган.

Ўзбекистонда 1928 йилда эски усул мак-таблари буткул тугатилди ва мажбурий бошланғич, етти йиллик (тўлиқсиз ўрта) ва ўрта мактаблар фаолиятини йўлга қўйишга киришилди.

Мактаб географияси тараққиётидаги янги босқич 1934 йилда бошлан-ди. “Бошланғич ва ўрта мактабларда география ўқитилиши тўғрисида” қарор қабул қилиниб, мактаб ўқув режасида географиянинг тутган ўрни тубдан ўз-гарди. Шу вақтдан бошлаб географиянинг ўқув фани сифатидаги мазмунини такомиллаштириш даври бошланди.

Қарорга мувофиқ, географияни ўрганиш 3-9 синфларда жорий этилди ва янги география дастури ишлаб чиқилди. Бошланғич мактабларнинг олдида ўқувчиларни географияни тизимли ўрганишга тайёрлаш ва харитани яхши ўзлаштириш вазифаси қўйилди. Хусусан, бошланғич мактабнинг география курси табиий география бўйича бошланғич маълумотларни ўз жойи мисоли-да (3-синфда) ва мамлакат минтақалари бўйича табиат ва кишилар ҳаётининг

тавсифини (4-синфда) ўз ичига олди. Етти йиллик мактабнинг 5-7 синфлари-да табиий география (5-синфда – умумий табиий география, 5-синфда – дунё қитъалари географияси, 7-синфда – СССР табиий географияси) ўрганилди, бироқ аксарият ўқувчилар 7-йиллик таълим билан чекланганлиги сабабли 6- ва 7-синфлар географиясига СССР ва энг муҳим чет мамлакатларнинг аҳоли-си ва хўжалиги ҳақидаги баъзи маълумотлар қўшимча киритилди. СССР ва энг муҳим чет мамлакатлар иқтисодий географияси курслари юқори, яъни 8-9 синфларга кўчирилди. Демак, 5-синфда - табиий география бошланғич кур-сини, 6-синфда - дунё қитъалари ва энг муҳим давлатлар географиясини, 7-синфда - СССР табиий географиясини, 8-синфда СССР иқтисодий география-сини, 9-синфда - капиталистик мамлакатлар (кейинчалик чет мамлакатлар) иқтисодий географиясини ўрганиш жорий этилган. Энг муҳими шундаки, бу курслар қисман ўзгаришлар билан СССРнинг кейинги барча йилларида сақ-ланиб қолган.

Энг муҳими, юқорида таъкидланган қарор ижроси натижасида Ўзбе-кистон мактаблари географиядан илмий ва методик жиҳатидан яхши ишлан-ган ўқув дастурларига эга бўлдилар. Ўзбек мактабларининг барча синфлари учун биринчи марта она тилида география дарсликлари яратилди, уларга рангли хариталар илова қилинди. Бу даврда давлат университетлари ва инс-титутлари, ўқитувчилар институтлари ва кечки педагогика институтларида география факультетлари очилиб, география ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилди, кўплаб ўқув-методик қўлланмалар тайёрлан-ди ва рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинди. Бу борада Самарқанд дав-лат университетиди 1934 йилда ташкил этилган “Умумий табиий геогра-фия”кафедраси, 1935 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ташкил этилган “География” кафедраси (мудири М. Бектемиров) муҳим ўрин тутди. Мазкур кафедрада С. Саидрасулов, А. Обизов, М. Қориев, И. Мирбобоев каби педагоглар фаолият кўрсатди. Илк бор А. Обизов томо-нидан ўрта мактаб ўқувчилари учун “Ўзбекистон географияси” дарслиги нашр қилинди. Шунингдек, Ўрта Осиё давлат университетиди 1935 йилда ташкил этилган “Табиий география” (мудири Н.Л.Корженевский) ва 1940 йилда ташкил этилган “Иқтисодий география” (мудири А.Г.Кузнецов) кафедралари ҳам географ ўқитувчилар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшдилар. Шу билан бирга, маҳаллий географ олимлар (Н.Д.Долимов ва бошқ.) ҳам гео-графия илми ва таълимига ўз хиссасини қўша бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши география таълимига ҳам ўз таъсирини кўрсат-ди: аксарият география ўқитувчилари фронтга жўнатилди, олий ўқув юртла-рида географлар тайёрлаш издан чикди, дарслик ва қўлланмалар, дафтарлар етишмай қолди ва ш.к.

Урушдан кейинги йилларда маориф тизими қайта тикланиб, умумий ўрта таълимга босқичма-босқич ўтиш бошланди, таълим мазмуни, шу жумла-дан, *география таълими* мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш бошланди. Бунда 1944 йилда ташкил этилган РСФСР (кейинчалик СССР) Педагогика фанлари академияси ва унинг илмий-тадқиқот институтларидан бирида мак-таб географияси бўйича бош илмий муассаса – *география таълими лабораторияси* ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этди: ўқув дастурларининг тайёрланиши ва дарсликларнинг ёзилиши мувофиқлаштирилди, география таълими методиканинг илмий масалаларини ишлаб чиқиш бошланди. Хусусан, 1946 йилда Н.Н. Баранский муаллифлигида “Иқтисодий географияни ўқитиш бўйича очерклар” номли иқтисодий география таълимининг биринчи методикаси нашр этилди.

1948 йилдан бошлаб бошланғич синфларда *табиийёт* таълими тизими ўзгарди: 1-3- синфларда *табиатишунослик* материаллари изохли ўқиш дарсларида, *табиийёт* эса ўқув фани сифатида 4-синфда ўрганила бошланди.

1953-1954 ўқув йилидан бошлаб мактаб географияси дастурларига амалий машғулотларни ўтказиш мажбурий тарзда киритилган эди. аторияси ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эга бўлди.

Мактабда география курси синфлар бўйича қуйидагича тақсимланди:

- 5-синф – Табиий география бошланғич курси;
- 6-синф ва 7-синфнинг биринчи ярим йиллиги – Дунё китъалари ва энг муҳим давлатлар географияси;
- 7-синфнинг иккинчи ярим йиллиги ва 8-синф – СССР географияси (табиий география, иқтисодий география элементлари билан бирга);
- 10-синф – Чет мамлакатлар иқтисодий географияси;
- 11-синф – СССР иқтисодий географияси.

1964 йилда 11-синфлар тугатилди ва шу муносабат билан СССР иқти-содий географияси мактаб география курси таркибидан чиқарилди.

Бу даврда барча иттифоқдош республикалардаги педагогика илмий текшириш институтларида *География секторлари ва лабораториялари* ташкил этилди. Уларда мактаб географиясига оид илмий-методик тадқиқотлар амал-га оширилди. Бу борада Ўзбекистан педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг География лабораториясида **П. Мусаев** раҳбарлигида бир гуруҳ илмий ходимлар томонидан география таълими назарияси ва методикасининг долзарб масалалари, хусусан, миллий мактаб ва қишлоқ мактабларида география таълими муаммолари турли жиҳатдан ўрганила бошланди.

География ўқитувчиларини тайёрлашда, шунингдек мактаблар ва олий ўқув юртлари учун дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув-методик адабиётларни яратишда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент

давлат педагогика университети), шунингдек Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Нукус ва ш.к. давлат педагогика институтларининг география факультетлари салмоқли ҳисса қўшди. Бу борада О. Мўминов, П. Мусаев, Р. Қурбонниёзов, М. Набихонов, Т. Абуллаева, М. Асомов каби қатор методист-олимлар география таълими жонқуярларига айланди ва улар томонидан ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар бўйича қатор илмий-методик ишлар бажарилди. Қуйида ўзбек методист-олиmlари ва уларнинг энг муҳим ишлари ҳақида қисқа маълумотлар келтирилди:

Умуман олганда, ўтган асрнинг 60-80-йилларда З. Акрамов, Х. Ҳасанов, Н. Долимов, Т. Тажимов, Т. Раимов, А. Хисомов, М. Умаров, К. Абирқулов, М. Валихонов, Ж. Матмуратов, М. Халимов, А. Ҳасанов, М. Қорахонов, Ш. Зокиров, Р. Раҳимбеков, Л. Алибеков, С. Нишонов, А. Саидов, М. Расулов, П. Гуломов, О. Ота-Мирзаев, С. Саидкаримов, А. Саидахмедов, Ж. Холиқов, Б. Камолов, И. Алимухамедов, А. Рафиқов, Т. Мирзалиев, Г. Пардаев, Т. Аллаберганов, Т. Эгамбердиев, А. Сагатов, А. Расулов, А. Қаюмов, С. Сирлибаева, Ю. Султонов, И. Абдуғаниев, А. Солиев, Г. Асанов, А. Абулқосимов, М. Маматқулов, Б. Бахриддинов, И. Назаров, П. Баратов, И. Сафаров, Ф. Ҳикматов, А. Эгамбердиев, Ш. Холиқулов каби кўплаб иқтидорли ўзбек географ олимлари томонидан Ўзбекистон табиати, аҳолиси ва хўжалигини ўрганиш, таҳлил қилиш, табиатдан фойдаланиш ва унинг муҳофазасини ташкил этиш ва хариташунослик бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилди.

Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида *ўрта махсус, касб-ҳунар таълими* деб номланган янги таълим тури, яъни *академик лицей* ва *касб-ҳунар коллежлари* ташкил этилиб, уларда ҳам география фанини ўқитиш йўлга қўйилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларида география таълими синфлар бўйича қуйидагича тақсимланди:

- 5-синф – Табиийёт;
- 6-синф - Материклар ва океанлар географияси;
- 7-синф – Туркистон табиий географияси (1-ярим йилликда), Ўзбекистон табиий географияси» (2-ярим йилликда);
- 8-синф – Ўзбекистон иқтисодий географияси;
- 9-синф – Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси.

Ҳар бир синф якунида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар табиийёт ва география курслари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларида ўз аксини топди. 2000-2001 ўқув йилидан 7-синфдаги “Туркистон табиий географияси” курси “Ўрта Осиё табиий географияси” номи билан ўқитила бошланди.

Бу даврда мактаб *табиийёт* ва *география* курси синфлар бўйича қуйидагича тақсимланди:

- 1-синф – Атрофимиздаги олам;
- 2-синф – Атрофимиздаги олам;
- 3-синф – Табиатшунослик;
- 4-синф – Табиатшунослик;
- 5-синф – Табиий география бошланғич курси;
- 6-синф - Материклар ва океанлар географияси;
- 7-синф – Туркистон (Ўрта Осиё) табиий географияси (1-ярим йилликда), Ўзбекистон табиий географияси (2-ярим йилликда);
- 8-синф – Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси;
- 9-синф – Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси.

География таълими самарадорлги ошириш мақсадида хорижий ва маҳаллий илғор тажрибалар ўрганилиб, бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Хусусан, мустақиллик йилларида география таълимининг педагогик асослари ва методикаси бўйича **Ш. Авазов** (қишлоқ мактаблари юқори синф ўқувчиларини ўлкашунослик фаолияти жараёнида экологик тар-биялаш), **У. Сафаров** (география таълимида компьютерлардан фойдаланиш методикаси), **А. Ҳаитов** (мактаб табиий география таълимида геоэкологик билимлар тизимини ўқитишнинг методик асослари), **З. Гаипова** (табиий гео-графия бошланғич курсида маҳаллий кўргазма воситаларидан фойдаланиш-нинг услубий асослари), **М. Абдурахмонов** (табиий география таълимида ди-дактик ўйинлардан фойдаланиш методикаси), **С. Матсаидова** (мактаб ўқув-чиларида табиий географик матнлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш), **Ҳ. Никадамбаева** (Ўзбекистон табиий географиясини ўқитишда комп-пьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси), **Ф. Жуманова** (география таълимида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг экологик маданиятни шакллантириш) ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари бажарилди.

2000-2010-йилларда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари учун П. Ғуломов, А. Солиев, А. Абдулқосимов, П. Баратов, Р. Қурбонниёзов, Х. Ваҳобов, П. Мусаев, Ж. Мусаев, А. Баҳромов, М. Мамат-қулов, А. Қаюмов, Ш. Азимов, И. Сафаров, А. Хасанов, А. Соатов, Б. Эгамов, Н. Сабитова, М. Тиллабоева ва шу каби муаллифлар томонидан янгиланган дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилди. Шунингдек, олий таълим муассасаларига ўқишга кирувчилар учун географиядан маълумотнома ва тест савол-лари ишлаб чиқилди (Р. Қурбонниёзов ва бошқ.). Бир қатор вилоятларнинг, хусусан, Фарғона

(И. Абдуғаниев), Сурхондарё (А. Рўзиев) Бухоро (И. Назаров), Хоразм (Р. Қурбонниёзов) табиий ва иқтисодий географияси яратилди.

Жаҳон ва Европадаги ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги ижобий тажрибаларни миллий таълим тизимига жорий этиш мақсадида 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб мактаб ўқувчиларида таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари бошланди ва 2017 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стан-дартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сон қарори билан табиёт ва география ўқув фани бўйича таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича дара-жаси ҳамда таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари, яъни географик компетенциялар тузилмаси ва кўлами тасдиқланди. Шу муносабат билан география таълими бўйича янги ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, шуниндек методик адабиётлар яратишга киришилди.

1.4. География таълими методикасининг предмети, вазифалари ва замонавий муаммолари

ЮНЕСКОнинг XXI аср маърифати бўйича тавсияларида география фалсафа, тарих ва чет тиллари билан бирга билимнинг тўртта таянч умуминсоний соҳалари қаторига киритилган. Бу эътироф география фани ва география таълимининг миллий ва умумбашарий аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

География таълими – таълим олувчиларнинг географик билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, ижодий кучи ва ички имкониятларини ривожлантиришга, дунёқарашлик қадриятларини ва мустақил ўқиб билим ортириш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган илмий асосланган педагогик жараёндр. Педагогик (дидактик) амалиётда мазкур илмий тасаввурнинг амалга ошиши *география таълими методикаси* воситасида рўёбга чиқарилади.

Методика – бу қандайдир ишни мақсадга мувофиқ бажариш усуллари тўпламидир. Методика асосида *метод* ётади. “Method” сўзи “усул”, “йўл” деган маънони, “methodike” – бирор фаолиятни ташкил қилиш ёки тадқиқ этиш усули, қўйилган масалани ечиш йўли, бошқача айтганда, масала ечимининг аниқ, оддий қоидаларини англатади. Шундай экан, *таълим методикаси* дидактик жараённинг асоси сифатида намоён бўлади.

Одамнинг цивилизация ва маданият оламига кириши тўпланган билимлар ва ҳаётий тажрибанинг бир авлоддан бошқасига ўтказилиши воситасида амалга ошади. Авлодлар изчиллиги ва одамни ижтимоийлаштириш амалиётининг юзага келиш ва давом этиш тартиби *маърифий тизим* ҳисобланади.

Маърифат – ижтимоий ҳодиса ва жараён. Маърифат – жамиятдаги *қадрият, ижтимоий онг* ва *шахс* тузилмаларини ўз ичига қамраб олган алоҳида,

Ўзига хос тизим, яъни ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларидан бири. Маърифат - инсониятни дунёвий қадриятлар, фан-техника ютуқлари билан таништиради ва одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот муҳити ҳисобланади. Ҳар қандай жамиятнинг ақлий-маънавий ва маданий-ахлоқий салоҳияти маъри-фатга бевосита боғлиқ бўлади. Ҳар қандай шахс ёки жамиятнинг маънавияти, мафкураси ва маданияти – маърифатдан бошланади. Демак, маърифат – маъ-лум бир шахс ва жамият ривожининг умумий шаклидир.

Илмий умумлашмани ифодаловчи асосий педагогик тушунчалар *педагогик категориялар* деб аталади. “Маърифат”, “таълим”, “тарбия” тушун-чалари асосий педагогик категориялар сирасига киради. Шунингдек, педаго-гика фанида “*шахснинг шаклланиши*”, “*шахснинг ривожланиши*” каби умум-илмий категорияларга таяниб ҳам иш кўриладики, улар шахс камолотини тавсифловчи тушунчалар сифатида қараб чиқилади.

Дидактика (юнонча διδακτικός «ўғит, панд-насихат қилувчи») – педагогика ва маърифат назарияси ва амалиётининг *таълимга* оид муаммоларини ўрганувчи алоҳида бўлими бўлиб, билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилиши ва эътиқодлар шаклланиши ҳақидаги қонуниятларни, шунингдек маърифат мазмунининг ҳажми ва тузилмасини аниқлайди. Бошқача айтганда, “**дидактика**” термини “**ўқитиш**”, “**ўргатиш**” маъносини англатиб, **таълим жа-раёни, унинг мазмуни, қонуниятлари ва тамойиллари, методлари ва воситала-ри ҳамда ташкилий шакллари**ни илмий асослаб берувчи *таълим назарияси*. Буюк мутафаккирларимиз: Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний асарларида таълим, яъни ўқитиш ва ўқишга оид шарқона ди-дактик қарашлар, яъни билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, шунингдек турли хил ўқув машғулотларининг таълимий ва тарбиявий имкониятларини очиб берилган.

Дидактика термини биринчи марта немис педагоги В.Ратке (1571-1635) томонидан унинг “Дидактика ёки таълим санъати» деб номланган маърузаси-да (1613) муайян бир фаннинг назарий ва методологик асосларини тадқиқ қи-лувчи илмий йўналиш сифатида қўлланилган. Дидактиканинг фундаментал илмий асослари чехиялик олим Я.А. Коменский томонидан ишлаб чиқилган. У 1657 йилда чех тилида «Буюк дидактика» асарини ёзади ва дидактикани «хаммани ҳамма нарсага ўргатувчи санъат» сифатида талқин этади. Шу боис, Я.А. Коменский дидактикасида “**нимага ўқитиш?**”, “**нимани ўқитиш?**”, “**қаер-да ўқитиш?**”, “**қандай ўқитиш?**” каби саволларга ўзига хос тарзда жавоб бе-рилган.

Ҳозирги пайтда фанларнинг ўрганиш объекти ва предметини ажратиб кўрсатиш қабул қилинган. Ўрганиш *объекти* – воқеликнинг маълум бир фан ўрганадиган ёки тадқиқ этадиган соҳаси, *предмети* – ўрганиладиган объект-нинг

муайян бир хусусияти ёки уни мазкур фан нуктаи назаридан қараб чи-қиш усули. Шу нуктаи назардан дидактиканинг *объекти* – таълим соҳаси, яъни ўқитувчи ва таълим олувчининг муштарак фаолияти, *предмети* – ўқи-тиш (ўқитувчи фаолияти) ва ўқиш (таълим олувчи фаолияти) жараёни ўрта-сидаги ўзаро алоқадорлик, уларнинг омиллари, шарт-шароитлари, натижала-ри ҳисобланади.

Дидактиканинг *вазифалари* кимга, нимани, қачон, қаерда ва қандай ўқитиш ёки ўргатиш *муаммоларини* ҳал этишдан иборат бўлиб, уларни уму-мий ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

1) таълим жараёни ва уни амалга ошириш шарт-шароитларини асослаш ва тавсифлаш;

2) ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва замонавий таълим жараёнла-рини тадқиқ этиш;

4) янги ўқитиш (ўргатиш) ва ўқиш (ўрганиш) тизимларни яратиш;

5) инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Педагогика назарияси ва амалиётида “дидактика” тушунчаси билан биргаликда “хусусий дидактика” тушунчаси ҳам қўлланилади. **Хусусий дидактика** - айрим ўқув фанлари бўйича таълим методикаси бўлиб, тегишли фанни ўқитиш ва бунда ўқиш жараёнининг ўзига хос хусусий қонуниятлари-ни ўрганади, унинг технологик тизимини (мажмуини) ишлаб чиқади.

Замонавий дидактика – таълим назариялари ва технологиялари ҳақи-даги фан бўлиб, ҳар бир ўқув фани ўзининг мақсади, вазифалари, мазмуни ва технологияларига (методлари, шакллари ва воситалари мажмуига) кўра ўзига хос таълим методикасига эгаллиги билан ажралиб туради. Шу нуктаи назар-дан, исталган бир ўқув фани каби **география таълими методикаси** ҳам **ху-сусий дидактика** сифатида намоён бўлади. Демак, **география таълими ме-тодикаси – педагогик фанлардан бири ҳисобланади.**

Ҳар бир таълим методикасининг ўзига хос ўрганиш объекти ва предме-ти мавжуд бўлиб, уларни аниқ фарқлаш учун педагогика ва дидактиканинг объекти ва предметини тўғри идрок талаб этилади.

Педагогиканинг объекти – ижтимоий воқеликда инсон ҳаёти ва фао-лияти туфайли вужудга келган *маърифат* соҳаси, *предмети* – инсон ҳаёти давомида унинг камол топишини таъминлайдиган *педагогик жараёнлар* (таъ-лим, мустақил ўқиш, тарбия, ўзини-ўзи тарбиялаш, бошқача айтганда, шахс-нинг жисмоний, ақлий-ахлоқий ва маданий камолоти жараёнлари) ҳисобла-нади. Демак, педагогика фани *маърифатни*, яъни жамиятнинг маданий кад-риятларини сақлаш ва бойитишга қобилиятли баркамол шахс – комил инсон-ни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадини назарда туттади.

Дидактика, юқорида таъкидлаганимиздек, педагогиканинг бир бўлими бўлиб, унинг *объекти* - таълим соҳаси, яъни ўқитувчи ва таълим олувчи-нинг

муштарак фаолияти, **предмети** - ўқитиш ва ўқиш жараёнлари (омилла-ри, шарт-шароитлари, натижалари) ҳисобланади.

Мазкур таърифларга таянган ҳолда география таълими методикасининг объекти ва предмети куйидагича таърифлаш мумкин: **география таълими методикасининг объекти** – шахсни камол топтиришга йўналтирилган яхлит педагогик жараённи вужудга келтирувчи *географик маърифат*, унинг барча таркибий қисмлари, тор маънода, *география таълими*, яъни ўқитиш ва ўқиш жараёнлари бўлиб, унинг **предмети** – география асосларини унга яқин боғланган (хариташунослик, геология, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, иқтисодиёт ва ш.к.) фанлар элементлари билан биргаликда ўргатиш ва ўрганиш жараёнлари ҳисобланади.

География – умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълимда-ги ўқув фани бўлса, **география таълими**, юқорида қайд этилганидек, таълим олувчиларнинг географик билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлаштиришга, ижодий кучи ва ички имкониятларини ривожлантиришга, дунёқарашлик қадриятлари ва мустақил ўқиб билим орттириш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган *педагогик жараён* бўлиб, **география таълими методикаси** – олий географик таълимнинг асосий ихтисослик фанларидан биридир.

География таълими методикаси педагогик билимларнинг бир тармо-ғи бўлиб, географиянинг ўқув фани сифатидаги мақсади ва вазифаларини белгилайди, мактаб географияси мазмунини яхлит ва унинг алоҳида курслари бўйича ишлаб чиқади, география таълими жараёнини яхлит ўрганади, география таълимини ташкил этишнинг ташкилий шакллари тадқиқ қилади, география бўйича ўқув воситалари (жиҳозлари) ва улардан фойдаланиш методи-касини ишлаб чиқади, география таълими методлари ва усулларини аниқлай-ди, ўқувчиларнинг географик ўқиши ва уларда географик маданиятни шакллантиришнинг оқилона йўллари белгилайди, бўлғуси география ўқитувчиларини мактаб географиясининг мазмуни, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва педагогик жараённи замонавий жиҳозланиш тизимига мос, илмий асосланган ва амалда тасдиқланган таълим ва тарбия методлари билан таъминлайди.

География таълими методикаси куйидаги **муаммоларни** ўрганади ва қайд этилган педагогик саволларга жавоб излайди:

- 1) география таълимининг мақсадлари, яъни “нима учун географияни ўқитиш (ўргатиш) ва ўқиш (ўрганиш) керак?”;
- 2) география таълимининг мазмуни, яъни “география бўйича нимани ўқитиш (ўргатиш) ва ўқиш (ўрганиш) керак?”;
- 3) география таълими методлари ва ташкилий шакллари, яъни “географияни қандай қилиб ўқитиш (ўргатиш) ва ўқиш (ўрганиш) керак?”;

4) география таълими воситалари, яъни “географияни нималар ёрдами-да ўқитиш (ўргатиш) ва ўқиш (ўрганиш) керак?”;

5) таълим олувчиларда географик ижодий фаолият ва ҳиссий-қадрият-ли муносабатлар тажрибасини шакллантириш ва рағбатлантириш, яъни “қан-дай қилиб ижодкор, маҳсулдор таълим олувчи шахсини шакллантириш мум-кин?” ва ш.к.

Анъанага кўра, география таълими методикасида *география таълими-нинг умумий методикаси* ҳамда *география таълимининг хусусий методикаси* фарқланади.

География таълимининг умумий методикаси география таълимини яхлит, бир бутун жараён сифатида ўрганади, бу жараённинг қонуниятларини исбот қилади, география таълимининг мақсади ва вазифаларини белгилайди, мазмунини ишлаб чиқади, таълим методлари, воситалари ва шакллари аниқлайди.

География таълимининг хусусий методикаси география таълими-нинг умумий методикаси аниқлаган қонуниятлар ва хулосаларига асосланиб, мактаб географиясидаги алоҳида курслар ўқитилишининг ўзига хос хусуси-ятларини, айрим методик масалаларни (масалан, билим, кўникма ёки компе-тенцияларни шакллантириш ёхуд иқлимни ўрганиш методикаси ва ш.к.) ўр-ганади.

География таълими ёки **географик таълим** - таълим олувчиларнинг географик илмий билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллашга, географик ижодий қобилияти, географик дунёқараши ва географик эътиқоди-ни ривожлантиришга, фаол географик ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган педагогик жараёндир.

Хусусий дидактика, яъни география таълими методикасининг бош тушунчаси “**география таълими**” (“**географик таълим**”) бўлиб, унинг маз-мун-моҳияти “географик ўқитиш”, “географик ўқиш”, “географик маълумот”, “географик билим”, “географик кўникма”, “географик малака”, “географик компетенция”, шунингдек “география таълимининг мақсади”, “география таълимининг мазмуни”, “география таълими методлари”, “география таъли-ми воситалари”, “география таълимининг ташкилий шакллари”, “география таълими назорати”, “география таълими натижалари” каби бир қанча хусусий тушунчаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги ва алоқадорлигида очиб берилади.

Географик ўқитиш – география таълими жараёнининг таркибий қисм-ларидан бири бўлиб, география ўқитувчисининг таълим олувчиларнинг географик ўқув-билиш фаолиятини бошқариши билан боғлиқ фаолиятини ифо-далайди.

Географик ўқиш – география таълими жараёнининг таркибий қисмла-ридан бири бўлиб, таълим олувчиларнинг географик билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллаш жараёни билан боғлиқ фаолиятини ифодалай-ди.

Географик маълумот – таълим олувчиларнинг географик билим, кў-никма, малака ва компетенцияларни, географик тафаккур ва фаолият усулла-рини ўзлаштиришда эришган географик савиясини (даражасини) ифодалай-ди.

Географик билим – таълим олувчиларнинг ўрганилган географик ахборотларни (маълумотларни) эслаб қолиши ва қайта тушунтириб бериши.

Географик кўникма – таълим олувчиларнинг ўрганилган географик билимларни таниш вазиятларда қўллай олиши.

Географик малака - таълим олувчиларнинг ўрганилган географик билим ва шаклланган географик кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиши ва янги географик билимлар ҳосил қилиши.

Географик компетенция – таълим олувчиларнинг мавжуд географик билим, кўникма ва малакаларни кундалик амалий фаолиятида қўллай олиш қобилияти.

География таълимининг мақсади – география таълими жараёнини таш-кил этувчи (уюштирувчи) ва йўналтирувчи, унинг мазмуни, методлари, воси-талари ва шакллари белгиловчи асослар (маърифий, тарбиявий, ривожлан-тирувчи мақсадлар) ва натижаларни (географик маданият) ифодалайди.

География таълимининг мазмуни – ўзлаштирилиши шахс камолотини таъминлайдиган географик билим, кўникма, малака ва компетенциялар, географик ижодий фаолият тажрибаси ва атрофдаги оламга географик ҳиссий-қадриятли муносабатлар тизимининг педагогик адаптация қилинишини, яъни мосланишини ифодалайди. Бошқача айтганда, география таълимининг маз-муни тўртта таркибий қисмни ўз ичига олади:

- 1) *географик билимлар* – билиш фаолияти тажрибаси;
- 2) *географик кўникма ва малакалар* – фаолиятнинг олдиндан маълум бўлган усулларини ўзлаштириш тажрибаси;
- 3) *географик ижодий фаолият тажрибаси* – муаммоли, номаълум вазиятларда қарорлар қабул қила олиш қобилияти;
- 4) *географик муҳитга ҳиссий-қадриятли муносабатлар тажрибаси* – географик компетентлик (маконда мўлжал олиш кўникмаси, география “ти-ли”ни билиш ва ҳодисаларни макондаги маълум бир жойга боғлай олиш қобилияти) ва географик маданиятга эгалик.

География таълимининг ташкилий шакллари – бир-биридан дидактик мақсади, таълим олувчилар таркиби, машғулотлар ўтказилиш жойи ва даво-мийлиги, география ўқитувчиси ва таълим олувчилар фаолиятининг мазмуни билан фарқланадиган географик ўқув машғулотларининг турларини ифода-лайди.

География таълими методлари – белгиланган географик ўқув мақсадларига эришиш учун география ўқитувчиси ва таълим олувчилар фаолияти-нинг биргаликда тартибга солинган усулларини (йўллари) ифодалайди.

География таълими усули – географик таълим методининг таркибий қисми бўлиб, маълум бир методни амалга оширишда бир марта қўлланилади-ган айрим ҳатти-ҳаракатни ифодалайди (масалан, *географик таълим методи* – географик адабиёт билан ишлаш, *географик таълим усули* – кичик гуруҳ-ларнинг асардаги айрим мавзуларни матнлаштириши).

География таълими воситалари – географик таълим, тарбия ва шахс камолоти мақсадларига эришиш учун географик маърифий муҳитда (жара-ёнда) ўқув ахборотини ташувчи (билим манбаи) ва ўқитувчи ҳамда таълим олувчилар фаолиятининг воситаси сифатида қўлланиладиган табиий ва ан-тропоген географик объектлар, техник жиҳозларни ифодалайди.

География таълими назорати – география таълими жараёнининг мажбурий таркибий қисми бўлиб, ўқув ишларининг натижаларини текширувчи восита; у қайтар алоқаларни таъминлайди ва ўқув жараёнини тартибга солиш (тўғрилаб туриш) омили ҳисобланади.

География таълими натижалари – ўзлаштирилган географик билим, кўникма, малакалар ва эгалланган компетенцияларни, шунингдек шаклланган географик маданиятни ифодалайди.

География таълими методикаси *педагогика*, хусусан, *дидактика* билан энг яқин, мустаҳкам боғлиқ бўлиб, унинг ўзи *хусусий дидактика*, яъни *ўқув фани дидактикаси* ҳисобланади. Айрим ўқув фанларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари бор: баъзилари назарий билимларни беришга, бошқалари – кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади ва ш.к. Шу сабабли мактабдаги айрим ўқув фанларини ўқитиш жараёнида таълим ва тарбия умумий қонуниятларининг намоён бўлиш хусусиятлари *таълим методикаси* ёки *хусусий дидактикада*, шу жумладан, география таълими методикасида қа-раб чиқилади. География таълими методикаси барча ўқув фанлари методика-сининг умумий илмий асоси бўлган дидактикага асосланади.

География таълимининг замонавий методикаси яхлит таълим тизи-мига хос бўлган қуйидаги *муфассал* (универсал) йўналишлари билан тавсифланмоқда:

1) *инсонпарварлаштириш (гуманизация)* – биринчи навбатда, инсонлар ҳаёти ва уларнинг ижтимоий муносабатларини ҳисобга олувчи ва умуминсоний кадриятларни қарор топтирувчи (жорий этувчи) янги дунёқараш;

2) *ижтимоийлаштириш (социологизация)* – барча фанларда тараққиёт-нинг ижтимоий жиҳатларига эътибор ошишидан иборат умумий йўналиш;



3) *экологиялаштириш (экологизация)* – одамни унинг атрофидаги яшаш муҳити билан узвий боғлиқликда қараб чиқиш;

4) *иқтисодийлаштириш (экономизация)* – бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқлик;

5) *сиёсатлаштириш (политизация)* – сиёсий харитада рўй бераётган жараёнларга эътиборнинг кучайиши;

5) *мажмуий ёндашувларни кучайтириш асосида табиий ва ижтимоий-иқтисодий географияни интеграциялаш* – умумий, минтақавий-миллий ва аҳаллий географик билимлар бир-бири билан чамбарчас боғланган ва яхлит ҳолга келтирилган умумлашган (масалан, алоҳида ҳудудшунослик ёки ўлкашунослик) курсларини яратиш.

География таълими методикаси соҳасидаги долзарб муаммолар ечими ва унинг ривожланиш истиқболлари қуйидаги йўллар билан таъминланиши мумкин:

1) ҳар бир замонавий инсон учун миллий ва халқаро миқёсда эътироф этилган энг зарур географик билим, кўникма ва малакалар мажмуини ишлаб чиқиш;

2) география таълимининг компетенцияларни шакллантиришга асосланган янги режасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

3) миллий ҳукумат ва халқаро ташкилотларда (ЮНЕСКО, Европа иттифоқи, Халқаро география иттифоқи ва ш.к.) география ҳамда география таълимининг манфаатларини юқорига кўтариш;

4) география таълими бўйича илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, шунингдек турли хил таълим муассасаларида географияни ўқитиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

5) турли типдаги умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда олий таълим муассасалари учун энг яхши география дарслиги, ўқув қўлланмаси ва ўқув-услуга бий мажмуасини аниқлаш учун Ўзбекистон география жамияти танловини ташкил этиш ва шу орқали Халқаро география иттифоқи танловларида иштирок этиш;

6) ёш географ олимлар учун Ўзбекистон география жамиятининг ёзги мактабларини ташкиллаштириш;

7) Ўзбекистон география жамиятининг анъанавий конференцияларида ёш географларнинг махсус кунини ташкил этиш;

8) миллий ва халқаро географик фестиваллар, олимпиадалар ва шу каби тадбирларда иштирок этиш.

2-мавзу: Географик маданият ва географик маърифат: тузилмавий-таркибий қисмлари, мазмуни ва ўзаро боғлиқлиги

Режа:

1. Географик маданият - географик маърифат натижаси сифатида.
2. Географик маърифат ва унинг таркибий қисмлари.
3. География таълими – географик маърифатнинг асоси сифатида.

1. Географик маданият - географик маърифат натижаси сифатида.

Маълумки, **география** (юнонча «ге» – ер, «о» – боғловчи, «графо» – тасвирлаш, чизиш) сўзи *Ер тасвири* деган маънони билдиради. **География** – географик қобикнинг тузилмаси, иш-ҳаракати ва эволюциясини, табиий ва табиий-ижтимоий геотизимларнинг (шу жумладан, таркибий қисмларининг) маконда ўзаро боғланиши ва тарқалишини ўрганадиган табиий ва ижтимоий фанлар мажмуи бўлиб, бу фаннинг умумий ўрганиш объекти **географик қо-биқ** ҳисобланади.

Географик қобик - Ернинг литосфераси, гидросфераси, [атмосфера](#)си ва биосфераси ўзаро туташадиган ва бир-бирига таъсир этадиган қобиғи, яъни Ернинг мажмуий ташқи қобиғи ёки сиртқи геосфераларининг бирлашиши бўлиб, географиядаги глобал (умумий) ва тизимли тушунчалардан биридир. Аниқроқ қилиб айтганда, *географик қобик* литосферанинг юқори қисми (ер пўсти), атмосферанинг пастки қисми (тропосфера, стратосфера) ҳамда бутун гидросфера, биосфера (экофера) ва ноосферани (антропосферани) ўз ичига қамраб олади.

Демак, **география** - Ернинг географик қобиғи, унинг тузилмаси, таркибий қисмлари ва ўзгариш (ривожланиш) суръатини яхлит ва муайян ҳудудлар бўйича ўрганадиган, ўзаро узвий боғланган бир неча географик фанлар мажмуидир. Географик қобикдаги *табиий мажмулар* (комплекслар) ва уларнинг таркибий қисмларини (литосфера, гидросфера, атмосфера ва биосфера) **та-биий география**, инсон фаолияти ҳосиласи бўлган *ишлаб чиқариш мажмула-ри* (комплекслари) ва уларнинг таркибий қисмларини, бошқача айтганда, жа-мият ҳаётининг ҳудудий ташкил этилишини **ижтимоий-иқтисодий география** фанлари ўрганади.

Маълумки, географик тасаввур, тушунча ва тафаккур талабаларда географик дунёқарашни шакллантиради. Талабалар география фанларини ўрганиш жараёнида дунёнинг бир бутунлиги, яхлитлиги ҳамда географик қобик-ни (муҳитни) ташкил қилувчи барча таркибий қисмлар ўзаро боғланган ва шартланган ҳолда маконда ва замонда доимо ўзгариб туриши, тўхтовсиз ривожланиши ҳақидаги етакчи ғояларни ўзлаштириб оладилар.

Олий таълим муассасаларидаги география курслари мустақил ўқув фанлари бўлиб, уларнинг зиммасига ҳар томонлама ривожланган етук шахс-ни камол топтиришга, талабалар онгида дунёқараш ғояларини, маданий ва этик тамойиллар ва ахлоқий хулқ-атворни шакллантиришга ҳисса қўшиш ва-зифаси юклатилган. Тор маънода, мазкур ўқув фанларини ўрганиш талаба-ларда умуминсоний маданиятнинг бир қисми сифатида географик маданият-ни ривожлантириш ва шакллантиришга хизмат қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, “*маданият*” тушунчаси шахс ва жамият, уларнинг моҳияти ва тараққиётига бевосита алоқадор бўлган кўп қиррали, мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Шу сабабли шахс ва жамият маданияти, унинг ривожланиш қонунлари фалсафа, археология, этнография, тарих, психология, социология, санъатшунослик, ахлоқшунослик, биология, география, экология ва педагогика каби фанлар тизимида ўрганилиб, тадқиқ этиб келинмоқда.

Республикамизда файласуф ва педагог олимлар томонидан маданият ва унинг шаклланиши муаммолари бўйича жиддий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Мазкур тадқиқий ишларда маданиятнинг моҳияти “моддий ва маънавий бойликлар мажмуи”, “инсон ва жамият фаолиятининг барча тур-лари, уларнинг натижалари мажмуи”, “индивиднинг шахс сифатида шаклла-ниш жараёни”, “шахсни камолот сари элтувчи тизим” ва бошқа тарзларда талқин этилган.

Шахс умумий маданиятининг таркибий қисмлари ҳамда уларнинг моҳиятини ўрганиш масаласи ҳозирги кунда ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бу борада муайян ютуқларга ҳам эришилган, чунончи унинг таркибида сиёсий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва меҳнат маданияти фарқланиши, уларнинг ўзига хос мазмун-моҳиятга эга эканлиги илмий асослаб берилган.

Биз мазкур тушунчани ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдикки, *маданият* – кишилиқ жамияти ёки бирор халқнинг, шу жумладан ўзбек халқининг ишлаб чиқаришда, ижтимоий ва маънавий ҳаётда эришган ютуғидир. Тор маънода, *маданият* - кишилар ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш турла-ри ва шаклларида, шунингдек улар томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятларда ўз ифодасини топадиган жамият тараққиёти ва инсон ижодий куч-ғайрати ва қобилиятининг тарихан шартланган даражасидир.

Таълим-тарбия нуқтаи назаридан маданият талаба шахсининг қадрият-ли мўлжаллари, қизиқиш ва эҳтиёжлари, ҳис-туйғулари ва ақл-идроки орқали уларнинг келажакка интилишида намоён бўлади. Талабаларда маданийлик фазилатини ривожлантириш ва шакллантириш ўқув фанлари, шу жумладан, география фанлари таъсирида ҳам рўй беради.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда шу кунга қадар шахс умумий маданиятининг таркибий қисмларидан бири сифатида **географик маданият-ни шакллантириш**, бу жараённинг мазмун-моҳияти на умумпедагогик, на география таълими методикаси нуқтаи назаридан умуман асослаб берилма-ган.

Энг муҳими, географик маданиятни **“маданият географияси”** билан чалкаштириб юбормаслик керак. Маданият географияси турли мамлакатлар ёки худудларда истиқомат қилаётган ижтимоий гуруҳлар, жамоалар ва оила-ларнинг турмуш тарзи, миллий-маданий анъаналарини табиат ва хўжалик юритиш нуқтаи назаридан ўрганади. Бу ерда гап маданият географияси ҳақи-да эмас, балки талаба шахсида географик маданиятни шакллантириш ҳақида сўз боради.

Географик маданият мазмуни география фанлари мазмунидан фарқ қилган ҳолда моҳиятига кўра умуминсоний, байналмилал бўлиб, у ёки бу халқ ёхуд миллат маданиятининг бир қисмини ташкил этади. **Географик маданият**, кенг маънода, табиат билан ўзаро муносабат маданиятини, миллат-лараро муносабатлар маданиятини, этник маданиятни ва ҳудудий меҳнат маданиятини ўз ичига олади ҳамда маҳаллий табиат хусусиятлари, тарихий-гео-график шароит ва халқнинг кўп асрлик миллий анъаналари билан мустаҳкам боғланган бўлади.

Республикамизда жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида шахс умумий маданиятида географик омилнинг тутган ўрни кун сайин кучайиб бормоқда. Географик маданиятни эгаллаш талабанинг атроф-муҳит билан ўзаро шахсий мулоқоти, оммавий ахборот воситалари ва аниқ мақсадга йўналтирилган география таълими жараёнида амалга ошади. Шунга кўра, география таълимининг энг муҳим вазифаларидан бири – талабаларда инсоният битталиги, мамлакатлар ва уларнинг аҳолиси турли-туманлиги ҳақидаги географик тасаввурларни ҳосил қилишдан иборатдир.

“Географик маданият” тушунчасининг мазмун-моҳияти россиялик олим В.П.Максаковский томонидан кенг ўрганилган. Олим замонавий мактаб географиясига таъриф берар экан, таълим соҳасидаги жаҳон ислоҳотлари-нинг ривожланиш тенденциясида маданиятшунослик концепцияси асос қилиб олинаётганлигига эътибор қаратади, таълимга маданиятшунослик ёндашувининг моҳиятини очиб беради ва география бўйича замонавий таълим дастурлари асосига географик маданият ҳақидаги тасаввурлар қўйилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, у ўз асарларида географик маданият тушунчасининг муҳим белгиларини шарҳлар экан, мазкур тушунча мазмунида иккита: *махсус* (тор) ва *оммавий* (кенг) йўналиш мавжудлигини эътироф этади.

В.П.Максаковский фикрича, географик маданият қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади (1-расм):

- 1) дунёнинг географик манзараси;

- 2) географик тафаккур;
- 3) географик билиш методлари;
- 4) географик тил.

Ушбу таркибий қисмлар махсус ва оммавий географик маданиятга бир хилда таалукли бўлиб, уларда турли ҳажмда ишлатилади.

Географияни ўрганиш жараёнида талабалар онгида *дунёнинг геогра-фик манзараси* маҳаллий, минтақавий ва глобал миқёсда шаклланади. Дунё-нинг географик манзарасини идрок этиш шахсинг табиат билан ўзаро муно-сабатиди, география таълими жараёнида ҳамда оммавий ахборот воситалари таъсирида амалга ошади.

Одий қилиб айтганда, географик саводли ва тафаккурли шахс қаттиқ фойдали қазилмалар қовланган карьерни рекультивация қилиш ёки қўриқ ерни майсазор ёхуд экин даласига айлантириш истиқболини кўра билади; шаҳар, корхона ёки хўжалик бирор тармоғининг ривожланиш истиқолларини ёки сув омбори қуриши оқибатида ер ости сувлари ва иқлим кўрсаткичларида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни баҳолай олади; Қуёш радиацияси билан географик кенгликлар орасидаги ўзаро боғланишлар моҳиятини ёки Ер сайёрасининг турли ҳудудларидаги иқлим кўрсаткичларининг хилма-хиллиги сабабларини англай олади; ҳудудлар билан унинг табиати, кишилари ўртаси-даги, табиат билан муайян ҳудуддаги кишилар хўжалик фаолияти ўртаси-даги ўзаро боғлиқлик ва муносабатлар сабабларини таҳлил қилиб, истиқбол-да кутилаётган ҳолатларни башорат қила олади.

Ёки бошқача ифодаласак, *географик маданиятли одам* кундалик ҳаёт-да овқатланиш меъёрларининг миқдор кўрсаткичларини таҳлил этиб, меъёр-дан паст даражада овқатланиш ёки оч қолиш мумкинлигини; ўз жойи ёки минтақасидаги сув тақчиллиги дарёлар ёки каналларнинг сувсизликдан қу-риб қолишига, оқибатда деҳқончилик инқирози ёки ҳосилдорлик пасайишига сабабчи бўлиши ёки воҳаларда ер ости сувларининг кўтарилиши натижасида тупроқда туз тўпланиши мумкинлигини; Амударё ва Сирдарё сувларининг хўжалик ишлаб чиқариши ва аҳоли эҳтиёжларига ноўрин сарфланиши билан Орол денгизининг қуриши ўртасидаги ёки буғли газлар туфайли Ер сайёраси-нинг ўртача ҳарорати кўтарилиши билан Арктика музликларининг эриши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолай олади.


География таълими мазмунида маданиятшунослик йўналишининг қу-чайиши талаба шахсида дунёнинг географик манзарасини билиш, географик тафаккурли бўлиш, географик билиш методлари ва мазкур фаннинг тилини эгаллаш каби фазилатларни ривожлантиришга имкон беради.

Ҳар бир талаба шахсида дунёни ҳар томонлама маконий ҳис этиш кўникмасини таркиб топтириш учун *географик билимлар тизими* бир бутун боғлам бўлиши керак. Фақат географик маданиятли шахс табиатнинг улуғворлиги ва гўзаллигини маънавий куч ва ахлоқийлик манбаи сифатида кўриш қобилиятига эга бўлади.

Агар талабада берилаётган ёки таклиф этилаётган географик билимлар-ни (ахборотларни) таҳлилий ўзлаштириш ва тўплаган шахсий тажрибасидан фойдаланишга имкон берадиган географик тафаккурнинг тегишли даражаси бўлмаса, география таълимининг энг илғор методлари ёки технологиялари билан ҳам ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Шу сабабли талабаларда *географик тафаккурнинг* таркибий унсурлари етарли даражада ривожланган бўлиши талаб этилади.

Ҳозирги даврда географик маданиятнинг моҳиятини тушуниш кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Географик маданиятнинг аҳамияти умуминсоний маданият нуқтаи назаридан кадриятларни фаҳмлаш, ўз-ўзини ва дунёни англаш, дунёда табиатдаги барча тирик мавжудотлар билан ўзаро уйғунликда ўз ўрнини топиш воситаси эканлиги билан кенг тан олинмоқда.

Географик маданиятнинг мазмун-моҳияти ҳақида россиялик олим В.М.Котляков ҳам муҳим хулосалар чиқарган. У жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири аҳолининг турли гуруҳларига ҳудудий-географик ахборотларни тарқатиш ва уларда географик маданиятни ривожлантириш бўлиб қолди, деган фикрларни билдирган.



1-расм. Географик маданият ва унинг таркибий қисмлари
(В.П.Максаковский бўйича)

География талабаларнинг географик маданиятини ривожлантириш ва шакллантириш билан бир қаторда шахсда экологик маданиятни ҳам ривожлантиради. Талабалар географияни ўрганиш жараёнида табиатнинг ҳолати, уни ўзгартирувчи омиллар ҳамда табиатни асраш, ундан тўғри фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими билан ҳам танишадилар.

География таълимидаги *геоэкологик билимлар тизими* талабаларда географик маданиятни ривожлантиришда жуда катта ўрин тутаяди. Унинг мазмуни “табиат – жамият” тизимидаги ўзаро муносабатларни аниқлашга йўналтирилган бўлиб, мазкур муносабатларнинг асослари қуйидагилардан иборат-дир:

1) инсон – биоижтимоий мавжудот, у ҳам экосферанинг (табиатнинг), ҳам жамиятнинг таркибий қисми сифатида қараб чиқилади;

2) Ер сайёраси, шу жумладан, Ўзбекистоннинг табиий шароити жуда хилма-хил; уларнинг инсон хўжалик фаолиятига таъсири турли ҳудудларда турлича намоён бўлади;

3) табиат, унинг шарт-шароитлари ва ресурсларининг аҳамияти, уларнинг хўжаликни ривожлантириш ва жойлаштиришга таъсир даражаси тари-хан ўзгариб туради;

4) инсон фаолияти табиатга таъсир кўрсатадиган ва уни ўзгартирадиган омилга тобора кўп айланмоқда.

Географияни ўрганиш жараёнида талаба муайян даражада *фан тилини* ҳам ўзлаштирадilar. Географик тушунчалар мазмунига кўра табақалаштирилган умумгеографик, картографик, табиий географик ва ижтимоий-иқти-содий географик тушунчаларга бўлинади. Илмий далиллар тилини ўрганиш, яъни рақамлар, саналар, географик номлар ва терминлар тилини эгаллаш ҳам географик маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Географик номлар ва терминлар географик тилнинг асосини ташкил этади ва уларни муайян даражада билиш географик маданиятнинг ўзига хос кўрсаткичидир.

Харитаграфик саводхонлик, яъни географик хариталар тилини билиш ҳам географик маданиятлик белгисидир. Таъкидлаш лозимки, географик харита бугунги кунда халқаро мулоқот тилига ҳам айланган. Географик саводхон талаба учун харитани билиш она тили ёки математикани билишдек муҳимдир. Билимларнинг харитаграфик усули нафақат географлар, балки бошқа соҳа мутахассислари томонидан ҳам кенг қўлланмоқда. Хариталар ёрдамида турли маълумотлар олиш аллақачон умумий маданиятнинг муҳим қисмига айланган.

Демак, географик маданиятни ривожлантириш афродаги дунёни ил-мий билишга асосланган географик омилли, узоқ муддатли ва яхлит жараён-дир. География талабаларда дунёнинг ранг-баранглиги ва яхлитлиги ҳақида-ги билимларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий талаба

учун оддий географик билимларни эгаллаш кундалик эҳтиёжга айланган, чунки география инсоннинг яшаш муҳити ҳақида мажмуий билим беради.

Россиялик олима И.В.Душинанинг таърифига кўра, **географик маданият** – бу асосини атрофдаги географик муҳитга қадриятли муносабатлар ташкил этадиган субъектив ва объектив тавсифлар мажмуи, педагогик таъсир кўрсатиш натижасидир. Географик маданиятни шахснинг географик муҳитни ва ўз-ўзини қайта ўзгартириш усули сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлили ва кузатишлар асосида шахс географик маданиятининг куйидаги **белгиларини** алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) атроф-муҳитни илмий идрок этиши;
- 2) география фанлари тилини билиши (тушунчалар, терминлар, принциплар, назариялар ва ш.к.ни билиш);
- 3) атрофдаги географик муҳит ҳолати ва унинг ўзгариши хусусиятларини билиши;
- 4) етук географик таҳлилий тафаккур, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш кўникмаси;
- 5) маконий тасаввурларнинг кенглиги, географик билимларни харитага “жойлаштириш” ва харитадан фойдаланиш кўникмаси;
- 6) геоэкологик билимдонлик, геоэкологик онг, географик муҳит ва унинг таркибий қисмларини жамият мавжудлигининг негизи сифатида сақлаш ва яхшилашга интилиши;
- 7) кундалик ҳаётда географик билим ва кўникмалардан фойдаланиш кўникмаси;
- 8) ўз жойидаги мавжуд географик муаммоларни билиши ва уларнинг энг мақбул ечимини топиш қобилияти;
- 9) географик муҳитнинг ривожланиш хусусиятларини баҳолаши ва башорат қилиши, қисқа муддатли башоратлар тузиш қобилияти.

Демак, юқорида таъкидланган ҳолатлар “географик маданият” замонавий география таълимининг мақсади ва мазмунини белгилаб берадиган **методологик асос** бўлиб хизмат қилишга йўналтирилиши лозим, деган хулоса чиқаришга имкон беради (2-расм).

2-расмнинг мазмунини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, замонавий география таълимининг мазмунида жамиятдаги ижтимоий–географик тажрибасини ўзида акс эттирувчи ва уларни авлоддан-авлодга узатувчи куйидаги **тўртта** асосий таркибий қисм бўлиши лозим:

1. **Географик билимлар** – талаба шахсида географик билиш фаолияти тажрибасини ҳосил қилади.

2. **Географик кўникмалар** – талаба шахсида географик фаолиятнинг олдиндан маълум бўлган усулларини эгаллаш тажрибасини вужудга келтиради.

3. **Географик ижодий фаолият тажрибаси** - талаба шахсида географик муаммоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини таркиб топтиради.

4. **Географик муҳитга ҳиссий-қадриятли муносабатлар тажрибаси** – талаба шахсида атрофдаги борлиқни географик жиҳатдан шахсий баҳолаш кўникмасини шакллантиради.

Шунга мувофиқ, география маданият мазмунида талаба шахсининг атрофдаги географик муҳитга қадриятли муносабатини шакллантиришга имкон берувчи қуйидаги тўртта асосий таркибий қисм ўз аксини топиши лозим:

1. **Дунёнинг географик манзараси.**
2. **Географик тафаккур.**
3. **Географик билиш методлари.**
4. **Географик тил.**

География таълими ва географик маданият ўртасидаги ўзаро боғланишларга асосланиб, **“талаба географик маданияти”** тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: талаба шахсининг табиий ва ижтимоий-иқтисодий муҳит билан боғлиқ бўлган географик билимлари, кўникмалари, ижодий фаолияти ва ҳиссий-қадриятли муносабатлари тажрибаси мажмуида намоён бўлувчи ва унинг географик тафаккури, географик тил ва методларни эгаллаши, дунёнинг географик манзарасини тасаввур этиши орқали атрофдаги географик муҳитга қадриятли муносабати хусусиятларини белгиловчи яхлит, ўзгарувчан, тузилмавий-савияли фазилати.

Мазкур таърифдан келиб чиққан ҳолда шахс географик маданиятининг янгича моҳияти ва тузилмавий таркибий қисмларини таҳлил қиламиз.

Тадқиқотчи С.Матсаидова таърифига кўра, география таълимининг асосий жиҳати – ўқувчилар томонидан географик билим ва кўникмаларнинг ўзлаштирилиш жараёни ҳисобланади. Бу жараён **«географик билиш»** деб ҳам юритилади. Географик билиш ҳам бир-бири билан ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо қилувчи икки жиҳатни ўз ичига олади: ўқувчи фаолияти нуқтаи назаридан **«географик уқиш (ўзлаштириш)»** ва ўқитувчи фаолияти нуқтаи назаридан **«географик ўқитиш (ўргатиш)»**. Оқибатда, географик билиш натижасида **«географик билим ва кўникмали (саводли) талаба»** шахси шаклланади.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан географик билиш жараёнининг биринчи босқичи **«ҳиссий географик билиш»** бўлиб, у **«географик сезиш»**, **«географик идрок»** ва **«географик тасаввур»**дан, иккинчи босқичи эса **“ақлий географик**

билиш” (географик тафаккур) бўлиб, у «*географик тушунча*», «*географик ҳукм*» ва «*географик хулоса чиқариш*»дан иборат, деган хулоса-лар чиқарилади.

Биз мазкур хулосалар ва шахсий таҳлилларимизга асосланиб, атроф-муҳитдаги объектлар ва ҳодисаларни географик билиш жараёнига учта омил таъсир кўрсатишини аниқладик:

1. Географик сезиш, идрок ва тасаввур.
2. Оммавий ахборот воситалари.
3. География таълими.

Маълумки, фалсафа ва психология фанлари нуқтаи назардан талаба билимининг манбаи – *сезги* ҳисобланади. Талабани атрофдаги географик муҳит билан боғловчи энг биринчи йўл **географик сезиш** бўлиб, бевосита мулоқот жараёнида географик объектлар ёки ҳодисаларнинг айрим хоссалари унинг онгида акс этади. Демак, талаба бошланғич географик билимларни ўз сезгиларидан олади. Кейинчалик мазкур сезиш асосида талаба онгида табиий объектлар ёки ҳодисалар бутун ҳолича акс этади, яъни уларнинг яхлит манзараси, тасвири вужудга келади. Бу **географик идрок** деб айтилади. Талаба-нинг миясида рўй берган бу қўзғалишлар, яъни сезиш ва идрок маълум муддатгача ўз изини қолдиради. Олдин идрок этилган, лекин айнан шу онда идрок қилинмаётган географик объектлар ёки ҳодисаларнинг ўқувчи кўз олдига келган манзараси **географик тасаввур** дейилади.

Талабаларнинг географик билиш жараёнига **оммавий ахборот воситалари** (телевидение, радио, гезета ва журналлар, электрон ахборот воситалари) ҳам катта таъсир кўрсатади. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган кундалик материалларнинг 50 фоиздан ортиғи “инсон – табиат – хўжалик – атроф-муҳит” алоқадорлигининг у ёки бу жиҳатларини акс эттиради.

Талабаларнинг географик билиш жараёнига энг кучли таъсир кўрсата-диган асосий омил – бу мақсадга йўналтирилган **география таълими** жараёни ҳисобланади. География таълими юқорида таъкидланган икки омилнинг имкониятларини ўзида жамлаб, талаба шахсида география маданиятнинг бар-ча таркибий қисмларини тўлиқ шакллантиришга психологик-педагогик ва методик жиҳатдан тегишли шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди.

Хўш, географик сезиш, идрок ва тасаввур жараёнлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда география таълими воситасида шакллантириладиган **талаба географик маданияти** таркибий қисмларининг мазмун-моҳияти ни-маларда намоён бўлади? (3-расм).


I. Географик тафаккур. Педагогика ва география таълими методика-сига оид айрим адабиётларда *географик тафаккур* кўпинча “**ақлий географик билиш жараёни**” деб ҳам юритилади. Психология фани нуқтаи назари-дан бу

фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин. Зеро, географик тафаккур ҳар доим ҳиссий географик билишга асосланиб, ундан “озик” олади. Яъни, талабанинг ҳиссий географик билиши унинг географик тафаккури туфайли онгли тусга киради. Бошқача ифодаласак, географик объектлар ёки ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ички хусусиятлари ҳамда муҳим ва муҳим бўлмаган жиҳатларини аниқлаш, улар ўртасидаги ички ва ташқи боғланишларни очиш фақат *мавҳум географик тафаккур* ёрдамида амалга ошади. Мавҳум географик тафаккур дунёни, географик муҳитни воситали акс эттириб, ҳамма вақт географик ҳиссиётга асосланади.


Демак, талаба географик тафаккури орқали ўзи сезмаган, бироқ аслида мавжуд бўлган географик объектлар ёки ҳодисаларнинг хоссаларини ёки аксинча, уларнинг муштарак хоссаларини ифодалаш орқали улар ўртасидаги ўзаро муносабат ва алоқаларни аниқлай олади.

Географик тафаккур – географик объектлар ва ҳодисаларнинг дунёвий муҳит билан боғлиқлиги ва мувофиқлигини ҳудудий, мажмуавий, тари-хий, таснифий, экологик ва амалий ёндашувлар асосида аниқлайди ва ўзида акс эттиради.

Шунга мувофиқ географик тафаккур таркибида унинг қуйидаги турлари фарқланади:



2-расм. География таълими, географик маданият ва атрофдаги географик муҳитга қадриятли муносабат ўртасидаги ўзаро боғланишлар



3-расм. Географик маданиятнинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликлар

1. Худудий географик тафаккур - географик тафаккурнинг асоси сифатида деярлик барча география курслар мазмунида қуйидаги даражаларда на-моён бўлади:

- **сайёравий** (дунёнинг географик манзараси, инсониятнинг умумбаша-рий муаммолари);

- **минтақавий** (Осиёда Марказий Осиёнинг йирик минтақа сифатида қараб чиқилиши, Орол ва Оролбўйи муаммоси);

- **миллий** (Ўзбекистоннинг табиий ва ижтимоий-географик тавсифи);

- **маҳаллий** (Ўзбекистонда алоҳида ҳудудларнинг ўлкашунослик асоси-да қараб чиқилиши).

2. Мажмуий географик тафаккур - географик объектлар ва ҳодисаларни моҳияти бўйича кўп омилли умумлаштиришдан иборат бўлиб, кичик ва катта миқёсдаги умумлаштиришлар фарқланади.

Ёқилғи-энергетика, машинасозлик, агросаноат мажмуалари, табиий-ху-дудий ва худудий-ишлаб чиқариш мажмуалари *кичик миқёсдаги* умумлаш-тиришларга мисол бўлса, табиат ва жамият ўзаро алоқадорлиги муаммолари, мажмуавий мамлакатшунослик, муайян ҳудудларнинг хариталарини тузиш *катта миқёсдаги* умумлаштиришларга мисол бўлади.

3. Тарихий географик тафаккур - географик объектлар ва ҳодисалар-нинг тарихий жиҳатларини акс эттиради. Масалан, географик кашфиётлар тарихи; мамлакатлар ва вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ёки аҳоли ва хўжа-ликни тасвирлашдаги тарихий-географик тавсифлар; инсониятнинг геогра-фик тарихи, яъни “болалиги”, “ўсмирлиги”, “ёшлиги” ва “етуклиги” баёни ва шу қабилар.

4. Таснифий географик тафаккур - географик объектлар ва ҳодисалар-ни умумий аломатларига қараб илмий асосда гуруҳларга ажратишни акс эттиради ва асосан қуйидаги уч йўл билан амалга ошади:

биринчиси, муайян “билимларни яхлитлаш”, масалан, иқтисодий район-ларга ажратиш, мамлакатлар ёки минтақаларни гуруҳлаш;

иккинчиси, географик объектлар ва ҳодисаларни гуруҳлаш, масалан,

ландшафтларнинг таснифланиши, қишлоқ хўжалиги ёки транспорт тизимини турларга ажратиб гуруҳлаш;

учинчиси, географик объектлар ва ҳодисаларни танлаб ўрганиш ёки муайян тушунча шаклланиши учун объектлар ёки ҳодисаларнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турган айрим турларини танлаб қараб чиқиш.

5.Экологик географик (геоэкологик) тафаккур – географик объектлар ва ҳодисаларнинг экологик жиҳатларини акс эттиради. Масалан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологик сиёсат, саноат, қишлоқ хўжалиги ёки тран-спортнинг атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқлиги, атроф-муҳит ва аҳоли сало-матлиги ва ҳ.к.

6.Амалий географик тафаккур - географик объектлар ва ҳодисалар-нинг реал ҳаёт билан боғлиқлигини, амалий ечимларини акс эттиради. Маса-лан, табиий шароит ва ресурслардан тўғри фойдаланиш, аҳоли ҳаёт-фаолияти ёки ишлаб чиқаришни ҳудудий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш, географик башоратлаш ва ҳ.к.

Талабаларнинг географик тафаккур фаолияти қуйидаги фикрлаш жараёнларида амалга ошади:

1. Географик таҳлил (бутунни бўлақларга фикран ажратиш) – ўргани-лаётган географик объект ёки ҳодисани фикран таркибий қисмларга ажратиш усули. Масалан, табиатни ўрганиш жараёнида уни таркибий қисмларга: тоғ жинслари, рельеф, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва ҳаво массаларига ажратиш. Бутунни бўлақларга ажратиш жараёни-да фикр мураккабдан оддийга, умумийдан яккага, бутундан бўлақка қараб борилади.

2. Географик синтез (бўлақларни бутунга фикран тўплаш) - бўлақлар-га ажратилган географик объект ёки ҳодисани фикран тўплаб, яхлит ҳолга келтириш усули. Масалан, тоғ жинслари, рельеф, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва ҳаво массаларига ажратилган таркибий қисмларни тўплаб, яхлит табиатни ўрганиш. Бўлақларни бутунга тўплаш жараёнида фикр яккадан умумийга, қисмдан бутунга, аниқдан мавҳумга қа-раб борилади.

3. Географик таққослаш - географик объектлар ёки ҳодисалар ўртаси-даги ўхшашлик ва тафовутни аниқлаш усулидир. Таққослашда қуйидагилар эътиборга олиниши зарур:

-таққосланадиган географик объектлар ёки ҳодисалар бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиши керак;

-таққосланадиган географик объектлар ёки ҳодисалар қандай белгисига кўра қиёсланиши олдиндан маълум бўлиши шарт;

-ҳамма вақт икки ёки ундан ортиқ географик объект ёки ҳодисани бир белгиси асосида бир хил нисбатда солиштириш керак;

-таққосланадиган географик объектлар ёки ҳодисалар тасодифий, муҳим бўлмаган белгиларига қараб эмас, айнан фақат муҳим белгилари асосида қиёсланиши лозим.

4. Географик умумлаштириш - географик объектлар ёки ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ва хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушунчага бирлаштириш жараёни ва натижасидир.

Умумлаштириш географик илмий билишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Унда айримликдан умумийликка (масалан, «рельеф» тушунчасидан «ландшафт» тушунчасига) ўтилиб, умумий тушунча, ҳукм ва назариялар ҳосил қилинади (масалан, ландшафт - геологик замини, рельефи, иқлими, тупроқлари, ўсимлик туркумлари, ҳайвонот дунёси, гидрологик режимининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегараларга эга бўлган ҳудуд; ёмғир, қор, дўл, муз зарралари – ёғинлар ва ҳаказо).

5. Географик мавҳумлаштириш - географик объектлар ёки ҳодисаларнинг якка, иккинчи даражали, муҳим бўлмаган белгиларидан узоқлашиш ва муҳим белгиларини топиш усули. Мавҳумлаштириш натижасида географик объектлар ёки ҳодисаларнинг ички томонлари, моҳияти очилиб, географик тушунча шаклида онгда мустаҳкамланади.

Талабанинг географик объектлар ёки ҳодисаларни мавҳумлаштириш қобилияти айнан унинг фикрлаш қобилияти ҳисобланади. Талабани мавҳумлаштиришга ўргатиш география илмини эгаллаш, унинг қонуниятларини тушунишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

II. Географик тил. Географик объектлар ёки ҳодисаларни ўрганиш жараёнида талабалар томонидан география фанларининг илмий тилини билиш ва ўзлаштириш талаб этилади. Зеро, географиянинг тушунча-терминлар, илмий далиллар, рақамлар, саналар, географик номлар (атамалар), тасаввурлар ва харитаалар тили ёрдамида ҳамда географик тафаккур воситасида географик таълимотлар, назариялар, концепциялар, илмий фаразлар ва методларнинг моҳияти очиб берилади ва шу асосда дунёнинг географик манзараси англанади (3-расм).

Демак, географик объектлар ёки ҳодисаларни билиш учун аввало тафаккур орқали улар ҳақидаги тушунчаларни вужудга келтириш талаб этилади, тушунчалар эса *тилда* ўз ифодасини топади. **Географик тил** ўзининг шу

хусусияти билан талабага географик билимлар тўплашга, уни сақлашга, авлоддан-авлодга узатишга, эгаллаган географик билимларидан амалда фойдаланишига ёрдам беради. Айни пайтда *географик тил* географик тафаккурни такомиллаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади ва географик тафаккур фақат *тил* ёрдамида ўз ифодасини топади.

Географик тафаккурдаги фикр географик тил *терминлари* ва *сўз бирикмалари* орқали ифодаланади. Талаба ўз онгида фақат географик тил ёрдамида географик объект ва ҳодисалар моҳиятини, мавҳум географик тушунчалар ва қонуниятларни акс эттиради.

Географик тафаккур жараёнида ҳамма вақт аниқ географик билиш мақсади қўйиладики, бу ҳол *географик тил географик тафаккурнинг моддий қобиғи* экинлигидан далолат беради.

Географик тил *овозли-оғзаки* ва *овозсиз-ёзма* шаклларда бўлиши мумкин. Овозсиз-ёзма шаклдаги географик тил кўпинча «*географик матн*» деб ҳам юритилади. Демак, географик тилсиз (нутқсиз, матнсиз) географик фикр юритиш асло мумкин эмас. Географик тил (нутқ, матн) ва тафаккур бир-бири билан ўзаро узвий - “генетик” боғланган ва бир-бирининг намоён бўлишида муҳим ўрин тутади.

Талабанинг географик тафаккури турли шаклларда амалга ошади. Ху-сусан, географик сезиш ва идрок географик тасаввурда намоён бўлганидек, географик тафаккур ҳам «географик тушунча», «географик ҳукм» ва «геогра-фик хулоса чиқариш» орқали мавжуд бўлади. Буларнинг барчаси географик объектлар ва ҳодисаларнинг мавҳум географик тафаккурда намоён бўлиш шакллари ҳисобланади ҳамда фақат географик тилда (нутқ, матнда) ўз ифо-дасини топади.

III. Географик билиш методлари талабаларни географик объектлар ёки ҳодисаларни тадқиқ қилишга ундайдиган ёндашувлар, шунингдек геогра-фик тадқиқотларнинг ўзига хос усуллари ва методикасидир. Географик тадқиқотларнинг мақсади кўзда тутилаётган илмий билиш жараёнининг нати-жаси ва унинг амалиётга ёки география фани ривожига муносабати бўлади. Талабалар география таълими жараёнида *илмий методлар* билан турли хил усуллар ёрдамида амалий таништирилади. География таълими жараёнида талабаларга таништирилдиган илмий методларни фойдаланишига кўра анъанавий ва янги методларга бўлиш мумкин (3-расм).

Анъанавий методларга қуйидагилар мансуб:

1. *Географик тавсифлаш методи* - географик объект ва ҳодисаларга тавсиф бериш. Масалан, “Ўзбекистоннинг географик ўрни”, “Қашқадарё ви-лояти

рельефи”, “Қуйи Амударё иқлими”, “Ўзбекистон дарёлари”, “Фарғона водийси аҳолиси”, “Япон анъаналари”, “Мексиканинг маданий мероси”, “Африканинг ёввойи табиати”, “Пекин” каби аниқ ҳудудлар, объект ва ҳоди-саларни *режа асосида* тавсифлаш.

Географик тавсифлаш тилини (нутқда, матнда) такомиллаштириб бо-риш, айниқса унинг ҳис-туйғуларга бойлиги, жўшқинлигини кучайтириш мазкур методнинг ўзига хос жиҳатидир.

2.Харитаграфик метод – хариталар иштирок этадиган географик тадқиқот методи бўлиб, маконий тасаввурларни кенгайтиради, географик би-лимларни харитага “жойлаштириш” ва улардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади.

Хариталар баъзан бошқа методлар орқали олинган натижаларни намо-йиш қилишга хизмат қилса, баъзан хаританинг ўзи дастлабки ахборотларни олиш ва якуний натижалар чиқаришга хизмат қилади. Харитаграфик метод география фанининг ўзига хос “тили” (шартли белгилар тизими, харитагра-фик тасвирлаш усуллари, муҳимлиги бўйича ажратиш қоидалари) сифатида ўрганилаётган объектларни аниқ қайд этадиган ва тасвирлайдиган метод бўлиб, ҳозирги кунда муайян географик қонуниятларни очиб берадиган, географик объектлар ёки ҳодисаларни мажмуавий тавсифлайдиган қудратли техник воситага айланган.

Мазкур метод географик объектлар ва ҳодисаларни хариталар ёрда-мида ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда харитани ўқиш, тушуниш, унинг билан ишлаш кўникмаларини вужудга келтиради.

3.Географик қиёслаш методи – географик тафаккурнинг асосини таш-кил қилиб, географик объект ва ҳодисаларни ўхшашлиги ва тафовути бўйича, яхлит ҳолда ва айрим белгилари бўйича қиёслашда ўз ифодасини топади. Масалан, Ўзбекистондаги паст, ўртача ва баланд тоғларни қиёслаш, Амударё билан Сирдарёни қиёслаш, Орол денгизи билан Каспий денгизини қиёслаш, Фарғона водийси хўжалиги билан Қуйи Амударё хўжалигини қиёслаш ва х.к.

Қиёслаш кўпинча бир ёки бир неча белгилар бўйича оддий ёки бир-мунча мураккаб топшириқлар тизими шаклида амалга оширилади.

4.Статистик методлар - географик объектлар ва ҳодисалар моҳи-ятини очишда турли хилдаги рақамли кўрсаткичлардан фойдаланишга асос-ланади. География таълимида географик манзаралар ва тавсифларга катта аниқлик

киритиш, кўплаб миқдорий ва сифатий кўрсаткичларни аниқлаш-тириш, хилма-хил объектлар ва ҳодисаларнинг миқёсини аниқлаш, ҳар хил қонуниятларни очиш, турли мазмундаги графиклар, диаграмма ва жадваллар тайёрлаш учун рақамли кўрсаткичлардан фойдаланиш талаб этилади.

Кейинги пайтларда география таълими жараёнида статистик кўрсаткичларнинг (мутлоқ, нисбий, коэффицентлар кўринишидаги) барча турларини қўллашга, географик ҳодиса ва жараёнларни статистик ўрганиш (кузатиш, гуруҳлаш, ажратиш кўрсатиш, таҳлил қилиш) турлари ва босқичларига, статистик маълумотлар тузишнинг турли шаклларида (якка рақамлар, жадваллар, график тасвирлар) фойдаланишга эътибор кучаймоқда.

Янги методларга қуйидагилар мансуб:

1. Математик-географик моделлаштириш методи – хилма-хил гео-график тадқиқотларда сунъий яратилган объектлар-моделлардан (географик харита, глобус, математик формула, графика, чизма, мослама ва ҳ.к.) фойдаланиш. Масалан, экологик муаммоларни ечишда табиий жараёнларни моделлаштириш, геотизимлар моделлари, табиий-ҳудудий ва ишлаб чиқариш-ҳудудий тизимларнинг ўзаро муносабати модели, урбанизациянинг салбий экологик ва ижтимоий оқибатлари модели ва ҳ.к.

2. Аэрокосмик метод - географик объектлар ва ҳодисалар моҳиятини фойдалашда космик суратлардан фойдаланишга асосланади. Масалан, аэрокосмик суратларни ўқиш ва уларда мўлжалаш олиш билан боғланган амалий ишлар. География таълимида мазкур методнинг аҳамияти ҳақида кўп гапирилади, бироқ амалда бу методнинг моҳияти очиб берилмаяпти.

Географик билиш методлари ҳақида гап кетганда талабалар геоахборотлар тизими билан мутлақо таниш эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳатто кўпчиликка анчадан бери номлари маълум бўлган геокимёвий, геофизик каби методлардан ҳам амалда фойдаланилмайди.

IV. Дунёнинг географик манзараси асосида замонавий география соҳасидаги тадқиқий ва амалий ишлар жараёнида олинган ва текшириб кўрилган илмий билимлар ётади ва одамнинг табиат ва жамият, унга муносабати ҳақидаги тасаввурларини акс эттиради (3-расм).

Географиянинг табиий ва ижтимоий фанлар чегарасида ўзига хос ўринда жойлашганлиги оқибатида *дунёнинг географик манзараси* дунёнинг табиий-илмий ва ижтимоий-илмий манзаралари таркибига ташкил этувчи омил сифатида киради.



Биз дунёнинг географик манзарасини географик маданиятнинг асосий тушунчаси сифатида қараб чиқар эканмиз, унинг энг муҳим таркибий қисми – илмий географик билимларнинг босқичма-босқич бир-бирига бўйсунуши ҳақида фикр юритамиз.

Дунёнинг замонавий географик манзараси ҳақида кенг ва ранг-баранг тасаввурларни ифодаладиган **географик билимлар** мажмуининг асосий йўналишларини куйидагича белгилаш мумкин:

1. Географиянинг назарий асослари.
2. Географик тадқиқот методлари.
3. Географик объектлар ва ҳодисалар.
4. Ҳудудларнинг географик тавсифи.
5. Дунёни географик билишнинг моддий ва маънавий маданиятда акс этиши.

Географик билимлар умумий тарзда географик объектлар ва ҳодисаларнинг географик тил шаклида қайта ифодаланиши, акс этиши сифатида тав-сифланади. Назарий ва эмпирик географик билимлар фарқланади. *Назарий билимлар* географик объектлар ва ҳодисаларнинг хусусиятлари, ички алоқа-лари ва муносабатларини аниқловчи моҳиятни акс эттиради. Назарий билим-лар таълимотлар, назариялар, концепциялар, илмий фаразлар, қонунлар, қонуниятлар, сабаб-оқибат боғланишлари ва тушунчалар кўринишида намоён бўлади. *Эмпирик билимлар* географик объектлар ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятларини ифодалайди; уларга тасаввур ва далиллар мансубдир.

География таълими мазмунида дунёнинг географик манзарасини шакллантирувчи энг муҳим **назарий билимлар** мажмуини куйидагича ифодалаш мумкин:

I. Географик қонунлар ва қонуниятлар:

1. Географик қобикнинг яхлитлик қонунияти.
2. Географик қобикнинг бир маромда ишлаш қонунияти.
3. Географик қобикнинг зоналар бўйича тақсимланганлик қонунияти.

II. Географик таълимотлар:

1. Умумилмий таълимотлар:

1. Табиатдан фойдаланиш ҳақидаги таълимот.
2. Дунё окенаи ҳақидаги таълимот.
3. Тупроқлар ҳақидаги таълимот.
4. Биосфера ҳақидаги таълимот.
5. Экосфера ҳақидаги таълимот.
6. Ноосфера ҳақидаги таълимот.
7. Эволюция таълимоти.

2. Табиий географик таълимотлар:

1. Географик қобик ҳақидаги таълимот.



2. Географик зоналар бўйича тақсимланганлик ҳақидаги таълимот.

3. Географик ландшафт ҳақидаги таълимот.

4. Табиий-худудий мажмуа ҳақидаги таълимот.

3. Иқтисодий-иқтисодий географик таълимотлар:

1. Иқтисодий географик ўрин ҳақидаги таълимот.

2. Географик (худудий) меҳнат тақсимоти ҳақидаги таълимот.

3. Худудий-ишлаб чиқариш мажмуи ҳақидаги таълимот.

4. Картографик таълимотлар:

1. Карта ҳақидаги таълимот.

5. Чегарадош фанлар билан боғлиқ таълимотлар:

1. Табиий-ўчоқли касалликлар ҳақидаги таълимот.

2. Геобиоценоз ҳақидаги таълимот.

3. Ландшафт геокимёси ҳақидаги таълимот.

III. Географик илмий назариялар:

1. Умумилмий назариялар:

1. Прогноз қилиш назарияси.

2. Барқарор тараққиёт назарияси.

4. Географик детерминизм назарияси.

5. Район планировкаси назарияси.

2. Умумгеографик назариялар:

1. Минтақавий ривожланиш назарияси.

2. Географик баҳолаш назарияси.

3. Таббий ва техноген хавф назарияси.

3. Табиий географик назариялар:

1. Табиий географик ҳудудларга бўлиш назарияси.

2. Литосфера плиталари назарияси.

4. Иқтисодий географик назариялар:

1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш назарияси.

2. Иқтисодий ҳудудлаштириш назарияси.

3. Жаҳон хўжалиги назарияси.

4. Хўжалик ва жойлаштиришнинг худудий тузилмаси назарияси.

5. Урбанизация назарияси.

5. Чегарадош фанлар билан боғлиқ назариялар:

1. Демографик ўзгариш назарияси.

2. Этногенез назарияси.

IV. Географик илмий концепциялар:

1. Геотехник тизимлар концепцияси.

2. Атроф-муҳит мониторинги концепцияси.

3. Географик экспертиза концепцияси.



4. Кутблашган ландшафт концепцияси.
5. Геотизимларнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги концепцияси.
6. Худудий-рекреацион тизимлар концепцияси.
7. “Экологик талаб” концепцияси.
8. Геосиёсат концепцияси.
9. Тарихий-маданий худудлар концепцияси.

V. Географик илмий фаразлар:

1. Космогония илмий фарази.
2. “Материклар дрейфи” илмий фарази.
3. “Буғли газлар таъсири” илмий фарази.

VI. География таълими мазмунидаги сидирға йўналишлар:

1. Инсонпарварлик – табиатни инсониятнинг вужудга келиш ва яшаш мухити сифатида қараб чиқиш.
2. Ижтимоийлик – табиат ва жамият ҳаётида шахснинг тутган ўрнини кўрсатиш.
3. Экологик – экологик маданиятни шакллантириш.
4. Иқтисодий – иқтисодий маданиятни шакллантириш.

Мазкур географик билимлар мажмуаси география таълимида миқёсли-даражавий тарзда, яъни *маҳаллий, минтақавий-миллий* ва *сайёравий* кўлам-ларда ўрганилади ҳамда табиий географик ва ижтимоий-иқтисодий географик муҳит қонунларини акс эттирувчи ҳамда “табиат-жамият” ўзаро алоқасини ифодаловчи ғояларда ўз аксини топади.

Дунёнинг географик манзараси географик билимлар ва кўникмаларнинг қуйидаги иккита катта гуруҳини ўз ичига олади:

- географиянинг бошқа фанлар билан биргаликда талабаларда илмий дунёқарашни шакллантирадиган билим ва кўникмалар;
- географиянинг ўзига хос хусусиятларини ҳосил қиладиган ва унинг талаба шахси умумий маданиятига қўшадиган ҳиссасини белгилаб берадиган билимлар ва кўникмалар.

Энг муҳим дунёқарашлик ғоялари қуйидагилардан иборат:

1. Географик қобик тараққиётидаги асосий қонунларнинг намоён бўлишини акс эттирувчи ғоялар:

- географик қобик – геосфераларнинг (литосфера, гидросфера, атмосфера, биосфера) модда ва энергия алмашинувида намоён бўладиган ўзаро алоқадор моддий яхлит тизими;
- географик қобик ўз тузилмасига кўра хилма-хил ва минтақавий-худудий тузилишга эга;
- географик қобик – ички ва ташқи жараёнлар кўринишлари оқибатида маконда ва замонда доимий ўзгариб турувчи, ўз-ўзидан ривожланувчи тизим.

2. Аҳоли ва хўжалик жойлашуви ва ривожланишининг диалектик қонунларини акс эттирувчи ғоялар:

- хўжалик ва аҳолининг жойлашиш ва ривожланиш жараёнлари ўзаро алоқадор эканлиги;

- хўжалик – пайдо бўлиш ва йўқолиш билан тавсифланадиган доимий ривожланишдаги тизим эканлиги.

3. Табиат ва жамият ўзаро алоқасини ифодаловчи ғоялар:

- инсон – табиатнинг бир қисми ва унга таъсир кўрсатувчи омил;

- табиий шарт-шароитлар турли минтақалар хўжалигига турлича таъ-сир кўрсатади;

- хўжаликни жойлаштириш ва ривожлантиришда табиатнинг тутган ўрни тарихан ўзгарувчан.

Биз юқорида талаба шахи географик маданиятининг моҳияти ва унинг тузилмавий таркибий қисмлари мазмуни билан назарий жиҳатдан танишиб чиқдик.

Табиийки, олий таълим муассасаларида таълими жараёнида талабалар географик маданиятини шакллантириш ҳолати қандай ва бу борада ечимини кутаётган қанақа муаммолар мавжуд, деган савол туғилади. Қуйида шу ҳақди фикр юритамиз

Маълумки, ҳар қандай фан сингари география фанлари ва география таълими методикасида ҳам юз фоиз тугал, ўзгармас «илмий тил»ни яратиш мумкин эмас. Ижтимоий ҳаёт ва педагогик фаолият давомида мазкур фанлар мазмуни ривожланиб, унинг тили - **тушунча ва терминология тизими** ўзгаришга учраб, бойиб боради.

Мустақиллик йилларида география таълими методикаси фанининг мазмуни сифат ўзгаришларига учраганлиги бунга ёрқин мисолдир. Бироқ ҳанузгача мазкур фанда хусусий тушунча ва терминларни тартибга келтириш борасида ягона йўл-йўриқ ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда улардан география таълими амалиётида ўринсиз фойдаланиб келинаётганлигини ачинарли ҳолдир.

Бугунги кунда география таълими методикаси фани шундай ҳолатни бошдан кечирмоқда: илмий, илмий-оммабоп нашрлар ва ҳатто айрим тадқиқотларда битта методик термин билан бир неча методик ҳодисалар (жараён-лар), битта методик ҳодиса (жараён) эса бир неча методик терминлар билан чалқаш, кўпинча асоссиз талқин этилмоқда.

География таълими методикаси тушунча-терминология тизимидаги бундай чигаллик ва англашмовчиликларнинг келиб чиқишини миллий таълим методикасининг умумжаҳон таълим тизими ва дидактикасига мутаносиб ҳолда тезлик билан ривожланишга интилиши, истеъмолда бўлган асосий методик тушунчаларнинг янада табақалашиб янги тушунча ва терминларнинг пайдо бўлиши, олий таълим соҳасида мутахассис кадрларнинг илдам тайёрланиши, шунингдек мазкур соҳадаги малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тизими мазмунидаги сифат ўзгаришлари билан боғлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, география таълими методикаси фани ўз мазмунидаги объектлар, ходисалар ва жараёнларни терминлар ва тушунчалар билан тўлиқ таъминлаш масаласида амалиётдан сезиларли орқада қолмоқда. Энг муҳими, асосий фундаментал илмий-методик тушунчаларни ифодаловчи термин ва иборалардаги чалкашликлар бўлиб, бу соҳадаги меъеридан ортиқ мутаасиблик, замонавий илғор методик ёки технологик ғояларни тўлиқ англамаслик (тушунмаслик) ёки уларга қўшилмаслик чалкашликларни келтириб чиқараётган энг асосий омиллар ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳалигача эски мафкурадан халос бўлмасдан янгича фикрлашга ўргана олмаяпмиз.

География таълими методикаси фанида терминларга нисбатан аниқ талаблар қўйилган. Демак, тушунчалар моҳиятини ифодаловчи истеъмолдаги терминлар, уларнинг янгича талқини (янги терминлар) мазкур талабларга мувофиқ бўлиши шарт. Бироқ биз илмий-методик адабиётлар таҳлили асосида шундай хулосага келдикки, тушунчаларни белгилаш ва ифодалашда дастлабки ҳолат сифатида терминларни эмас, балки айнан география таълими методикасининг *мавзу баҳси* - объекти, жиҳатлари, мақсади, вазифалари, методлари ва технологиялари мажмуасидан келиб чиққан ҳолда ***бўлажак педа-гог шахсида касбий маҳорат асослари билан биргаликда географик маданиятнинг шаклланиш (ўсиш ва ривожланиш) суръатини ифодаловчи ҳодиса ва жараёнлар*** асос қилиб олиниши керак.

Олий таълим муассасаларидаги география таълими мазмуни ҳамда мавжуд илмий-методик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда география таълими мазмунининг тузилиши, таркибий қисмлари, асосий категориялари етарли даражада асосланмаганлиги, шунингдек, уларнинг моҳияти деканлар, кафедра мудирлари, методист-географлар ва география фанлари ўқитувчилари томонидан етарлича англалмаганлиги оқибатида бу борада муайян методик қийинчиликлар вужудга келган.

Биз талаба шахсида географик маданиятни шакллантириш ҳолати ва бу борадаги методик муаммоларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда:



биринчидан, талаба шахсида географик маданиятнинг шаклланганлик даражасини география фанлари бўйича Давлат таълим стандартларига муво-фик битирувчилар даражасида аниқладик;

иккинчидан, география ўқитувчиларининг талабаларда географик маданиятни шакллантиришга тайёргарлик даражаси ҳамда бу борада методик ишларнинг йўлга қўйилиш ҳолатини ўргандик.

Талаба шахсида географик маданиятнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун унинг қуйидаги 4 та мезони ишлаб чиқилди:

1. Дунё географик манзараси ҳақидаги тасаввурининг тўлиқлиги.

2. Географик тафаккурининг кенглиги.

3. Географик билиш методларини эгаллаганлиги.

4. География тилини билиши.

Шу асосда ҳар бир мезон бўйича унинг мазмунини ифодаладиган ўзига хос кўрсаткичлар мажмуи аниқланди. Жумладан:

1. **“Дунё географик манзараси ҳақидаги тасаввурининг тўлиқлиги”** мезони бўйича қуйидаги кўрсаткичлар:

1) дунёнинг яхлит манзараси ҳақидаги тасаввури;

2) Ер сайёраси ва унга кишиларнинг муносабати тўғрисидаги геогра-фик билимларнинг ўзгариши ҳақидаги тасаввури;

3) атроф-муҳитнинг макондан ташкил топганлигини тушуниши;

4) атрофдаги географик муҳитнинг вужудга келиши ва ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини тушуниши;

5) географик борлиқни билиши ва унга муносабати;

6) ҳудудларнинг геоэкологик хусусиятларини билиши;

7) ҳудудларнинг тарихий-этнографик хусусиятларини билиши;

8) Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрнини билиши;

9) Тошкент шаҳрининг жаҳон ва Ўзбекистондаги аҳамиятини билиши.

2. **“Географик тасаввурининг кенглиги”** мезони бўйича қуйидаги кўрсаткичлар:

1) тафаккурида умумбашарийлик даражасининг мавжудлиги;

2) географик муаммоларни ажратиб кўрсатиш ва қарорлар қабул қилиш кўникмаси;

3) сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш лаёқати;

4) географик муҳит ривожланишининг хусусиятларини таҳлил қилиш лаёқати;

5) гўзал ва тўкин-сочин яшаш муҳитини тасаввур қилиши;

6) турли географик вазиятларда қабул қиладиган қарорининг янгилиги;

7) географик муҳитга антропоген таъсирлардан вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни таҳлил қилиши;



8) она табиатнинг улуғворлиги ва гўзаллигини тушуниши.

3. **“Географик билиш методларини эгаллаганлиги”** мезони бўйича қуйидаги кўрсаткичлар:

1) географик объект ва ҳодисаларни матнда ифодалаши;

2) карталар ёрдамида географик объект ва ҳодисаларни таҳлил қилиши;

3) картани ўқиши, тушуниши ва унинг билан ишлаши;

4) географик объект ва ҳодисаларнинг ўхшашлигини аниқлаши;

5) географик объект ва ҳодисаларнинг тафовутини аниқлаши;

6) географик объект ва ҳодисаларга тавсиф беришда рақамли маълумотлардан фойдаланиши;

7) географик тадқиқий ишларда глобус, математик формула, жадвал, чизма ва асбоблардан фойдаланиши.

4. **“География тилини билиши”** мезони бўйича қуйидаги кўрсаткичлар:

1) географик таълимотлар, назариялар, концепциялар ва илмий фаразларни билиши;

2) географик таълимотларни асослаши;

3) у ёки бу илмий мазмунни кўрсатиши;

4) аниқ географик объектлар ва ҳодисаларни тавсифлаши,

5) географик тушунча ва терминларни билиши;

6) илмий далиллар, рақамлар ва саналарни билиши;

7) у ёки бу ҳудуд ёхуд ҳодисани тавсифлашда миқдорий кўрсаткичларни қўллаши;

8) картани ўқиш кўникмаси;

9) географик жой номларини билиши ва улардан фойдаланиши.

Мазкур **мезон-кўрсаткичлар тизими** орқали талабаларда географик маданият шаклланишининг қуйидаги 5 та ривожланиш даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи даража – *жуда паст* – талабаларда дунёнинг географик манзараси ҳақидаги тасаввурлар тўлиқ мавжуд эмас ва географик тафаккур етарли



шаклланмаган, улар географик билиш методларини ёмон эгаллаган ва география тилини асосли билмайди.

Иккинчи даража – *паст* - талабалар дунёнинг географик манзарасини узук-юлуқ, нотўлиқ тасаввур этади, географик тафаккури паст ривожланган, аксарият географик билиш методлари ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмас, география тилини яхши билмайди.

Учинчи даража – *ўрта* - талабалар дунёнинг географик манзарасини қониқарли тасаввур этади, географик тафаккури бирмунча ривожланган, географик билиш методлари ҳақида қониқарли тушунчага эга, география тили, хусусан карта ҳақида тасаввурга эга.

Тўртинчи даража – *ўртадан юқори* - талабалар дунёнинг географик манзарасини яхши тасаввур этади, географик тафаккури етарлича ривожланган, географик билиш методлари ҳақида яхши тушунчага эга, география тилини яхши билади.

Бешинчи даража – *юқори* - талабалар дунёнинг географик манзарасини жуда яхши тасаввур этади, географик тафаккури юқори ривожланган, географик билиш методлари ҳақида тўлиқ тушунчага эга, география тилини жуда яхши билади.

3-мавзу: Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар ва дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни.

Режа:

1. Замонавий география дарсига бўлган талаблар.
2. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни.
3. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

Таянч иборалар: Таълим, тарбия, муаммо, фаолия, шакл, метод, восита, жараён.

1.1. Замонавий география дарсига бўлган талаблар.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳар бир таълим муассасасининг шу жумладан, педагогика олий ўқув юртларининг бевосита вазифаси саналади.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллаш учун География ўқитувчилари махсус методик билим ва кўникмаларни

эгаллашлари, педагогик амалиётда зарур бўладиган методик тайёргарликка эга бўлишлари лозим.

Педагогик технология атамасига шу муаммо бўйича изланган ҳар бир олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифларнинг ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – ўқитиш шаклларини оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда инсон салоҳияти дейилганда ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти, техник ресурслар деганда ўқитиш методлари ва воситалари назарда тутилмоқда.

Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларни гуруҳлаштиришда дастлаб қуйидагиларга асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим:

1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг турлари.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласи Географияни ўқитиш методикаси фанининг асосий муаммоларидан бири саналади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, ўқувчиларда юқори даражадаги мотив, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий нормаларга мос ҳулқнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Мазкур типдаги фаоллик ҳар доим ҳам вужудга келавермайди, фақат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик-психологик муҳитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Географияни ўқитишда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ва қулай ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келтириши ўқитувчи томонидан қўлланилган педагогик технологияларга боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан биргаликда, таълим жараёнида таълим берувчи,

ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятга йўлловчи, коммуникатив, мантикий фикрлаш, ақлий фаолият усулларини шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, касбга йўллаш, мўлжални тўғри олишга ўргатиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функцияларни бажаради.

Бирок, педагогик технологияларнинг функцияларини таққослаганда бу функциялар бир хил даражада ўрин эгалламаслиги маълум бўлди.

География ўқитувчиси дарсда ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ва педагогик технологияларнинг дидактик функцияларини ҳисобга олган ҳолда қайси технологиядан фойдаланишини илмий-методик асосда танлагандагина кўзланган мақсадга ва самарадорликка эришади.

География – объекти жуда ҳам турли масалаларга қаратилган фан, унда табиий муҳит ва инсониятнинг турли ҳолатларини ўрганади. Бундан ташқари ушбу фан кенг миқёсда фалсафий масалаларга ҳам қаратилган (позитивликдан постпозитивликгача). Географлар миқдорий (статистика и математик моделлаштириш) и *сифат методларидан* (субъектив, маданий, сўровлар, кузатув ва бошқа визуальные маълумотлар) ёки уларнинг комбинациясидан фойдаланади. Бу методлар турли лойихаларда, тадқиқотларда (маълумотларга бой ва натижалари аниқ бўлган) ва *интенсив лойихаларда* (бунда аниқ бир еки бир нечта географик объект) қўлланилади. Бунда географлар қўлланиладиган методологик еки фалсафий ёндошувга қарамасдан умумий хулосаларни беришлари керак. Географлар ўрганиладиган объект ўзининг диапазонининг катталиги билан фарқланади. Табиатнинг кўп аспекти, табиий, экологик, иқтисодий, сиёсий, маданий жихатлари билан географиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу диапазон кўлами кенгайиб бормоқда. Аънанавий, географлар дунёни ўтмишда бугунги кунга қараб ривожланиб келатган тизим деб ҳисоблайдилар. Ҳозирда эса бу кўлам янада кенгайиб бормоқда (Уолфорд ва Хэггетта, 1995; Грегори, 2000; Грегори 2009). Масалан, табиий ва иқтисодий географиядаги экологик қарашлар, катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш, янги методларни қўллаш каби. Бугунги кунда қадимги дунени моделлаштириш, келажакни башоратлаш механизмлари мавжуд. Табиий география тобора экологиялашиб, “Ер тизимлари фанлари” билан боғланиб, атмосфера, биосфера ва табиатни муҳофазаси деб юритилмоқда

(Шахтер, 2005). Бугунги кунда янги техника ютуқлари, масалан ГИС, тадқиқот ва уларнинг натижаларини олиш имкониятларини кенгайтиради, ва гиперкосмосдан фойдаланишда ёрдам бермоқда. Шу билан бирга маданий антропология, аҳолишунослик ва тиббий географияда амалий масалалар деярли эмперик ҳолатда ўрганилади. Географиядаги янги йўналишлар ва улар билан боғлиқ тадқиқотлар методлари бирбиридан фарқ қилиши ёки тубдан янги бўлиши

ҳам мумкин.



1980 йилларгача география асосан табиатни ўрганувчи (ресурслар ёки геологик) фан сифатида жамиятда қаралар эди. Бу эса табиат ва жамият бирлигини кўрсатар эди. Айримлар эса уни табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслар географияси сифатида қабул қилар (Chalmers, 1990). Шу билан бирга маданий қарашлар иқтисодий географияда турли йўналишлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ушбу масалалар Барнсом (2001) ва Клиффорд (2009) томонидан атрофлича ўрганилган. Шунга қараб бугунги географиянинг кўлами канчалик кенглиги яққол намоён бўлади. Китобда замовий географиянинг диапазони, ундаги методлар ва кўргазмалар кенг ва атрофлича таҳлил қилинади ҳамда тадқиқотлар ўтказишда катта ёрдам беради.¹

Таълим-тарбия жараёнига қўйилган буюртмаларни бажариш учун аввало таълим жараёнини дифференциаллаштириш ва индивидуаллашти-риш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлашти-риш, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув-ни талаб этади.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси ўзида фалсафа, психология ва педагогиканинг инсон-парварлик ғояларини мужассамлаштиради. Ушбу технология диққат мар-казида ўз имкониятларини максимал даражада амалиётга қўллайдиган, ижодий ва ижтимоий фаол, турли ҳаётий вазиятларни англаб таҳлил қила-диган, мўлжални онгли равишда мустақил, тўғри оладиган шахсни шакллантириш ғояси туради.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси орқали педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрликнинг вужудга келиши, ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод қилиш ва ўз - ўзини ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратилади. Мазкур жараёнда ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва ўқитувчи билан ягона таълим жараёнининг иккита субъекти ҳамкорликда ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этади.

Педагогнинг ўқувчи шахсига бўлган инсонпарварлаштирилган муно-сабати болаларни севиш, уларнинг тақдири учун қайғуриши, болаларга бўлган ишончнинг юқорилиги, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлиши, ўқувчиларни тўғридан-тўғри

¹ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 26 p

мажбурлашдан воз кечиш ва аксинча ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги туфайли таълим жараёнидан кўзланган мақсадга эришиш, болалар фаолиятида учрайдиган камчиликларга чидамли бўлиш, уларни бартараф этишнинг энг самарали йўллари кўллашда намоён бўлади.

1.2. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Унда ўқитувчи ва ўқувчи вазифалари. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари. География таълими муаммолари.

Ўзбекистонинг мустақилликка эришиши муносабати билан география таълимида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Мактаб географиясининг мазмуни ва тузилишида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим ўқув фанлари ўқув фанлари мактаб дастуридан олиб ташланди, айримларининг мазмуни ўзгартирилди, айрим фанлар янгидан яратилиб, ўқув тизимига жорий қилинди.

Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлашни миллий дастур»и, ва «Таълим тўғрисидаги қонун»и қабул қилиниши муносабати билан ўқув қўлланмалари ва дарсликларга бўлган талаблар кескин ўзгарди. Барча фанларга бўлганидик мактаб географияси фанида ҳам тубдан ўзгаришлар содир бўлди. География предметларининг дастури ва тузилиши Ўзбекистон мактаб таълими тизимида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтадан кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан география ўқитиш методикасида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. География ўқитиш методикасида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш муносабати билан ўқитиш методикасида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлди.

География таълими ҳам бошқа фанлардаги сингари педагогика ва дидактика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб замонавий ўзгаришлар ва талаблар натижасида такомиллашиб ўзгариб бормоқда. Професор Х.Вахобов ўзининг “География ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасида шундай фиклар билдиради: “География таълими деганда ўқувчиларга табиий ва иқтисодий-ижтимоий комплексларнинг тузилиши ва асосий қонуниятлари ҳақида билимлар берадиган география фанлари тизимига айтилади. География таълими методикаси эса мактабларда ва касб-хунар коллежларида ҳамда олий таълим муассасаларида, табиий ва иқтисодий география ҳамда бошқа махсус география фанларини ўқитиш жараёнини ўрганадиган ва педагогика фанлари тизимига кирадиган фандир”. Демак, география бугунги кунда нафақат географик билимлар мажмуаси балки уни кенг оммага етказувчи география таълимидан иборатдир.

1.3. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

География таълими методикаси умумий дидактика ва тарбия назарияси билан чамбарчас боғланган. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий қонуниятларини, таълим мазмунини татқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий қонуниятларини, таълим мазмунини татқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани аниқ ўқув фанларини ўқитиш методикаси билан шуғулланади. Аини вақтда ҳар бир ўқув фани каби ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг айримларини мақсади назарий билим ва кўникмаларни шакиллантириш (география, биология, химия), айримлари фақат, кўникмаларни (чет тиллар), бошқалари эса борлиққа эстетик муносабатда бўлишини шакиллантиради (тасвирий санъат). Шунинг учун алоҳида фанларни ўқитиш методикаси билан хусусий дидактика фанлари шуғулланади. Мазкур фанлар қаторига «География ўқитиш методикаси» фани ҳам кириди.

География ўқитиш методикасини назарий ва амалий жihatлари мавжуд. География ўқитиш методикаси фани қуйидаги назарий ва амалий методологик муаммоларни татқиқ қилади:

- а) география ўқитиш методикасининг предмети, тадқиқот усуллари, ривожланиш тарихи;
- б) география ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифаларини умуман ва алоҳида предметлар бўйича аниқлаш;
- в) таълим ва тарбиянинг бирлиги;
- г) географик маданиятни шаклантириш.



mdou-borovtchok.narod.ru

География ўқитиш методикаси иккита катта қисмдан иборат. Умумий ва хусусий география ўқитиш методикаси. География ўқитишнинг умумий методикаси назарий ва методик масалаларни ишлаб чиқади, яъни предметни ўзини татқиқот усулларини ўрганеди, бунда асосий эътиборни ўқув-тарбиявий мақсадларни ишлаб чиқишга қаратилади.

Географияни ўқитишда қандай саволларга эътибор қаратилиши ва қандай маълумотлар берилиши кераклиги таҳлил қилиниши зарурати бор. Бошқача қилиб айтганда, География ўзига хос ўрганиш фалсафасига, унинг ўрганиш методлари ҳам ўзига хос, методлар, усуллар ва таҳлиллар орасида турлича мулоҳазалар ва таклифлар

бўлиши керак. Бу эса ўқитиш дизайнига, яъни кўргазмалилик даражасини холатига боғлиқдир.²

География фанларининг ўқитилишида турли усуллар, воситалар қўлланилади ва уларнинг замонавий имкониятлари янади ортиб бормоқда. Тадқиқотлар визуал маълумотларга, фильмлар, телевизион дастурларга, иккламчи манбаларга ва архив ва фонд материалларига асосланиши мумкин. Шу билан бирга улар ГИС ва дистанцион зондлаш, эксперимент ва электрон почтадан олинган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.).

Тадқиқотларнинг дизайн жараёнида ҳар бир методни алоҳида кўриб чивш муҳим эмас. Уларни аралаш ҳолда қўллаш мақсага мувофиқдир. Ушбу метод *triangulation* деб танилган. Тушунча турли жараён ва муноабатларни кўриб чиқишда ва уларга тўғри жой танлаш билан боғлиқ. Шундай қилиб тадқиқотчилар турли методлардан фойдаланиши ва турли информацияларни қўллаб пайдо бўладиган *question* саволларни минимал даражага олиб келиши мумкин. Улармиқдорий ва сифатий булиши мумкин. (Sporton, 1999). Турли методлар лойихага уникал натижалар олиб келиши еки уларнинг қайтарилмаслигига кафолатдир.

Аниқланган ўқув-тарбиявий мақсадлар асосида география таълимини мазмуни ишлаб чиқилади. Умумий методика икки қисмга бўлинади:

- табiiй географияни ўқитиш методикаси;
- иктисодий ва ижтимоий географияни ўқитиш методикаси,
- махсус географик фанларни ўқитиш методикаси.

Замонавий география дарсларига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- география фанининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;
- географик фанларнинг мазмунини замон талабларига мос равишда янада такомиллаштириш;
- ГИТ (географик информация тизимлар) дарс жараёнида қўллаш;
- ўқитиш материалларини қўллашни ўтималь шароитларини асослаш;
- ўқитиш воситаларидан унумли фойдаланиш;
- география дарсларини тузилиши, ўлчамлари ва турларини янада такомиллаштириш;
- география ўқитишни янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш;

² Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 30 p.

³ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 32 p.

-географик экскурсиялар, татқиқотлар ўтказиш технологиясини янада такомиллаштириш;

-ўқувчиларда амалий географик кўникмаларни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги босқичи таълим муассасаларини махсус тайёрланган педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш, ўқув тарбия жараёнини сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади.

4- мавзу: Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар. Дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни.

Режа:

1. Замонавий география дарсига бўлган талаблар.
2. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни.
3. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

1.1. Замонавий география дарсига бўлган талаблар.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳар бир таълим муассасасининг шу жумладан, педагогика олий ўқув юртларининг бевосита вазифаси саналади.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллаш учун География ўқитувчилари махсус методик билим ва кўникмаларни эгаллашлари, педагогик амалиётда зарур бўладиган методик тайёргарликка эга бўлишлари лозим.

Педагогик технология атамасига шу муаммо бўйича изланган ҳар бир олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифларнинг ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – ўқитиш шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда инсон салоҳияти дейилганда ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти, техник ресурслар деганда ўқитиш методлари ва воситалари назарда тутилмоқда.

Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларни гуруҳлаштиришда дастлаб қуйидагиларга асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим:

1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг турлари.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласи Географияни ўқитиш методикаси фанининг асосий муаммоларидан бири саналади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, ўқувчиларда юқори даражадаги мотив, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий нормаларга мос хулқнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Мазкур типдаги фаоллик ҳар доим ҳам вужудга келавермайди, фақат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик-психологик муҳитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Географияни ўқитишда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ва қулай ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келтириши ўқитувчи томонидан қўлланилган педагогик технологияларга боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан биргаликда, таълим жараёнида таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятга йўлловчи, коммуникатив, мантиқий фикрлаш, ақлий фаолият усуллари шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, касбга йўллаш, мўлжални тўғри олишга ўргатиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функцияларни бажаради.

Бироқ, педагогик технологияларнинг функцияларини таққослаганда бу функциялар бир хил даражада ўрин эгалламаслиги маълум бўлди.

География ўқитувчиси дарсда ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ва педагогик технологияларнинг дидактик функцияларини ҳисобга олган ҳолда қайси технологиядан

фойдаланишини илмий-методик асосда танлагандагина кўзланган мақсадга ва самарадорликка эришади.

География – объекти жуда ҳам турли масалаларга қаратилган фан, унда табиий муҳит ва инсониятнинг турли ҳолатларини ўрганади. Бундан ташқари ушбу фан кенг миқёсда фалсафий масалаларга ҳам қаратилган (позитивликдан постпозитивликка). Географлар миқдорий (статистика и математик моделлаштириш) и *сифат методларидан* (субъектив, маданий, сўровлар, кузатув ва бошқа визуальные маълумотлар) ёки уларнинг комбинациясидан фойдаланади. Бу методлар турли лойихаларда, тадқиқотларда (маълумотларга бой ва натижалари аниқ бўлган) ва *интенсив лойихаларда* (бунда аниқ бир еки бир нечта географик объект) қўлланилади. Бунда географлар қўлланиладиган методологик еки фалсафий ёндошувга қарамасдан умумий хулосаларни беришлари керак. Географлар ўрганадиган объект ўзининг диапазонининг катталиги билан фарқланади. Табиатнинг кўп аспекти, табиий, экологик, иқтисодий, сиёсий, маданий жihatлари билан географиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу диапазон кўлами кенгайиб бормоқда. Аънанавий, географлар дунёни ўтмишда бугунги кунга қараб ривожланиб келатган тизим деб ҳисоблайдилар. Ҳозирда эса бу кўлам янада кенгайиб бормоқда (Уолфорд ва Хэггетта, 1995; Грегори, 2000; Грегори 2009). Масалан, табиий ва иқтисодий географиядаги экологик қарашлар, катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш, янги методларни қўллаш каби. Бугунги кунда қадимги дунени моделлаштириш, келажакни башоратлаш механизмлари мавжуд. Табиий география тобора экологиялашиб, “Ер тизимлари фанлари” билан боғланиб, атмосфера, биосфера ва табиатни муҳофазаси деб юритилмоқда

(Шахтер, 2005). Бугунги кунда янги техника ютуқлари, масалан ГИС, тадқиқот ва уларнинг натижаларини олиш имкониятларини кенгайтиради, ва гиперкосмосдан фойдаланишда ёрдам бермоқда. Шу билан бирга маданий антропология, аҳолишунослик ва табиий географияда амалий масалалар деярли эмперик ҳолатда ўрганилади. Географиядаги янги йўналишлар ва улар билан боғлиқ тадқиқотлар методлари бирбиридан фарқ қилиши ёки тубдан янги бўлиши ҳам мумкин.



1980 йилларгача география асосан табиатни ўрганувчи (ресурслар ёки геологик) фан сифатида жамиятда қаралар эди. Бу эса табиат ва жамият бирлигини кўрсатар эди. Айримлар эса уни табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслар географияси сифатида қабул қилар (Chalmers, 1990). Шу билан бирга маданий қарашлар иқтисодий географияда турли йўналишлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ушбу масалалар Барнсом (2001) ва Клиффорд (2009) томонидан атрофлича ўрганилган. Шунга қараб бугунги географиянинг кўлами канчалик кенглиги яққол намоён бўлади. Китобда замовий географиянинг диапозони, ундаги методлар ва кўрғазмалар кенг ва атрофлича таҳлил қилинади ҳамда тадқиқотлар ўтказишда катта ёрдам беради.³

Таълим-тарбия жараёнига қўйилган буюртмаларни бажариш учун аввало таълим жараёнини дифференциаллаштириш ва индивидуаллашти-риш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлашти-риш, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув-ни талаб этади.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси ўзида фалсафа, психология ва педагогиканинг инсон-парварлик ғояларини мужассамлаштиради. Ушбу технология диққат мар-казида ўз имкониятларини максимал даражада амалиётга қўллайдиган, ижодий ва ижтимоий фаол, турли ҳаётий вазиятларни англаб таҳлил қила-диган, мўлжални онгли равишда мустақил, тўғри оладиган шахсни шакллантириш ғояси туради.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси орқали педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрликнинг вужудга келиши, ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъозлаш орқали шахсининг таҳсил олиши, ижод қилиш ва ўз - ўзини ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратилади. Мазкур жараёнда ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва ўқитувчи билан ягона таълим жараёнининг иккита субъекти ҳамкорликда ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этади.

Педагогнинг ўқувчи шахсига бўлган инсонпарварлаштирилган муно-сабати болаларни севиш, уларнинг тақдири учун қайғуриши, болаларга бўлган ишончнинг юқорилиги, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлиши, ўқувчиларни тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш ва аксинча ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги

³ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 26 p

туфайли таълим жараёнидан кўзланган мақсадга эришиш, болалар фаолиятида учрайдиган камчиликларга чидамли бўлиш, уларни бартараф этишнинг энг самарали йўллари қўллашда намоён бўлади.

1.2. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Унда ўқитувчи ва ўқувчи вазифалари. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари. География таълими муаммолари.

Ўзбекистонинг мустақилликка эришиши муносабати билан география таълимида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Мактаб географиясининг мазмуни ва тузилишида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим ўқув фанлари ўқув фанлари мактаб дастуридан олиб ташланди, айримларининг мазмуни ўзгартирилди, айрим фанлар янгидан яратилиб, ўқув тизимига жорий қилинди.

Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлашни миллий дастур»и, ва «Таълим тўғрисидаги қонун»и қабул қилиниши муносабати билан ўқув қўлланмалари ва дарсликларга бўлган талаблар кескин ўзгарди. Барча фанларга бўлганидик мактаб географияси фанида ҳам тубдан ўзгаришлар содир бўлди. География предметларининг дастури ва тузилиши Ўзбекистон мактаб таълими тизимида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтадан кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан география ўқитиш методикасида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. География ўқитиш методикасида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш муносабати билан ўқитиш методикасида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлди.

География таълими ҳам бошқа фанлардаги сингари педагогика ва дидактика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб замонавий ўзгаришлар ва талаблар натижасида такомиллашиб ўзгариб бормоқда. Профессор Х.Вахобов ўзининг “География ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасида шундай фикрлар билдиради: “География таълими деганда ўқувчиларга табиий ва иқтисодий-ижтимоий комплексларнинг тузилиши ва асосий қонуниятлари ҳақида билимлар берадиган география фанлари тизимига айтилади. География таълими методикаси эса мактабларда ва касб-хунар коллежларида ҳамда олий таълим муассасаларида, табиий ва иқтисодий география ҳамда бошқа махсус география фанларини ўқитиш жараёнини ўрганадиган ва педагогика фанлари тизимига кирадиган фандир”. Демак, география бугунги кунда нафақат географик билимлар мажмуаси балки уни кенг оммага етказувчи география таълимидан иборатдир.

1.3. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

География таълими методикаси умумий дидактика ва тарбия назарияси билан чамбарчас боғланган. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий қонуниятларини, таълим мазмунини татқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий қонуниятларини, таълим мазмунини татқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани аниқ ўқув фанларини ўқитиш методикаси билан шуғулланади. Айти вақтда ҳар бир ўқув фани каби ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг айримларини мақсади назарий билим ва кўникмаларни шакиллантириш (география, биология, химия), айримлари фақат, кўникмаларни (чет тиллар), бошқалари эса борлиққа эстетик муносабатда бўлишини шакиллантиради (тасвирий санъат). Шунинг учун алоҳида фанларни ўқитиш методикаси билан хусусий дидактика фанлари шуғулланади. Мазкур фанлар қаторига «География ўқитиш методикаси» фани ҳам киради.

География ўқитиш методикасини назарий ва амалий жихатлари мавжуд. География ўқитиш методикаси фани қуйидаги назарий ва амалий методологик муаммоларни татқиқ қилади:

- а) география ўқитиш методикасининг предмети, тадқиқот усуллари, ривожланиш тарихи;
- б) география ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифаларини умуман ва алоҳида предметлар бўйича аниқлаш;
- в) таълим ва тарбиянинг бирлиги;
- г) географик маданиятни шакллантириш.



География ўқитиш методикаси иккита катта қисмдан иборат. Умумий ва хусусий география ўқитиш методикаси. География ўқитишнинг умумий методикаси назарий ва методик масалаларни ишлаб чиқади, яъни предметни ўзини татқиқот усуллари ўрганади, бунда асосий эътиборни ўқув-тарбиявий мақсадларни ишлаб чиқишга қаратилади.

Географияни ўқитишда қандай саволларга эътибор қаратилиши ва қандай маълумотлар берилиши кераклиги таҳлил қилиниши зарурати бор. Бошқача қилиб айтганда, География ўзига хос ўрганиш фалсафасига, унинг ўрганиш методлари ҳам ўзига хос, методлар, усуллар ва таҳлиллар орасида турлича мулоҳазалар ва таклифлар

бўлиши керак. Бу эса ўқитиш дизайнига, яъни кўргазмалилик даражасини холатига боғлиқдир.⁴

География фанларининг ўқитилишида турли усуллар, воситалар қўлланилади ва уларнинг замонавий имкониятлари янади ортиб бормоқда. Тадқиқотлар визуал маълумотларга, фильмлар, телевизион дастурларга, иккламчи манбаларга ва архив ва фонд материалларига асосланиши мумкин. Шу билан бирга улар ГИС ва дистанцион зондлаш, эксперимент ва электрон почтадан олинган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.).

Тадқиқотларнинг дизайн жараёнида ҳар бир методни алоҳида кўриб чивш муҳим эмас. Уларни аралаш ҳолда қўллаш мақсага мувофиқдир. Ушбу метод *triangulation* деб танилган. Тушунча турли жараён ва муноабатларни кўриб чиқишда ва уларга тўғри жой танлаш билан боғлиқ. Шундай қилиб тадқиқотчилар турли методлардан фойдаланиши ва турли информацияларни қўллаб пайдо бўладиган *question* саволларни минимал даражага олиб келиши мумкин. Улармиқдорий ва сифатий булиши мумкин. (Sporton, 1999). Турли методлар лойихага уникал натижалар олиб келиши еки уларнинг қайтарилмаслигига кафотлатдир.

Аниқланган ўқув-тарбиявий мақсадлар асосида география таълимини мазмуни ишлаб чиқилади. Умумий методика икки қисмга бўлинади:

- табiiй географияни ўқитиш методикаси;
- иктисодий ва ижтимоий географияни ўқитиш методикаси,
- махсус географик фанларни ўқитиш методикаси.

Замонавий география дарсларига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- география фанининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;
- географик фанларнинг мазмунини замон талабларига мос равишда янада такомиллаштириш;
- ГИТ (географик информация тизимлар) дарс жараёнида қўллаш;
- ўқитиш материалларини қўллашни ўтималь шароитларини асослаш;
- ўқитиш воситаларидан унумли фойдаланиш;
- география дарсларини тузилиши, ўлчамлари ва турларини янада такомиллаштириш;
- география ўқитишни янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш;

⁴ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 30 p.

³ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 32 p.

-географик экскурсиялар, татқиқотлар ўтказиш технологиясини янада такомиллаштириш;

-ўқувчиларда амалий географик кўникмаларни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги босқичи таълим муассасаларини махсус тайёрланган педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш, ўқув тарбия жараёнини сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади.

Назорат саволлари:

1. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини таҳлил қилинг.
2. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммоларини айтиб беринг.
3. Замонавий дарсга қўйиладиган талабларни айтиб беринг.
4. География дарсларини замонавий талабларга мослаштиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 1.Nicholas Clifford,Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd,33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010.
2. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
3. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
4. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014

5-мавзу: География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.

Режа:

1. География фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларининг аҳамияти.
2. География таълимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш масалалари.
3. География фанларини ўқитишда дидактик ўйинли технологияларнинг самарадорлиги.

Таянч иборалар: Картография, статистика, экскурсия, график органайзер, сенквейн.

1. География фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларининг аҳамияти

География фанларини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, унда замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки география таълимида жуда яхши ишлаб чиқилган картографик, статистик, қиёсий географик, экскурсия а бошқа қатор анъанавий методлар ишлаб чиқилган ва улар таълим жараёнида кенг қўллаб келинмоқда. Бугунги кунда қабул қилинаётган қонунлар, чегараланишлар, ишдаги муносабатлар ва ҳафвсизлик масалалари, охир оқибат бажариладиган ишларнинг кўламини белгилайди. Академиклар томонидан бажарилаётган ишларнинг кўлами ва журнал ва нашрларда берилаётган маълумотлар кўп ҳолларда йирик грантлар томонидан иқтисодий таъминланган. Ушбу ишларнинг кўлами албатта талабалар томонидан бажариладиган илмий ишлардан катта фарқ қилади.. 3 ойлик stu – диссертациясини ичида икки йиллик гранлардаги илмий кўламини кутиш мумкин эмас. Ўзингизнинг илмий res-ognizing ишингизни бошлаётганингизда бу нарсаларни ҳисобга олишингиз мақсадга мувофиқдир. Билинки, иқтисодий географиядаги миқдорий еки сифат методлари, табиий географиядаги дала тадқиқотлари катт ақлий ва манавий меҳнат талаб қилади. Шунинг учун ишнинг кўлами шунга қараб ҳам белгиланади. Бундан ташқари сизнинг иқтисодий имкониятларингиз, жихозлар, техника биан таъминланганлик ҳам лойиҳангизнинг параметрларини белгилаши лозим.

Тайм-менеджмент диаграммасин тузиш ёки тадқиқот бошланишидан аввал тузиб чиқилган ишлар графиги сизнинг тадқиқотларингизни бажарилишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шу билан бирга олдиндан режалаштирилган (устоз ва бошқа мутахасисилар билан ҳамкорликда) иўлар тадқиқотлар дизайниди муҳим омил ҳисобланади ва сизга кенг имкониятлар

яратади.⁵

Бу ўринда ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси олимлари томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун касбга йўналтириш учун “Амалий география” фанидан ишлаб чиқилган ўқув услубий қўлланмада тавсия этилган замонавий педагогик технологиялар ва улардан дарс жараёнида фойланиш имкониятлари кенг қўламда баён этилган ва керакли тавсиялар берилган.



География таълимида дидактик ўйинлар мустақиллик йилларида кенг қўлланилиб келинмоқда ва бунга етарлича асос бор. Чунки, бу ўринда Р.Қурбониезовнинг “Географик ўйинлар”,

Х.Вахобовнинг “География ўқитиш методикаси” каби адабиётларда таълимда дидактик ўйинлар ўрни ва моҳияти кенг очиб берилган. Жумладан, Х.Вахобовнинг “География ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасида қуйидаги фикрлар келтирилади: “Ўқувчиларга географик ўйинлар орқали билим бериш дидактик ўйинди дарслар деб аталади. Географик ўйинлар билан дарс ўтилганда ўқувчиларда ривожлантирувчи фаолият вужудга келади. Бунда ўйинда иштирок этаётган ўқувчилар ролларини, вазифаларини эркин танлашади. Географик ўйинлар билан шуғулланиш жараёнида ижодий мухитни ва мунозарали вазифаларни вужудга келиши, ўқувчилар географик ўйин давомида аниқ бир роллар ва вазифаларни бажариш жараёнида ижодий ишлар билан машғул бўлади, маълум бир муаммоли вазият вужудга келса уларни ҳамкорликда ечишади”. Географик ўйинлар индивидуал гуруҳли ва оммавий турларга бўлинади. Уларнинг барчаси маълум бир ўқув шароитларида қўлланилади. Географик ўйинлар сужетли-ролли, ижодий, ишбилармонлик, конференция ва бошқа турларга бўлинади.

География таълимида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштирилиши бўйича амалга ошириш ишлари бир неча қисмдан иборат. Биринчи даражада албатта географик билим бериш ва унда турли ахборот воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда жуда кўплаб информация олиш имкониятлари мавжуд бўлсада, уларни саралаш, мақсадга мувоқлаштириш, таълимда қўллаш педагогдан катта билим ва махорат талаб қилади.

Табиий фанларда ушбу мавзуга катта эътибор қаратилган бўлиб, ундан лойиха катта бир изланишнинг бир қисми деб ҳисобланади. Лекин, яқинда табиий географияда

⁵ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 32 p

экстенсив ва интенсив методлар ва уларнинг қўлаш фалсафаси ни ўрганиш мақсадга мувофиқ деб олинди (Ричард, 1996). Экстенсив ва интенсив методлар лойихаларда узвий боғланиб, тадқиқотлар асосини ва натижаларини белгиламоқда. Бу эса аниқ равишдв 1.1 жадвалида берилган.

Экстенсив ва интенсив илмий лойихалар орасидаги фарқлар

1.1.Жадвал

	экстенсив	интенсив
Изланишлар ҳақидаги савол	Вакил - хусусият, намуна, еки аҳоли белгиси	Қандай? Нима? Нимага? Амалдаги ҳолат
Тушунтириш тип	Қайта олиб борилган тадқиқотлар хулосалари ёки катта масштабдаги сўров-анкеталар танловлари	Сабаб ва оқибатлар бўйича экспертиза хулосалари
Типик методлар	Статистик, аналитик таҳлиллар	Масалан : Этнографияда - аниқланган сифат даражалари
Тадқиқотлар чегараси	Тушунтириш - умумлаштириш - алоҳида олиб борилган кузатув . Умулаштириш алоҳида аҳоли гуруҳлари учун	Умумлаштириш. Уртача маълумотлар
Фалсафа	Таксономик гуруҳлардаги формал муносабатларга асосланган хулосалар	Сабаб ва оқибатларга узвий боғланган ходисаларга асосланган методик хулосалар

Манба: Sayer (1992, расм 13, 243 б)

Асосий фарқлар қуйида берилади:

Экстенсив илмий-тадқиқот лойихаларда натижалар аниқ белгиланган сабаб ва оқибатларга боғдиқ қонуниятлардан келиб чиқади. Таҳлиллар асосан катта миқдордаги кузатувлар ва изланишлар билан қафолатланади.

Интенсив илмий-тадқиқот лойихаларда натижалар бир еки бир нечта белгиланган ҳолатга таянади ва буни кичик таҳлил деб юритилади. Антропологияда бу кенг қўлланилади чунки уларда бир ҳолат ҳам катта изланишларга сабаб бўлади. Интенсив лойихаларда маълумотларни қадри жуда

юқори бўлиб, биргина тизим еки ижтимоий гуруҳ ўрганилиши сабаб ва оқибатларнинг қонуниятлари ишлаб чиқилишига саба бўла олади.

Умуман олганда икки метод ҳам ўзига хос тарафлари бўлиб изланилишларда қўлланилади. Аммо уларнинг қўлланилишида фалсафий қарашлар турлича бўлади. Экстенсив қарашларда намуна албатта асосий сабабни аниқлаш учун келтирилади, жараён эса умумий тарзда кўрилади.

Аммо, реал дунёда, бир аба аниқ оқибатга олиб келиши кам кузатилади ва катта имкониятларга олиб келмайди. Бу ерда *individ-ual* лик муаммоси келиб чиқади, у эса барча гуруҳлар учун, масалан экологияда, хато бўлиб қолиши мумкин.

Интенсив илмий-тадқиқот лойихаларда чуқур баҳолаш бўлиб, унда кузатувлар асосий сабалардан алоҳида кўриб чиқилади. Кенг тадқиқотлар позитив метод ҳисобланиб, интенсив методларлардаги реал ҳолатлардан йироқ деб ҳисобланган.

Амалда қўлланиладиган икки метод ҳам аниқ бир биридан фарқ қилувчи омилларга эга, яъни вақт, имкониятлар, маълумотлар типи ва миқдори билан боғлиқ.

Экстенсив илмий-тадқиқот лойихалар катта маълумотлар ҳажмига эга бўлган ходиса ва жараёнларга қаратилган бўлиб, кўп ҳолларда тадқиқотлар бўйича айрим хулоса ва тақдимотлар нашр қилинган бўлади. Бундан ташқари маълумотлар архив ва эълон этилган адабиётларга таяниши мумкин. Кўплаб талабаларнинг лойихаларда маълумотларга бўлган талабларнинг кўплиги, дала маълумотларига қўйилган мақсадлар уларни кўрқитади еки жихозлар ва техник имкониятлар имкониятларидан юқори бўлиши кенг кўламдаги изланишлар олиб боришига имкон бермайди. Агарда бундан экстенсив метод танланса унда илмий изланишлар асосан иккиламчи маълумотларга таянади, еки лабораторияларда бажарилади, ёки экспериментлар *exser-tion* маълум бир танланган ҳолатда ўтказилади. Шунинг учун бунда асосан интенсив йўл танланади ва унда сабаб ва оқибатлардан келиб чиқилади.⁶

Шунинг учун география фанларидан дарслик, қўлланмалар, амалий ва лаборатория ишланмаларининг ўрни катта. Билим олишнинг дарс жараёнидаги асосий манбайи албатта шулар ҳисобланади. Амалий ишларни бажариш давомида ўқувчиларда географик кўникмалар шаклланади.

⁶ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 35p

2. География таълимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш масалалари.

Ушбу дарсларда ўқувчиларни назарий ва амалий фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун географик кўникмаларнинг катта қисми янги билимларни олиш жараёнида шакллантирилади. Айрим амалий ишлар мазкур дарсларда бажарилади, масалан, географик координаталарни аниқлаш, масштаб турларни билан ишлаш, Турон текислиги бўйлаб ўтказилган табиий географик кесмани таҳлил қилиш ва бошқалар. Иқтисодий географиядан ўқувчиларни иқтисодий диаграммалар билан ишлаш кўникмаларини дарсни мустахкамлаш босқичида олиб бориш мумкин.

Географик кўникма ва малакаларни шакллантириш дарси қуйидаги қисмларга бўлинади: таълимий ва тарбиявий вазифаларни қўйиш; ўқувчиларни ўқув воситалари билан таништириш (дарслик, харита, жадваллар, диаграммалар). Улар амалий машғулотларни юзасида зарур бўлади; ўқув ишлари усуллари ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш; амалий ишларни бажариш бўйича кўрсатмалар бериш; бажарилган амалий ишлар натижаларини расмийлаштириш; қилинган ишларни яқунлаш; уйга вазифа беиш ва уни бажариш бўйича кўрсатмалар бериш.

Билим. Билим-ташқи дунёни, объектив борлиқни онгимизда акс этишини ёзма ва оғзаки шакли. Билимлар назарий ва эмперик билимларга бўлинади. Назарий билимлар нарса ва ходисаларни моҳиятини, улар орасидаги боғлиқлик ва алоқаларни акс эттиради. Назарий билимлар бу умумлашган билимлардир, уларга назариялар, қонунлар, қонуниятлар, сабаб ва оқибатлар, тушунчалар киради.

* Эмперик билимлар - географик борлиқ ва ходисаларни ташқи хусусиятларини акс эттиради. Унга тасаввур ва далиллар (факт) киради. Ҳозирги пайтда географияда назарий билимларнинг салмоғи ошиб бормоқда. География курсларининг ҳаммасида умумий тушунчалар (рельеф шакллари, иқлим турлари, иқтисодий жараёнлар, меҳнатни географик тақсимланиши, сабаб ва оқибатлар муҳим ўрин тутди.

* Назарий билимлар. Тушунча – борлиқнинг киши тафаккурида акс этишини бир шакли. Тушунчалар абстракт тафаккур натижасида ҳосил бўлади. Тушунча билимнинг асосий бирлиги ҳисобланиб умумий ва аниқ тушунчаларга бўлинади.

* Умумий тушунчалар деганда алоҳида воқеа ва ходисалар ҳақида эмас, балки умумий бир хил номга эга бўлган воқеа ва ходисалар тушунилади. Масалан, дарёлар, тоғлар, халқ хўжалиги тармоғи, иқтисодий район. Умумий тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаганда, ҳамма воқеа ва ходисалар учун умумий бўлган хусусиятлар (белгилар, сифатлар) очиқ берилади

Аниқ тушунчалар-ўзининг номига эга бўлган аниқ географик борлик, худуд: Волга дарёси, Қора дэнгиз ва ҳ.к..Аниқ тушунчаларнинг моҳияти, географик баёнларда очиб берилади. Аниқ тушунчалар: Африка, Франция, помир.

Тушунчалар асосий ва бўйсунган тушунчаларга бўлинади. Масалан: «тоғ жинслари» асосий тушунча «магматик тоғ жинси» бўйсунган тушунча.

- Сабаб ва оқибатлар-географик воқеа ва ходисалар орасидаги сабаб ва оқибатларни акс эттиради.

- Табиий география курсларида қуйидаги сабаб ва оқибатлар очиб берилади: рельеф, иқлим, қуруқлик сувлари, Дунё окэани, тупроклар. Рельеф Ернинг ички ва ташқи кучларини оқибати деб қаралади. Табиий-географик комплекслар ҳам сабаб ва оқибатларни очиб бериш туфайли ажратилади.

- Иқтисодий география курсларида сабаб ва оқибатларни қуйидаги турлари очиб берилади: Ижтимоий-иқтисодий тизим ва хўжалик ўртасидаги; давлатнинг тарихий ривожланиши ва хўжалигининг ҳозирги хусусиятлари ўртасидаги; давлатни ривожланиши билан унинг иқтисодий географик жойланиши ўртасидаги; табиий шароит ва хўжаликнинг тузилиши ўртасидаги.

- Аҳоли географиясини ўрганишда кўплаб муамолар вужудга келиши ва бундай этик нормаларга эътибор катта эканлигини биз четэлдаги тадқиқотлардан олибнамуна сифатида фойдаланишимиз мумкин. Масалан, чет эл адабиётидан олинган қуйидаги қисмга эътиборингизни қаратамиз:

Аҳоли билан ишлаётган географлар этик нормаларга катта эътибор қаратиши, изланишларда мухлатни ўрни ва иқтисодий муамоларга, табиий географ эса табиий мухитдаги ўзгаришларга, табиат унсурларига камроқ зарар етишига қаратиши керак.

Кейс стади 3.2. *Масалан, университет студенти Али бин Ахмед бин Салех Аль-Фулани икки гурх ўрта мактаб ўқувчилари учун анкета сўровномасини тайёрлайди. Қўнунга мувифиқ Али ота –оналардан ушбу сўров ўтказиў учун рухсат сўрайди. Бу эса университетнинг этика бўйича комитетдан ҳам рухсат талаб қилади. Бундан ташқари хар бир ўқувчи ўз хоши билан саволарга жавоб бериши еки бермаслигини гам ихтиерига қаратилади. Сўров ўтказишдан бир неча хафта аввал анкетага фикр билдириши учун хам жой қолдиришини мухокамадан ўтказади. Бу эса ўқувчилвар ва уларнинг ўқитувчиларини хоши бўйича ўтказилади. Сўров ўтказилагндан кейин Али хеч нарсани ўзгартира олмаслиги ва уни яна ўтказиши имконияти йўқлигини билади ва олиган натижалар билан университетгна қайтади . Олинган маълумотлар ва уларнинг тезлиги 97 % ташкил этади Бу жуда катта кўрсаткич. Лекин уни қайтаришда Алида бошқа имконият йўқ.*

Мухокама учун. Бу ҳолат фақат ўқувчиларда эркинлик бўлмаганлигидан далолатдир. Али томонидан ҳеч қандай таъзиқ ўтказилмаганми? Эркинлик тўлиқ таъминланганми? Балки Али томонидан қандайдир куч еки бошқа усуллар қўлланилмаганми?

3.2. Бажариш ва кўриб чиқишга чақирилади

*Изланишлар боши ва уларнинг давомида қийдагиларни кўриб чиқдингизми?
Хамкорликни кўрдингизми*

• Маълумотлар хажми, мақсади, вазифалари, тадқиқот усуллари, спонсорлар, талаблар, тахтидлар, вақт, камчиликлар ва бошқа ҳолатлар, кутилмаган натижалар

• Қилинган хулосаларнинг барчага тушунарлилиги ва хамкорликда қилинганлиги

• Излангишлар учун берилган вақт

• Мумкин бўлган ноаниқликлар

• Кишилар билан олинадиган маълумотлардаги эҳтиёткорлик

• Кафд этишидаги розилик

• Лойиха ҳақидаги маълумотларнинг очиқлилик даражаси

• Лойиха иштирокчиларининг номларини ошкор қилиниши ва натижалар наири

• Хусусий маълумотларни олиш ва улардан фойдаланиш

• Ҳуқуқий нормативлар билан ишлаш ва ошкорлик масалалари

• Маълумотларни сақлаш (дала материаллари, сўровномалар ва х.к.)

Зарар

• Моддий, маънавий, психологик, маданий, ижтимоий, табиатга зарар етказиш

• Олдиндан ўрганилган ва белгиланган зарарлар

• Аҳолига зарар етказиш

• Тахтидлар ва ишдаги имкониятлар

• Тадқиқотлардан чиқиб кетиш

• Тадқиқотчилар даражалари ва объектлар

• Натижалар тақдимооти

Маданий бохабарлик

• шахс, унинг ҳуқуқлари, хохишва ситаклари, эътиқоди, жамиятнинг қарашлари

Натижаларнинг тарқатилиши ва изланувчилар хамкорлиги

• Натижаларнинг барчага тушунарлилиги ва мавжудлиги

• Натижалар (изланишлар) тахлили

- *Натижалар(изланишлар)қўлланилиши*
- *Натижалар дахлсизлиги*
- *Спонсорлик*
- *Муаллифлик*

Хақиқат ёки оқибатлар? Изланишлардаги этик дилеммаларни ечимдаги теологик ва деонтологик ёндошувлар

Сиз қанчалик изланишларга таёйгарлик кўришингиздан қатъий назар этик дилеммалар ўз аксини топади.

Кейс стади 3.3. Жуда юқори оперативлик

Катриона Макдональд яқинда талабалар илмий лойихасини тугатган. Ушбу лойиха епиқ сўровномалар орқали нодавлат ANZAC ташкилотининг фаровонлигини аниқлашга қаратилган эди. Ушбу корхонанинг аъзолари еши 70 дан ўтган ва улар иккинчи жахон урушида қатнашувчилар эди. Уларни топиш учун катта вақт талаб қилинган эди. Катриона ишларни бажаришда тўлиқсиз иш кунидан фойдаланди. Илмий изланишлар яқунланиб профессор Макдональдс томонидан бахоланди ва Катриона ҳисоботни Ветеранларга тақдим қилмоқчи бўлди. Кунларнинг бирида Катриона вереарнларнинг бири жаноб Монтгом билан учрашди ва унинг тинчлиги бузилди.. Смайт тадқиқотлар натижасини сўради ва Катриона жамият аъзолари ва уларнинг соғлиғи ёмонлиги бу эса уларнинг жамият ишларидаги камчиликлари ҳақида гапирди. Шунда Смайт жамиятнинг ушбу аъзоларининг исмиларини сўради. Бу ўринда у ўз ёрдамини таклиф қилмоқчи бўлган бўлиши еки уларнинг ўрнига бошқа аъзоларни таклиф қилмоқчи бўлган бўлиши мумкин.

Муҳокама учун.

1 Макдональд хоним ушбу маълумотларни жаноб Смайтга берган бўлармиди?

2 Катриона маълумотларига кўра айрим ANZAC жамият аъзолари шаҳар бўйича ўз ҳаётларини хавфга қўйиб юришини, уларнинг эшитиш ва кўриш қобилияти ёмонлиги ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиши мумкинми?, испытывает зрение и слух проблемы, например, к организация?

Кейс стади 3.4. Карталар кучи

Д-р Тина Kong ўзининг докторлик диссертациясини ГИС билан ишлайдиган муассаса маълумотларидан фойдаланиб ижтимоий муаммолар хал этиш учун карталар ишлаб чиқишни мақсад қилди..Бу ўринда у тўлиқ иш кунидан фойдаланиши мумкин. Бу борада ишлар унга янги имкониятлар ва агарда юқори натижаларга эриши олганда нуфузли журналларда натижаларни эълон қилиш имкони туғилиши мумкин эди. Тина илмий ишини атроф мухитга канцероген моддаларни чиқишини (ракка олиб келувчи моддалар) вилоятнинг катта

шахарларида ўрганишни режа қилди. У икки ой давомида ишнинг дастлабки тайёргарлик қисмини ишлаб чиқди ва ишнинг заруратини белгилади. Шундан сўнг Тина концерогенлар юқори даражада бўлган шаҳарлар картасини тузиш учун ГИС маълумотларидан фойдаланишни мақсад қилди. Ушбу маълумотлар топилиши ва уларни кенг оммага ошкор бўлиши жамиятда хавотирларга сабаб бўлишини тадқиқотчилардан бири айтиб ўтади. Ушбу ишлар аҳоли саломатлиги билан боғлиқ бўлиши, жойлардаги иқтисодий муаммоларни келтириши ва маҳаллий органларга бунинг ёқмаслиги ҳақида Тинага огохлантириш берилади.

Муҳокама учун

Тина тадқиқотларни давом эттириши керакми? Жавобни асосланг.

Тина илмий изланишларини хавотирсиз мавзуга бўриши ва ҳамкорлар таклифига кўниши керакми?

Сиз шундай ҳолатда нима қилган бўлар эдингиз?

Бу саволга тўлиқ жавоб бериш учун файласуфлар ишларига мурожаат қилсак. Лекин, биринчидан сиз қандай дилеммага дуч келишингизни тасаввур қилишингиз керак. Этик нормаларнинг биринчи қойидасини – адолат бузилиши, эзгулик ва бошқаларга хурмат муаммоси пайдо бўлади. Шунда сизнинг олдингизда оғир дилемма пайдо бўлади ва уни ечиш керак. .

Қўшимча 3.3. Этик дилеммани ечиш йўллари

Этик дилеммани ечиш учун нима қилсиз? Буни икки йўли бор. Бири сиз бажараетган ишлар ҳеч қандай зиен келирмайди деган ҳолат (телеологик еки консеквенциал ёндошув). Бунга қарама – қарши деонтологик (Квинтон, 1988) ёндошув бўлиб, унда адолат барибир қарор топиши керак йўналишида иш олиб бориш. Этик дилеммани ечишда шу икки йўл мавжуд.

1 Қандай вариантлар бор?

Ўзингиз учун ишлар руйхатини тузинг .

2 Оқибатларни кўриб чиқамиз

Ижобий ва салбий оқибатларни ва улардан чиқиш йўллари яхшилаб ўйланг:

- Ким ва нима сизга ёрдам беради?
- Ким ва нима сизга зарар келтиради?
- Нима сизнинг ютуғингиз ва нима камчиликларга киради? Уларнинг даражаси қандай? Айрим нарсалар (соғлиқ, табиат) қадри бошқалардан (автомобил) юқорироқ. Баъзи нарсаларни (ишонч) йўқотиш бошқалардан (нашр еки умимий мажлис қарори) ёмонроқдир.

- Қисқа ва узоқ муддатли оқибатлар қандай?

Юқорида саволларга қараб энди энг яхши вариантни нималардан иборат ва энг кам зарар келтиради?

3 Варианларингизни одоб-аҳдов қоидалари билан кўриб чиқинг.

Энди ҳар бир вариантни алоҳида кўриб чиқинг. Оқибатларга эътибор берманг, энг муаммоли ҳолатни аниқланг. Варианларингиз жамиятдаги нормаларга (ҳаққонийлик, тенглик, экологик нозиклик, одоб) мос келадими? Бирор бир принцип қолганлайдан устунми?

4 Узингиз ечимни топинг ва шароитга қараб иш кўринг.

Энди ҳар бир таҳлилингизни ечим билан боғланг. Қонун сизнинг хулосангиз ва асосингиз тарафидадир. Уз хулосаларингизни химояланг, ва улар учун сиздан ташқари ҳеч ким жавобгар эмас.

5 Тизимни баҳоланг ва ўз ишларингизни белгиланг.

Дилеммани келтириб чиқарган ҳолатларни ва сабабларини ўйлаб чиқинг. Ўз ишларингизни аниқ белгиланг.

Манба: Старк-ADAMEC и Петтифор (1995); Бизнес ва этика масалалари маркази(2008).

Кўплаб олимлар икки ёндашув телеологик ва деонтологик тўғри йўлги белгилаш омили деб ҳисоблайдилар (Davis, 1993). Натижада этик актлар шу кўринишда бўлади. Айримлар эса тўғри хулосалар ҳар доим ҳам яхши бўлавермайди деб ҳисоблайдилар. Телеология тушунчаларида одоб—ахлоқ билан иш юритиш тўғри агарда у яхшилиқни емонликка қараганда кўпроқ берса (Израиль и Хей, 2006). Бу ҳолатни бузиш ва сирлани ошкор қилиш, кўприкларни барпо қилиш, катта фойда беради дейдилар.

Деонтологик ёндошув эса буни инкор қилади. Яхшилиқ ва емонлик орасидаги ҳолат этик нормаларни белгилаш учун етарли эмас. Олиб борилаётган ишлар даражалари одоб-ахлоқ эмас бурч, ишга бўлган муносабат, ҳамкорларга садоқат билан бажарилиши керак. (Kimmel, 1988). Шунинг учун, емонлик ва яхшилиқ эмас, тўғри иш юритилиши лозим. Буни кўриш учун, масалан миллий гуруҳларнинг илохий жойларини аниқлаш ва сирларини ошкор этиш учун тадқиқотчи ишончга кириши ва кўприкларни кўришда эътиборли бўлиши керак.

Шундай қилиб бизда икки йўл мавжуд, улар бир бирига зид бўлсада этик нормаларни кўрсатишлари мумкин. Бу жудаям қийин эмас ва сиз улардан дилемангизни ечимини топишингиз мумкин. Бу борада сизга Laud Хамфрисни мисоли ёрдам беради (3.5.) Бунда жамиятдаги айрим хунук ходисалар , ахлоқсизли ва бунинг натижалари , этик нормалар бузилиши кўриб чиқилади (масалан, гомосексуаллар).

Муҳокама учун.

Этик нормаларда бу ишларни ўрганиш мумкинми?

Бу аҳоли гуруҳларини кузатиш. Ўрганиш кеаркми?

Бу қонунчиликка тўғри келадими?

Этик нормаларни бузилишига олиб келмайдими?⁷

- Қонуниятлар-географик борлиқ (объект), ходиса ва жараёнлар орасидаги энг муҳим ва нисбатан мустаҳкам алоқа ва боғлиқликларни акс эттиради.

- Табиий географияда қуйидаги қонуниятлар очиб берилди: бир бутунлик, моддаларнинг айланма ҳаракати, даврийлик, зоналик, ҳамда айрим табиат таркибларини вужудга келиш қонуниятлари (иқлим, рельефи).

* Назария-бу кишилар илмий фаолиятини умумлашмасидир. Назария табиат ёки жамиятнинг айрим қисмларини ривожланиш қонуниятларини акс этдиради. Масалан. Табиий географик районлаштириш назарияси, иқтисодий географик ривожлантириш назарияси. ТТК назарияси ва ҳ.к.

- Эмперик билимлар-тасаввур-географик борлиқнинг (объектнинг) хаёлий (хиссий) тасвирий шакли, тасаввури, образи (тасвири). Аниқ тасаввур воқеа ва ходисаларни бевосита кўриш орқали пайдо бўлади. Хаёлий тасаввур эса маълум бир ходисаларни ва шароитларни баёнини ёки тарифини ўқиш орқали пайдо бўлади.

- Далиллар-мактаб географияси мазмунида кўпроқ объектнинг ўлчамлари, ёгинлар, ҳаво, сув сарфи, иқтисодий далиллар учрайди.

Кўникмалар – бу фаолият усуллари, бу усуллар орқали ўқувчилар олган билимларини амалда қўллашади. Кўникмаларни қўллаш ҳар сафар ўйлашни талаб қилади, шунинг учун кўникмага автоматизм хос эмас.

- Малака-автоматик равишда тез бажариладиган фаолият. Кўникмалар ўқув вазифасига ва мақсадларига қараб турли гуруҳларга бўлинишни мумкин. Бу эса қуйидаги кўникмаларни бир-биридан ажратишга имкон беради: объектлар баёни; ТТК ва ТИЧК ва ҳ.к. Кўникмалар ёрдамида ўқитувчи турли хил тафаккур усулларини қўллаши мумкин: анализ, синтез, умумлаштириш, абстракт қиёслаш.

Мазкур дарснинг асосий вазифаси география предметлари учун хос бўлган кўникмаларни шакллантиришдир. Мазкур кўникмалар назарий билимларни ўзлаштиришга, мустаҳкамлашга ва амалда қўллашга имкон беради. Кўп холларда мазкур дарсларни билимларни мустаҳкамлаш ва географик кўникмаларни шакллантириш дарси ҳам деб аталади. Ўқитиш сифатини оширишдаги вазифаларни қўйишлиши ва ечилиши муносабати билан ҳамда ўқувчиларни амалий фаолиятга бўлган этиборни ортиши билан мазкур дарслар турини аҳамити янада ортади. Бундай дарсларда ўқувчилар фаолиятини асосий

⁷ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 66 p.

шакли бўлиб амалий ишларни бажариш ҳисобланади. Мазкур амалий ишларни бажариш давомида ўқувчиларда географик кўникмалар шаклланади.

3. География фанларини ўқитишда дидактик ўйинли технологияларнинг самарадорлиги

Ушбу дарсларда ўқувчиларни назарий ва амалий фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун географик кўникмаларнинг катта қисми янги билимларни олиш жараёнида шакллантирилади. Айрим амалий ишлар мазкур дарсларда бажарилади, масалан, географик координаталарни аниқлаш, масштаб турларни билан ишлаш, Турон тэкислиги бўйлаб ўтказилган табиий географик кесмани таҳлил қилиш (ВИИ синф). Айрим амалий ишларни янги мавзунини ўрганиб бўлгандан кейин бажариш мумкин. Бунда олинган билим ва кўникмалар мустаҳкамланади.

Дидактик ўйинлар технологияси

География таълимида дидактик ўйинлар технологияси ўқувчиларни билим фаолиятини жадаллаштиришни асосий усулларида бири сифатида илгаридан қўлланиб келинади.

Табиий географик ўйинлар

Дидактик ўйинлар технологияси табиий географик билимларни ўрганишни ва ўзлаштиришни фаоллаштиради. Мазкур дидактик ўйинларни синфлар бўйича ҳам аниқ бир мавзулар бўйича ишлаб чиқиш мумкин, синфлар бўйича қуйидаги предметлар ишлаб чиқиш мумкин: материклар ва океанлар табиий географияси (7-синф); Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси. Табиий география дарсларида қуйидаги мавзулар бўйича дидактик ўйинларни ишлаб чиқиш мумкин:

-географик тадқиқотлар тарихи. Фаннинг ривожланиш тарихи, ҳудудларни ва айрим муаммоларни ўрганиш тарихи;

-план ва харита, шартли белгилар, андазалар, горизанталлар, географик координаталар, масштаб ва ҳ.к.;

-литосфера: ернинг ички тузилиши; ер пўсти; тоғ жинслари; рельеф ва унинг турлари, айрим ҳудудлар рельефи;

-гидросфера ва унинг таркибий қисмлари. Дунё океани. Қуруқлик сувлари, ер ости ва ер усти сувлари. Материклар ва айри ҳудудлар ички сувлари;

-атмосфера, унинг тузилиши, таркиби, ҳаво массалари. Об-ҳаво ва иқлим. Иқлим ҳосил қилувчи омиллар. Иқлим минтақалари. Сиклонлар, ёғинлар. Материклар ва айрим ҳудудлар иқлими;

-биосфера. Материклар айрим ҳудудларининг тупроғи, ўсимлиги ва ҳайвонот дунёси.

Юқорида келтирилган табиат таркибларининг ҳар бири бўйича жуда кўп дидактик ўйинлар ишлаб чиқиш мумкин.

Сюжетли - ролли ўйинлар

Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши, мустақил бидим эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида мужассамлашган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим рол ўйнайди.

Ўқитувчилар сюжетли-ролли ўйинларни кўпчилик ҳолларда матбуот конференцияси билан алмаштириб юборишади. Ҳар иккала ўйиннинг таълим жараёнида қўлланишидан кўзланган мақсад бир-бирига монанд бўлса-да, улар ўртасида катта фарқ мавжуд. Бу ҳолни дидактикада дидактик ўйинларга етарлича тавсиф берилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг, объектлар ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзида ёритиш асосида вужудга келтирилган муаммоларни ўқувчиларнинг ўзларидаги билим заҳираларига таянган ҳолда, ҳамкорликда, босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли ролли ўйинлар деб аташ лозим. Бунда ўйин сюжети жамиятдан ёки табиатдан олинади. Улар география курсларини ўқитишда қўшимча маълумотлардан фойдаланишга қаратилган бўлиб, уларни турли йўллар ва методлар орқали олиш имкони бор.

Географлар учун энг асосий маълумотлар манбаи бу аҳолидир, ва ундаги маълумотлар катта аҳамият касб этади. Давлат маълумотларини олиш бугунги кунда кўпгина мамлакатларда ташкил этилган ва кенг омма учун очиқ. Фақат айрим маълумотларгина ёпиқ хисобланади ва аксаотъяти интернет сайтларида мавжуд. Бугунги кунда тадқиқотчи Мексикада ўтириб, сичқончанинг бир неча ҳаракати билан англия шаҳарларида маълумотиларга эга бўлади.

2 Қўшимча маълумотлардан фойдаланганда *тадқиқотчи маълумотлар яна кимдир томонидан бошқа мақсадларда йиғилган эканлигини билиши керак*. Шу маълумотларга қўйилган саволлар бошқача бўлиши мумкинлиги, маълум холаталрада ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин.

3 Давлат томонидан маълумотларни йиғиш учун жуда катта маблағлар сарфланиши уларнинг фойдали даражаларини ортишига олиб келади. Маълумотлар тестлардан ўтказилади ва кодлаштирилади. (О'Раили, 1998). *Тупланган маълумотлар бир тадқиқотчи томонидан йиғилишига ҳеч қандай имкон бўлмайди*.

4 Қўшимча маълумотлардан *сизгача фойдаланишигани, уларга катта ишонч билан қараиш керак эмаслиги ҳақида*. Бу ҳолат айниқса аҳолини руйхатдан ўтказишда кўринади. Чунки маҳаллий раҳбарлар аҳоли сонини керакли дажада

ўзгартириши ва бу аниқ мақсадларга қаратилиши мумкин. Айрим ҳлатларда давлат маълумотлари ҳам ўзгартирилиб берилади ва бу маданий, заррат деб қабул қилинади. (Hoggart *и др.*, 2002).

5 *Кўшимча маълумотларга таяниш ва улардан фойдаланиш.* Давлат идоралари маълумотлардан фойдаланишни бошқаради. Ва уларни архивлаштиради. Уларнинг географияси ҳам турлича бўлади. Тадқиқотчида танлаш имкони ҳам бор. Масалан миграция ёки иммиграция маълумотлари билан ишлашда бир шаҳарда барча маълумотлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Айрим ҳолатларда аниқ маълумотлар кичик даражаларда аниқ бўлиши мумкин.

6 *Кўп кўшимча маълумотлар табиат ҳақида бўлади ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар кўп бўлишига қарамасдан кўшимча маълумот сифатида фойдаланиш имкониятини беради.*

Географик тадқиқотларда кўшимча маълумотлардан фойдаланиш заруратдир. Бу айниқса талабалар лойиҳаларида тез маълумот олиш учун керак. Бугунги кунда барча тадқиқотчилардан ўз изланишлари ҳақида маълумотларни кўшимча маълумотлар банкига киритиш талаб қилинади.

Кўшимча маълумотлар манбаи

Талабалар лойиҳаларида асосан миллий веб-сайтлар, давлат статистика маркази маълумотлари асосий ҳисобланади. Кўп мамлакатларда бу маълумотлар очик ҳисобланади. 5.1 жадвалда уларнинг қатор берилади. Халқаро манбалардан энг муҳими ЮНИСЕФ маълумотларидир. (www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html).

Масалан, Англия ва Уэльс талабалари аҳоли ҳақидаги жуда кўп маълумотларни маҳаллий www.census.ac.uk веб-сайтидан олишади. Бу эса 1971 ва 2001 йилдаги маълумотларни ҳам таққослаш имконини беради.

5.1. жадвали. (жадвал ўзгаришларсиз берилган)

A. National statistical offices (in each case the web address starts

http://www)

Country	Web address
Argentina	indec.mecon.gov.ar
Australia	abs.gov.au
Brazil	ibge.gov.br/english
Canada	statcan.gc.ca
China	stats.gov.cn/english
Colombia	dane.gov.co
Egypt	campus.gov.eg/eng-ver
France	insee.fr/en
Germany	destatis.de/en
Ghana	statsghana.gov.gh

India	censusindia.net
Ireland	cso.ie
Italy	istat.it/english
Japan	stat.go.jp/English
Malaysia	statistics.gov.my
Mexico	inegi.gob.mx
Netherlands	cbs.nl/en
New Zealand	stats.gov.nz
Poland	stat.gov.pl/english
Portugal	ine.pt/en
South Africa	statssa.gov.za
Spain	ine.es/en
Sweden	scb.se/eng
UK	statistics.gov.uk
USA	fedstats.gov

B. International organizations

Organization

Web address

Eurostats	http://epp.eurostat.ec.europa.eu
Food and Agriculture Organization	http://www.fao.org/corp/statistics/en
UNICEF	http://www.unicef.org/statistics
United Nations	http://unstats.un.org/unsd
World Health Organization	http://www.who.int/whosis/en

Маълумотлар турли маслаларга бағишланади ва миллий марказлар маълумотларига таянади. Уларнинг ичида махсус расмий органлар сайтлар ихам мавжуд ва уларнинг маълумотлари жуда ишонарлидир. (neighbourhood.statistics.gov.uk/dissemination). Бундай маълумотлар мамлакат еки худулардаги аниқ далилларга таянади ва ишончли бўлади. Турли мамлактлар турли маълумотларни киритишади ва сайтларни беришади. Шу билан бирга hozirда пулли сайтлар тармоқлари ҳам ривожланмоқда ва маълумотлар уларда епик бўлади.

Бундан ташқари айрим маълумотлар онлайн тизимида берилади ва бу айниқса Британия мамлакатлари учун хос. Уларда сиз кўплаб маълумотлар олишингиз мумкин. Маълумотлардан жуда кенг аудитория фойдаланиши аниқланган.

Ахолини руйхатга олиш масалаларидан фойдаланиш жуда мураккаб. Чунки бу ердаги маълумотлар аниқ эмас ва маълумотлар тор доирадан олинган (1-2% ахоли). Уларда қариялар экологик ранг ҳолатда эканлиги, юой ва камбағаллар орасидаги тафовутлар аниқ эмас. Маълумотлар аниқ инсонлардан олинган ва гурухлардаги умумий ҳолатни белгиламаслиги мумкин. (1991 и 2001 Буюк

Британия). Бундаш ташқари кичик гуруҳлардаги тадқиқотлар нодавлат ташкилотлари еки тижорат усулда бажарилган.

АҚШ да ҳам талабалр ўз мамлактлари ҳақидаги аниқ умумий тахлилий маълумотлар олиши жуда қийин ва уларни (www.ipums.umn.edu). www.ipums.umn.edu сайтлардан олишади. Талабалар турли мамлакатлар ва уларнинг аҳолиси ҳақидаги умумий маълумотларни олишади, лекин аниқ жой маълумотлари аниқ эмас (см. fisher.lib.virginia.edu/pums).

Жуда кўп маълумотлар хусусий компаниялар томонидан тақдим этилади ва турли ташкилотлар томонидан сўровлар ўтказилади. Улардаги маълумотлар ҳам турлича даражага эга.

Шу билан бирга ҳозирда давлатлар томонидан маълумотлар олиш ишлари ва уларнинг тахлиллари берилмоқда. Улардаги маълумотлар ишончли, тахлиллар кўп қиррали, агарда хусусий ташкилотларда бажарилган бўлсада давлат ташкилотлари томонидан баҳоланган бўлади. Шунинг учун бундай миллий сўровлар ва тахлиллар чоп этилади ва кенг оммага тақдим этилади. это относится только к одному месту и не должно быть обобщено).

Британиялик тадқиқотчилар учун онлайн тизимида ишлайдиган Британия архиви маълумотлари мавжуд (университет Эссекса). Унда ҳар чорак учун умумий ижтимоий тахлиллар берилади. (www.data-archive.ac.uk). www.data-archive.ac.uk). Халқаро масштабда Амстердам университети веб-сайти маълумотлари энг фойдали ҳисобланади (www.sociosite.net).

Европа Иттифоқи учун эса Евробарометр сайти муҳим ҳисобланади (ec.europa.eu/public_opinion). Унда барча маълумотлар ва тахлиллар берилади. 1971 йилдан Буюк Британияда умумий ахаллий тахлил қилинади ва йиллик ҳисоботлар берилади (www.statistics.gov.uk/ssd/surveys/general_household_survey.asp), www.statistics.gov.uk/ssd/surveys/general_household_survey.asp). бу сайтларда жуда кўплаб турли маълумотлар берилади ва тахлил қилинади.

Бундан ташқари жуда кўплаб бошқа сайтлар ҳам бор ва уларнинг маълумотлар ҳам турличадир (www.communities.gov.uk/communities/racecohesionfaith/research/citizenshipsurvey) www.communities.gov.uk/communities/racecohesionfaith/research/citizenshipsurvey).

Европада Тадқиқотлар маданият бойлик маркази сайти (www.europeanvaluesstudy.eu) ва Ижтимоий тахлил маркази сайтлари мавжуд. Уларнинг ҳисоботлари барча миллий марказдарада берилади. В Ҳозирда бу сайтлар кенгайтирилиб Умумбашарий тадқиқотлар марказига айлантириган (www.worldvaluesstudy.org). Бундан ташқари дунё бўйича Гэллап ташкилоти сайти мавжуд (worldview.gallup.com). Уларда турли муаммолар ва сўровлар

бўйича маълумотлар берилади. Ушбу маълумотларнинг ишончлилик даражаси жуда юқори кўрсаткичлар билан баҳоланади ва чоп этилади. Кўплаб маълумотлар очиқ ҳисобланади ва кенг фойдаланилади.⁸

Жумладан “Орол дарди-олам дарди” мавзусидаги сюжетли-ролли ўйинда сюжет табиатдан олинади ва жамиятдаги муносабатлар билан уйғунлаштирилади.

Ўқитувчи бу дидактик ўйинни ўтказиш учун қуйидагиларни амалга ошириши зарур:

- Орол муаммоларига оид маълумотларни тўплаши;
- Дарс сценарийсини ўқувчилар ва адабиёт ўқитувчилари билан ҳамкорликда тузиши;
- Роллар ва вазифаларни ўқувчилар ўртасида тақсимлаши;
- Муаммони ҳал этиш йўллари белгилаши лозим.

Ижодий ўйинлар

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантиқий фикрлашини ривожлантиришда, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.


Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни ижодий қўллаш ва изланиши орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

Ижодий ўйинлардан масалан, “Ўрта Осиёнинг табиат зоналари”, ни ўрганишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқувчилар тенг сонли гуруҳларга ажратилиб, уларни шартли равишда “Геоморфологлар”, “Иқлимшунослар”, “Тупроқшунослар”, “Ботаниклар”, “Зоологлар” ва ҳ.к белгиланади. Ҳар бир “мутахассислар” ижодий изланиб, гўёки фанда янгиликлар кашф этадилар. Ўқитувчи томонидан тавсия этилган топшириқларни бажариб, кўргазмали курулларга таянган ҳолда, ўз жавобларини асослайдилар.

Мазкур дидактик ўйинли дарсларда ҳамма ўқувчилар ҳамкорликда ишлайдилар, аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб янги билимларни эгаллайдилар. Бу эса ўқувчиларнинг ўз билимларига, иқтидорига ишонч уйғотади ва ҳар бир ўқувчи сидқидилдан ҳамда жиддий тайёргарлик муваффақият гарови эканлигини англаган ҳолда билим олишга киришади.

⁸ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 88p

Дидактик ўйинлар технологиясининг модели (Н.Султонова томонидан тузилган)





Назорат саволлари:

1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган ва таълим самарадорлигини орттириш имконини берадиган педагогик технологияларни санаб ўтинг.

2. Қайси технологияларда таълим-тарбия бериш функцияси етакчи ўрин эгаллайди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography

2. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 30 p

3. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.

4. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.

5. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014



IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.

Ишдан мақсад: География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикаларини ишлаб чиқиш.

Масалани қўйилиши: Тингловчилар ўзлари дарс бераётган предметлари бўйича ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш.

1-Амалий топшириқ: География ўқитиш методикасининг асосий вазифалари нималардан иборат.

№	Вазифалар
1.	
2.	
3.	
4.	
5.	
6.	
7.	
8.	
9.	
10.	

2-Амалий топшириқ: География фанларини ўқитишда педагогик технологиялари (методлар) жадвалини тўлдиринг ва изох беринг.

11.	Методлар	География дарсларидаги самараси
12.		
13.		
14.		
15.		
16.		
17.		
18.		
19.		
20.		
21.		
22.		



23.		
24.		
25.		

3-Амалий топшириқ:

2-илова

Блиц-сўров саволлари

1. География ўқитиш методикаси қайси фанлар тизимига киради ?
2. Педагогика фани қандай тармоқларга киради?
3. География ўқитиш методикаси қайси бўлимлари мавжуд?
4. Хусусий методиканинг вазифаси?

3-илова

Тушунчаларга таъриф беринг.

Методика....

педагогика....

Дидактика....

Усуллар.....

4-илова

Б.Б.Б. техникаси

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	2	3	4	5
2	Метод			
3	Методика			
4	Педагогика			
5	География ўқитиш методикасининг ўрганиш объекти			
6	Дидактика			



7	Кўникма			
8	Малака			
9	Билим			

Назорат саволлари

1. Географиядан дарсдан ташқари ишлар мазмунини аниқланг.
2. География таълимини ташкил этишнинг шакллари аниқлаш ва асослаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
2. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. 80 p


2- амалий машғулот: География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

Ишдан мақсад: География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш учун ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш.

Масалани қўйилиши: Тингловчилар ўзлари дарс бераётган предметлари бўйича маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш.

1-амалий машғулот: Сиз фаолият олиб бораётган ОТМда ўзингиз дарс берадиган фандан бир академик соатга мўлжалланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари лойиҳаларини белгиланган талаблар асосида тайёрланг.

2-амалий машғулот: Қуйидаги чизмани тўлдилинг.



3-амалий машғулот: Б.Б.Б. техникасини қўллаш бўйича кўрсатмаси бўйича топшириқларни бажаринг

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни топлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал етинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни топлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал етинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни топлдиринг.
4. Маърузани ешитинг.
5. 5-устунни тўлдилинг

Б.Б.Б. жадвали (биламан, билишни хоҳлайман, билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	2	3	4	5
1	Билим нима?			
2	Кўникма			
3	Малака			
4	Д.Т.С талаблари			
5	Дастур			
6	Назария			
7	Қонуният			
8	Тасаввур			

1. Билим турлари, тушунча,
1. Қонуният, назария, тасаввур.
2. Кўникма, малака.



4-амалий машғулот: Саволлар жавоб беринг.

1. Билим нима ?
2. Билимлар қандай турларга бўлинади ?
3. Тушунча нима ва унинг турлари ?
4. Қонуният нима ?
5. Кўникма нима ? У қандай ҳосил бўлади ?
6. Малака нима ? Қайси жиҳати билан кўникма ва билимдан фарқ қилади

?

Назорат саволлари:

1. Билим турларига таъриф беринг.
2. Кўникма ва малакаларга таъриф беринг

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-P

3-амалий машғулот: География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар. География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геоэкологик ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

1-амалий машғулот: Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Табиий география нимани ўрганади?
2. Иқтисодий география нимани ўрганади?
3. **Картография нима?**
4. **Геоэкология нима?**
5. География фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?

2-амалий машғулот: География фанлар тизимини қисмларга ажратган ҳолда кластер тўзинг.



3-амалий машғулот: Жадвалда берилган маълумотлар асосида тўғри жавоб жуфтлигини аниқланг.

№	Саволлар	Якка жавоб	Тўғри жавоб	Сизнинг ҳаракатингиз
1.	Фан мақсад ва вазифаларни			Сиёсий ва ҳарбий, тиббий, рекреация ва туризм, инженерлик, географик башорат, мелиоратив ва хизмат кўрсатиш географиялари
2.	Табиий фанлар тизими			Тоғ жинслари, сувлар, ҳаво, тирик модда
3.	Техника фанлари тизими			одамзоднинг мавжудлигидир
4.	Ижтимоий фанлар тизими			геодезия ва картография, машинасозлик
5.	Табиий фанлар олдида турган асосий вазифалардан бири			Географик қобик
6.	Умумий Ер билимининг ўрганиш объекти			математика, физика, химия, география, кимё, биология ва геология
7.	Махсус география фанлар тизими			Тарих, фалсафа
8.	Географик қобикнинг таркибий қисмлари			Географик қобик табиатини бир бутун ҳолда ўрганиш



9.	Географик қобикнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим хусусияти			объектив борлиқни бошқаришни усуллари ва йўлларини ишлаб чиқиш. Борлиқ ҳақидаги билимларни ишлаб чиқиш ва уларни назарий жиҳатдан тартибга солишдир.
10.	Табиий географиянинг асосий мақсади			фанлараро аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ишлаб чиқишдир.

4-амалий машғулот: Табиий ва иқтисодий-ижтимоий географик фанларга қисқача тавсиф беринг.

№	Фанлар номи	Фанларга қисқача тавсиф
1	Геология	
2	Геоморфология	
3.	Гидрология	
4.
5.
6.		
7.		
8.		
9.		
10.		

2. Иқтисодий-ижтимоий географик фанларга қисқача тавсиф беринг.

№	Фанлар номи	Фанларга қисқача тавсиф
1.	Иқтисодий география	
2.	Аҳоли географияси	
3.
...
9.		
10.		



Назорат саволлари:

1. Фан нима?
2. Фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?
3. Фан нима учун тизимга ажратилляпти?
4. География фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?
5. Нима учун фанлар тизими шартли равишда қисмларга ажратилади?
6. Табиий география фанлар тизимига қайси фанлар киритилади?

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе географических наук. «Амалий география» фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари қлим – Т.: 2008.
2. Баратов П. Умумий табиий география. –Т.: 2010.
3. Зокиров Ш.С, Тошев Х. Ландшафтшунослик. – Т.: 2013
4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005.

4- амалий машғулот: Географияни ўқитишда муаммоли таълим технологияси

РЕЖА:

- 1.Муаммоли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.
- 2.Муаммоли методлар
- 3.Муаммоли дарсларга қўйиладиган дидактик талаблар.
- 4.Географияни ўқитишда муаммоли дарслардан фойдаланиш йўллари.

1-амалий топшириқ: Муаммоли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятларига кластерни тўдиринг.



2-амалий топшириқ: Муаммоли таълим технологиясининг кластерини тузинг.

3-амалий топшириқ: Талабларга муаммоли методлардан фойдаланиб муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, талабаларнинг муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўникмалари ва билимларни фаоллаштиришга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этадиган дарс ишланмаси яратиш (ҳар бир тингловчи ўзи мустақил мавзу танлаган ҳолда).

4-амалий топшириқ: Муаммоларни ҳал этишда ўқитишнинг мантиқий методлари гуруҳига мансуб индуктив, дедуктив, таҳлил, бош ғояни ажратиш, қиёслаш, умумлаштириш методларидан фойдаланиб талабаларни география фанларидан баҳолаш усулларини тузиш.



Назорат қилиш учун саволлар:

1. Муаммоли таълим технологиялари қандай ўзига хос хусусиятларига эга?
2. Муаммоли таълимнинг муваффақиятли қўлланилиши қандай омилларга боғлиқ?
3. Репродуктив методлар гуруҳига қайси методлар киради?
4. Муаммоли вазиятларнинг қандай турлари мавжуд?
5. Ўқитиш жараёнининг қайси босқичларида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш мумкин?

5- амалий машғулот: География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

1-амалий топшириқ: География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

1.
2.
3.

2-амалий машғулот: Олий ўқув юрти география таълимида мустақил ишларни ташкил этиш воситаларини куйидаги схеманинг давом эттиринг.



3-амлий топшириқ: Мустақил ишларни ташкил этиш воситаларининг география фанларини ўқитиш жараёнида қўлланилишини изоҳланг.

№	Мустақил ишларни ташкил этиш воситалари	Изоҳ беринг
1.	Дарслик билан ишлаш	
2.	Географик карталар билан ишлаш	
3.	Контур карталар билан ишлаш	
4.	Таълимнинг техника воситалари билан ишлаш	
5.	Вақтли матбуот материаллари билан ишлаш	
6.	Компютер билан ишлаш	



7.	Тарқатма дидактик материаллар билан ишлаш	
8.	Қўшимча адабиётлар билан ишлаш	
9.	Статистик маълумотлар билан ишлаш	
10.	Кўргазмали (иллюстрация) қуроллар билан ишлаш.	
11.	Кўргазмали (иллюстрация) қуроллар билан ишлаш.	


Назорат учун саволлар:

1. География фанларини ўқитишда мустақил таълим қандай ташкил қилинади
2. География фанларидан масалалар ечиш жараёнини тушунтириб беринг.
3. География фанларидан ўқув ва тест топшириқларини тайёрланг

6-амалий машғулот: География фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини, рейтинг тизимида қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш.

1-амали топшириқ: География фанларини ўқитиш жараёнида стандарт ва ностандарт тест топшириқларининг ўрни ва рўли ҳақида мустақил баён тайёрлаш.

2-амалий машғулот: Стандарт ва ностандарт тест топшириқларига елпигич технологияси орқали и таққосланг.



3-амалий машғулот: Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра 3 та гуруҳларга ажратилади: 1.Интегратив тестлар; 2. Адаптив тестлар; 3.Мезонли-мўлжал олиш тестлари. Ушбу тест гуруҳларига изох беринг ва 5 тадан тестлар тузинг.

4-амалий машғулот: Қуйида берилган топшириқлар бўйича топшириқларни бажаринг.

1. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талабларни ўрганинг.

2. Тест топшириқларининг қийинлик даражасига кўра ўзингиз ўқийдиган курс бўйича репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини тузинг.

3. Тест топшириқларининг мазмуни ва сифатига ДТМ томонидан қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқинг.

4. Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича тузган репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини ДТМ томонидан қўйиладиган талабларга мослаштиринг.



5. Қуйида берилётган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилинг ва уларнинг турлари, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнидаги ўрнини аниқланг.

ТОПШИРИҚЛАР

1. Тингловчилар география фанидан 10та очиқ тестлар ишлаб чиқиш.
2. Тингловчилар география фанидан ностандар тестлар ишлаб чиқиш.
3. Му test дастуридан фойдаланиб тестлар ишлаб чиқинг.

Назорат саволлари:


1. Тест нима?
2. Тестлар қандай ҳолларда қўлланилади?
3. Тестлар ёрдамида талабаларни қандай билимлари назорат қилинади?
4. Настандарт тестлар деганда нимани тушинасиз?
5. Картографик тестлар қандай тузилади.
6. ГИС тест нима?

7-Амалий машғулот: Географияни ўқитиш жараёнида дидактик ўйинли дарслардан фойдаланиш йўллари

Режа:

1. География дарсларида талабаларнинг билиш ва ўйин фаолиятини уйғунлаштириш. Ўйин фаолиятини ташкил этиш босқичлари.
2. Дидактик ўйинларнинг мазмуни ва моҳияти.
3. Дидактик ўйинли дарсларга қўйиладиган талаблар.
4. Географияни ўқитишда фойдаланиладиган, дидактик ўйинли дарсларнинг турлари.

1-амалий топшириқ: Географияни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган дидактик ўйинлар кластерини тўлдириг.



2-амалий топшириқ: География фанларини ўқитишда қўлланиладиган дидактик ўйинларга изоҳ беринг.

№	Дидактик ўйинлар	Дидактик ўйинларга изоҳ беринг
1	Сюжетли – ролли ўйини	
2	Ижодий ўйин	
3.	Аукцион ўйини	
4.	Конференция	
5.	Матбуот Конференцияси ўйини	
6.	Ишбилармонлар ўйини	


3-амалий топшириқ: География фанларини ўқитишда қўлланиладиган дидактик ўйинларга берилган изоҳларни мослиги бўйича ўз ўрнига қўйинг.

**ДИДАКТИК ЎЙИНЛИ ДАРСЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Дидактик ўйинли дарслар	Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур дарсдан фойдаланилади	Дарсларнинг дидактик функциялари	Ўқувчининг фаолияти
Сюжетли – ролли	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар муҳассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	“олимлар” мақомини олиб муайян мавзуларда изланиш олиб боради.
Ижодий ўйин	Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадиий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш
Аукцион	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш.	“олим” ва “муҳбир”лар мақомини олиб мавзунини ўзлаштиради.
Конференция	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш.	Ижодий изланиш орқали янги мавзунини ўзлаштиради

Матбуот Конференц ияси	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида ўқувчиларнинг дунёқараши-ни кенгайтириш, касбга йўллаш.	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзуни ўзлашти-ради
------------------------------	---	--	---

4-амалий топширик: Дидактик ўйинли дарслар орқали қандай функциялар амалга оширилади



Назорат учун саволлар:

1. Дидактик-ўйин технологияси қандай умумий хусусиятларга эга?
2. География дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўйин фаолияти билан уйғунлаштириш, ўйин фаолиятини ташкил этишнинг қандай босқичлари мавжуд?
3. Дидактик-ўйинли дарсларга таъриф беринг.
4. Ўйин фаолияти инсон ҳаётида қандай функцияларни бажаради?
5. Ўйин ва ўйин фаолияти таркибига нималар киради?
6. Дидактик-ўйинли дарсларга қандай дидактик талаблар қўйилади?
7. Дидактик-ўйинли дарсларни ташкил этиш учун ўқитувчи қандай тайёргарлик кўриши зарур деб ҳисоблайсиз?



8-Амалий машғулот: Географияни ўқитишда модулли дарслардан фойдаланиш йўллари

Режа:

1. Модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Дидактик мақсадлар мажмуаси, хусусий дидактик мақсадларни аниқлаш йўллари. Ўқитувчининг тайёргарлиги.
3. Модул дастурининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Модулли дарснинг анъанавий дарслардан фарқи.

Модул дастурининг дидактик мақсадини аниқлашда ўқитувчи Географияни ўқитишнинг дидактик мақсадлар мажмуаси (ДММ), яъни Географияни ўқитишдан кўзда тутилган мақсадни, мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида, дарсда фойдаланиладиган модул дастурининг дидактик мақсади (МДМ) ни, мавзу ажратилган модуллардан келиб чиқадиган хусусий дидактик мақсадни (ХДМ)ни аниқ тасаввур қилиши зарур. ДММ - Дидактик мақсадлар мажмуаси География ўқув фани ёки бобни ўрганишда кўзда тутилган мақсад бўлса, МДМ – модул дастурининг дидактик мақсади - бу бир дарс давомида эришилиши лозим бўлган мақсад, ХДМ - хусусий дидактик мақсад бу - модул дастуридан ўрин олган модулларни ўрганишдан кўзланган мақсадлар деб тушунмоқ керак.

1-амалий топшириқ: Модул дастурининг дидактик мақсадини аниқлашда қуйидаги чизма бўйича ҳар бир тингловчи ўз фанидан мақсадлар мажмуаси тузиш.


ДДМ								
МДМ			МДМ			МДМ		
ХДМ	ХДМ	ХДМ	ХДМ	ХДМ	ХДМ	ХДМ	ХДМ	ХДМ

2-амалий топшириқ: Модул дастурининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига изоҳ беринг.

№	Модул дастурининг турлари	Уларнинг ўзига хос хусусиятларига изоҳ беринг
1.		
2.		
3.		
4.		

5.		
6.		
7.		
8.		

3-амалий машғулот: Модулли дарснинг анъанавий дарслардан фарқини кластерда таъриф беринг.



4-амалий машғулот: Модул дастурининг турлари ва уларнинг моҳияти дидактик мақсадларни амалга ошириш имкониятларини мутаносиблигини (+,-) ишоралари билан таққосланг.

Дидактик мақсадлар	Талабаларнинг индивидуал ишлашига мўлжалланган модул дастури	Икки ўқувчи ҳамкорликда ишлайдиган модул дастури	Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлайдиган модул дастури
--------------------	--	--	---



Ўқувчиларнинг ўзлаш-тирган билим савияси-ни аниқлаш ва орттириш.	+	+	+
Мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш			
Ўқув топшириқларини бажариш суръатини орттириш.			
Ўзаро ҳамкорлик, ёрдамни вужудга келтириш.			
Ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш.			
Ўзаро назоратни амалга ошириш			
Ўзаро мулоқотни вужудга келтириш.			
Ўқув баҳси ва мунозарани вужудга келтириш.			
Ижодий ишлаш ва мустақил фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш.			

Назорат қилиш учун саволлар:

1. Модулли таълим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари
2. Модул дастурида ўзида нималарни мужассамлаштиради?
3. Географияни ўқитишда модулли таълим технологиясидан фойдаланиш учун ўқитувчининг амалга ошириши лозим ?
4. Ўқитувчи модул дастурининг дидактик мақсадини аниқлаш учун нималарга эътиборни қаратиши зарур?
5. Модул дастурининг қандай турлари мавжуд?
6. Модулли дарснинг бориши билан танишинг. Сиз яна нималарни тавсия этган бўлардингиз?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1

Ўқув предмети: «Аҳоли географияси ва демографияси».

Мавзу: «Дунё халқлари классификацияси. Аҳолининг миллий-этник таркиби».

Таълимий мақсад: Халқлар, дунё аҳолисининг миллий таркиби, уларнинг географик тарқалиши ва уларнинг гуруҳланиши тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун этник бирликлар, уларнинг шакллари, ўзига хос жиҳатлари борасидаги *билимларга эга* бўлишлари лозим.

Режалаштириладиган ўқув натижалари:

- мавзуга оид маълумотларни таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;

- топшириқни бажариш жараёнида аҳолининг миллий таркиби тўғрисида умумий тушунчалар, илмий қарашлар билан танишиш ва уларни таҳлил қилиш бўйича малакаларини орттириш;

- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Кейс топшириқ баёни:

Жаҳон аҳолисининг этник хусусиятлари

Ер шарида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг турли босқичларида турган кўплаб этнослар тарқалган. Этнослар бир қатор умумий белгилари (тили ва яшайдиган ҳудудининг умумийлиги, маданияти ва маиший ҳаётидаги яқинликлар, тарихидаги ўхшашликлар, баъзан битта давлатга мансублиги) мавжуд бўлган кишилар гуруҳидан шаклланади.

Фанда қабул қилинган этносларнинг уч босқичли таснифига мувофиқ, уларнинг энг қадимий типига ибтидоий жамоа тузумига мансуб бўлган қабилалар ва қabila гуруҳлари киради. Қулдорлик ва феодал формасиялари билан янги этнос типи - элатлар боғлиқ. Иқтисодий алоқаларнинг кучайиши туфайли юқори даражада ривожланишган этнос типи-миллат шаклланди.

Турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишидаги нотэнгликлар оқибатида ҳозирги пайтда сайёрамізда этносларнинг юқорида қайд этилган барча типлари учрайди. Бироқ, кўпинча у ёки бу халқни қандай этник типга мансублигини аниқлаш қийин кечади. Чунки уларнинг кўпчилигида миллатни элатдан, элатни қabila ёки қабилалар гуруҳидан ажратиб турадиган белгилари яққол акс этмаган. Бу нарса аввало кўпгина этносларнинг ривожланиш жараёни ҳозир ҳам давом этаётганлиги билан боғлиқ. Кўплаб

кишилар гуруҳида миллий онг - у ёки бу халққа мансублик жуда тез, баъзан бир авлод умри давомида ўзгаради.

Тарихий жиҳатдан этносларнинг энг қадимий типи - қабила. Ҳар бир қабила бир қанча уруғлардан-қон-қариндошлик ришталари билан боғланган кишилар гуруҳидан таркиб топган. Ибтидоий жамоа тузуми даврида қабиладаги кишилар орасида ижтимоий табақалашув мавжуд бўлмаган. Ҳозирда баъзи бир (энг қолоқ ва кам сонли) этник гуруҳларда, биринчи навбатда кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар орасида қабилавий хусусиятлар сақланиб қолган.

Ибтидоий жамоа тузумининг парчаланиш жараёнида кўпгина қабилалар манфаатларининг умумийлиги уларни муайян Иттифоқларга бирлашишга олиб келди (масалан, Шимолий Америкадаги ирокезлар лигаси, Мексикада учта астик қабилалар уюшмаси, Жанубий Африкада зулус қабилалари Иттифоқи ва ҳ.к.). Бундай иттифоқларнинг шаклланиши қабилалар орасида хўжалик ва маданий алоқаларнинг кучайишига, бу эса ўз навбатида қабила-ларнинг аста-секин қўшилиб кетишига олиб келди ҳамда илгариги қон-қариндошлик алоқалари ўрнини ҳудудий алоқалар эгаллай бошлади. Шу йўл билан янги этнос тип-кишиларнинг тили, ҳудуди, иқтисодиёти ва маданияти ўхшаш бўлган кишилар гуруҳи-элат шаклланди.

Дастлаб кулдорлик даврида қадимги Миср, қадимги Эллен ва бошқа шу қаби элатлар шаклланди. Европада элатнинг шаклланиш жараёни асосан феодализм даврига келиб тугалланди (қадимги рус, поляк, немис ва ҳ.к.). Одатда келиб чиқиши ва тили яқин бўлган қабилалар ўзаро бирлашганлар (қадимги рус-поляк, древлян, вятич ва бошқа шарқий славян қабилалари, поляк-поморян, вислян, маъзовшан ва бошқа славян қабилалари, немис-сакс, алеман ва бошқа герман қабилалари) ёки бирининг иккинчисига босқин уюштириши натижасида турли тилда сўзлашадиган қабилалар қўшилиб кетганлар (шимолий француз ва провансал элатлари-галл қабилалари, рим колонистлари, герман қабилалари, франклар, вестготлар ва бургундлар ва ҳ.к.).

Элатларнинг қўшилиши жараёнида ҳамда уларнинг айрим қисмлари орасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши натижасида улардан бирининг тили (одатда кўп сонли ва нисбатан ривожлангани) умумий тилга айланади, бошқа қабила тилларининг аҳамияти пасайиб, шева даражасига тушади ёки бутунлай йўқолиб кетади; муайян ҳудудий, маданий ва хўжалик бирлиги шаклланади. Бироқ, бундай бирлик ҳали анча (айниқса, иқтисодий жиҳатдан) беқарор ва бўш эди. Иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши билан элатлар аста-секин миллатларга айлана борди. Элатлар учун хос белгилар янги сифат даражасига кўтарилади: миллат барқарор ҳудудий, иқтисодий ва маданий бирлик билан, умумий тил билан ажралиб туради; ва ниҳоят, қайд

этилган хусусиятлар натижасида миллий ҳарактернинг умумий жиҳатлари ҳамда миллий онг шаклланади.

Одатда миллат-номи сақланиб қолган элатнинг этник ривожланиш маҳсулидир. Бироқ, давлат чегараларидаги ўзгаришлар туфайли айрим элатлар негизида бир қанча этник бирликлар юзага келган (масалан, португаллар ва галисийликлар, немислар ва австрияликлар ва ҳ.к.). Қадимги рус элати рус, украин ва белорус элатларининг умумий илдизи бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик уларнинг ҳар бири алоҳида миллатга айландилар. Шундай ҳолатлар учрайдики, битта миллатнинг шаклланишида бир қанча элатлар иштирок этади (масалан, индонезия миллати яваликлар, сундлар, мадурлар ва бошқа элатлардан, филиппинлар-тагаллар, висайялар, илоклар ва бошқалардан шаклланган).

Кўпгина майда элатлар миллатга айланмаслиги мумкин. Улар камсонли бўлганликлари туфайли айрим замонавий йўналишларни маҳаллий кадрлар билан таъминлай олмасдан, тараққиётдан орқада қолдилар. Вақт ўтгач, бундай элатлар бошқа анча ривожланган элат ёки миллат билан алоқага киришадилар, уларнинг маданияти ва тилини ўзлаштирадилар ва аста-секин улар билан қўшилиб кетадилар.

Вазифалар.

1. Этнослар ва уларнинг турлари бўйича маълумотларни ўрганиш.
2. Мавзу бўйича турли ахборот бера олувчи манбааларни топиш ва улар орқали ўзларига керакли маълумотларни тўплаш.
3. Ўзбек миллатининг географик тарқалиши бўйича маълумотлар то-пиш ва уларни таҳлил қилиш.

Топшириқни бажариш учун кўрсатмалар:

- олинган маълумотлардан фойдаланиб, улар ёрдамида аҳолиси сон, илмий-техникавий маълумотлари 100 млн.дан ошган этник бирликлар тарқалган ҳудудлар аниқланиб, зарурий маълумотлар ўзлаштирилсин;
- гуруҳда “Ўзбек миллатининг географик тарқалиши” мавзусидаги баҳс-мунозарада қатнашиб, фикр мулоҳазалар алмашинсин.

Ўқув предмети: “Сиёсий география”.

Мавзу: «Ўзбекистоннинг геосиёсий салоҳияти ва ташқи иқтисодий алоқалари».

Таълимий мақсад: Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий картасида тутган ўрни тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этишлари учун Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрин хусусиятлари, ҳамда улардан ижтимоий-иқтисодий

ривожланишга таъсирини аниқлаш борасидаги *билимларга эга* бўлишлари лозим.

Режалаштириладиган ўқув натижалари:

- мавзуга оид маълумотларни таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;
- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Кейс топшириқ баёни:

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги юксак мавқеи ва аҳамияти субъектив баҳолар билан белгиланмайди, балки стратегик хусусиятга эга бўлган объектив омилларга асосланади.

Биринчидан, Ўзбекистон-минтақадаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат. Бу ерда Марказий Осиёнинг қолган бошқа давлатларидан биров кам бўлган аҳоли истиқомат қилади. Бу ҳолат минтақада Ўзбекистоннинг демографик улуши анча катта эканлигини кўрсатади.

Иккинчидан, Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий нуқтаи назардан бу, шубҳасиз, муҳим устунликдир. Бошқа томондан, Ўзбекистон минтақа-нинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлат ҳисобланади.

Учинчидан, Марказий Осиёда қачонлардир мавжуд бўлган ва давлат-чилик, фан ва маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тўзилмаларининг пойтахтлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг цивилизацион таъсирийўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган.

Нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистоннинг марказий геосиёсий ўрни унинг ривожланишида қандай қулайликларни яратиб бериши мумкин?

Топшириқни бажариш учун кўрсатмалар:

- геосиёсий ўриннинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш;
- геосиёсий ўрин хусусичтларидан фойдаланиб ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқариш.

Кейс № 2. Материклар ва океанларнинг келиб чиқиши кўп олимлар томонидан турлича талқин этилади. Ўйлаб кўрингчи, материкларни келиб чиқиши ва ҳозирги ҳолатига келиши ҳақида қандай қарашлар мавжуд? Вегенернинг плиталарни сузиб юриши ҳақидаги гипотезаси қай даражада исботи-ни топмоқда?

Кейснинг мақсади: Евросиё материги ҳақида умумий маълумот бериш ҳамда Европа қитъасининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи, рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмаларининг тарқалишини ўрганиш.

Саволлар:

1. Муаммо нимадан иборат?
2. Мазкур муаммони ечишда ҳукумат қандай ишлар олиб бормокда?
3. Сиз бу муаммога қандай ечимлар таклиф қиласиз?

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

Ер шари аҳолисининг ярмидан ортиғи яшайдиган ва планетамиздаги энг катта қуруқлик массиви бўлмиш Евросиё материгини тўрт океан Шимолий Муз океани, Атлантика океани, Тинч океани ва Хинд океани ўраб олган бўлиб, у экватор билан 77° шим. кенглик орасида жойлашган. Материкнинг чекка нуқталари - Челюскин бурни ($77^{\circ} 43$ ш.к.). Пиай бурни ($1^{\circ} 16$ ш.к.). Рока бурни ($9^{\circ} 34$ г.у.) ва Дежнёв бурнидир ($169^{\circ} 40$ ғ.у.). У шимолдан жануб-га 8 минг км га, ғарбдан шарққа 16 минг км га чўзилган. Евросиёга кирити-ладиган баъзи ороллар бу материкдан анча олисда жойлашган. Шпицберген, Франц Иосиф Ери ва Северная Земля ороллари 80° ш.к. дан шимолга кириб борган. Малайя архипелагидаги ороллар эса жанубий ярим шарда 11° ш.к. гача тушиб келган. Атлантика океанидаги Азор ороллари 28° ғ.у. дадир. Оролларнинг умумий майдони 2,75 млн. км², Евросиёнинг майдони ороллар билан бирга -53,4 млн. км.кв. Материкнинг жуда катталиги унинг табиий шароити жуда мураккаб ва хилма-хил эканлигига сабаб бўлган. Евросиёнинг ғарбий қисми, яъни Европа қитъаси энг тор бўлиб, уни денгизлар жуда парчалаб юборган: майдонининг $1/3$ қисми ороллар ва ярим оролларга тўғри келади ҳамда денгиздан энг узокдаги жойи атиги 600 км келади. Материк шарққа томон кенгая боради. Осиё қисмида ороллар ва ярим оролларга материк жами майдонининг $1/4$ қисми тўғри келади.

Ғарбдан шарққа томон материк ер юзасининг характери ҳам ўзгара боради. Европанинг парчаланган рельефи Шарқдан Шарқий Европа, Ғарбий Сибир ва Турон текисликларининг ҳамда Ўрта Сибирь платосининг кенг сахни билан алмашинади.

Евросиёни ғарб ва жануби-ғарбдан Атлантика океани ва унинг денгизлари ўраб туради. Бу океаннинг Евросиёга бевосита туташиб турувчи шимоли-шарқий қисми Ўрта Атлантика тизмасидан шарқда Ғарбий Европа сув ости сойлигидан иборат; унинг энг чуқур жойи 6000 м дан ортади.

Материк саёзлигидан шимолда Шимолий Муз океани бир қанча чуқур сув ости сойликларига бўлиниб кетган: бу сойликларни бир-биридан ажратиб турган

сув ости тизмаларида бир группа материк ороллари-Шпицберген, Франц-Иосиф Ери ва бошқалар жойлашган. Баъзи ороллар 80° ш.к. дан шимолдадир. Шимолий Муз океанини Тинч океанидан сув ости баланд-ликлари ажратиб туради, бу баландликлар устида чуқурлиги 50 м гача бўлган Беринг буғози жойлашган.

Евросиёнинг шарқий қирғоқларини Тинч океан сувлари ювиб туради, бу океан бутун Дунё океанининг ярмини ташкил этади. Тинч океанининг ғарбий қирғоқлари нихоятда ўйилиб кетганлиги ва оролларнинг жуда кўплиги билан ажралиб туради. Деярли меридионал йўналган қатор ороллар ва ярим ороллар бир-бирига туташ чекка денгизлар системасини океандан ажратиб туради, чунончи, Камчатка ярим ороли ва Курил ороллари Охота денгизини, Япон ороллари ва Корея ярим ороли Япон денгизини очик океандан ажратиб туради. Материк, Корея ярим ороли ва Рюкю ороллари ўртасида материк саёзлигида Сарик денгиз билан Шарқий Хитой денгизи жойлашган: Хиндихитой, Филиппин ва Зонд ороллари Жанубий Хитой денгизини чегаралаб туради. Тинч океанининг чекка қисми материк ер пўстидан иборат геосинклинал структурага эга, марказий қисми эса чуқурлиги 5000 м дан ортиқ жойлари бўлган океан типигаги чўкмалардан иборат.

Курил-Камчатка чўкмасининг чуқурлиги 10542 м, Ер шаригадаги энг чуқур Мариана чўкимасининг чуқурлиги 11022 м Филиппин чўкмаси - 10265 метр. Ороллардаги тоғларнинг баландлиги 2-3 минг м ва ундан ортиқ. Ороллар ёйи орасида жойлашган сувости тектоник сойликларининг чуқурлиги 2-6 минг м (Япон денгизи – 4036 м, Жанубий Хитой денгизи 4400 м, Филиппин сойлиги - 6363 м).

Осиёнинг жанубий қирғоқларини ювиб турувчи Хинд океанининг катта қисми океан ер пўсти типигаги қадимги сув ости чўкмасидан иборат. Океаннинг ғарбий қисми Африка, Арабистон ярим ороли, Мадагаскар ороли Хиндистон ярим оролини бир-бирига туташтириб турган қадимий курукликнинг чўкишидан ҳосил бўлган. Шарқда Зонд ороллариининг жанубий сохиллари яқинидан энг чуқур жойи 7430 м бўлган букилмалар полосаси ўтади. Океаннинг катта қисмида 3000-5000 м ли чуқурликлар устун туради. Евросиё қирғоқлари яқинидаги энг катта сув ости сойлиги Арабистон сойлигидир.

Кейс № 3. Ўйлаб кўрингчи, Европа иқлими билан дарёларининг серсувлиги орасида қандай фарқ ва умумийлик мавжуд.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.

4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

Европа иқлими шаклланишида бевосита унинг географик ўрни, орографик тузилиши жуда катта аҳамиятга эга. Жумладан уни Атлантика океани хавзасида жойлашганлиги океандаги Илиқ оқимнинг мавжуд эканлиги ҳамда худуднинг шимолий-шарқий томон кенгайиб бориши худуд иқлимини ўзига хос тарзда шаклланишига сабаб бўлади. Худуд иқлимини шаклланишида радиациянинг умумий миқдори ва радиация балансини аҳамияти жуда атта. Худудда радиация баланси ва радиация миқдори жанубдан шимолга томон кенгайиб боради. Сицилия ва Болқонда йиллик радиация миқдори 160, Париж кенглигида 100 ккал.см га тенг. Радиация баланси ҳам Европанинг жанубида 80, Париж кенглигида 40, Шимолий Скандинавияда 30 ккал.см га тенг. Бутун Европа ёзда радиация баланси мусбат, қишда эса фақатгина Ўрта денгиз бўйидагина радиация мусбат бўлиб, қолган районларда манфий ёки 0 га яқиндир. Европа устида асосий типдаги ҳаво массалари ҳукмронлик қилади. Ўрта кенгликлар ҳаво массалари, Арктика ва тропик ҳаво массалари мавжуд. Худуд иқлимини шаклланишида Атлантика океани устида таркиб топадиган ўрта кенгликлар ҳаво массалари таъсири жуда юқоридир. Мўтадил кенгликлардаги денгиз ҳавоси ҳамда континентал ҳавоси ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиб қуруқлик ҳавоси унча катта роль ўйнамайди. Арктика ҳавоси эса асосан шимолий худудларга жуда катта таъсир кўрсатади. Атмосфера циркуляцияси атмосфера босимини худуд бўйича тақсимланишига боғлиқ. Жумладан Арктика ва субтропикларда юқори босим минтақалари ва уларнинг оралиғида паст босим минтақаларининг мавжудлиги, худудга кириб келадиган ҳаво массаларини асосан шу юқори босимли минтақалардан келишига сабаб бўлади. Худудга Марказий Осиё ва Азор ороллари яқинидаги Азор максимумларини таъсири кучлидир. Атмосфера циркуляциялари мавсумий характерга эга бўлиб мавсумлар бўйича алмашилиб туради. Шарққа борган сари ҳаво массаларининг ўзгариши натижасида ғарбий ҳаво оқимининг ҳароратси камая боради ва бу ерларда денгиз иқлими типи бир мунча ўз хусусиятини йўқотади.

Термик шароитнинг худуд бўйлаб нотекис бўлиши қишда қор қоплами узок вақт турмаслигига сабаб бўлади қор Фенноскандиянинг шимолида 6-7 ой, жанубида ва Германия-Польша текислигининг шарқида 1-2 ой, Дунай бўйи текисликларида 3-4 ҳафта қолган худудларда ундан ҳам кам муддат сақланиб туради.

Атлантика соҳилида айниқса ёғин кам ёғиб шарққа томон камайиб боради.

Бунга сабаб циклон фаолиятининг камайиб денгиз ҳавосини қуруқлик ҳавоси билан алмашилишидир. Қиш фасли ҳаво ҳароратси Мадридда -12, Пимла - 4,, Лондонда -13, Берлинда -26, Мурманскда - 38 кўрсаткичга эга, Ёзда эса



Мадридда +44, Пимла +39, Лондонда +34, Берлинда +38, Мурман-скда +33 кўрсаткичга эга.

Ёғин миқдорини географик тақсимланишида худудга қириб келувчи Исландия минимуми ва ғарбий йўналишидаги шамоллар оқими катта таъсир кўрсатади. Худуднинг намлик коэффициенти бир мунча юқори эканлиги худуда ёғин миқдорини ҳам материкни ички қисмига нисбатан бир мунча кўп бўлишига сабаб бўлади. Худудни катта қисмида 9 000 мм ёғин ёғади.

Европа арктика, субарктика, мўътадил ва субтропик иқлим минтақаларида жойлашган.

Арктика ва субарктика минтақалари. Бу минтақаларда Европанинг Шпицберген, Исландия, Ян-Майен, Медвежий ороллари жойлашган. Арктика минтақасида йил давомида Арктика ҳавоси ҳукмрон. Субарктикада қишда арктика ёзда мўътадил ҳаво массалари алмашилиб туради.

Мўтадил минтақа. Бу минтақада йил бўйи ўрта кенгликлар ҳаво массалари ҳукмронлик қилади. Ғарбдан циклонлар келиб туради. Минтақанинг шимолий қисмида ёз салқин жанубида эса иссиқ. Океан таъсирига кўра денгиз ва қуруқлик иқлим типлари ажратилади. Минтақанинг жанубий қисмида Европа Атлантика соҳилининг денгиз иқлими; Европа Атлантика соҳилининг денгиз иқлимидан шарқий Европанинг қуриқлик иқлимига ўтувчи иқлим Дунай бўйи текисликларининг континентал иқлими; ўрта баландликдаги тоғлар иқлими; баланд тоғлар иқлими типлари мавжуд.

Субтропик минтақа. Бу минтақада ёзда тропик, қишда мўътадил минтақа ҳавоси ҳукмронлик қилади. Жанубий Европанинг катта қисми Венеция–Падан пасттекислиги Пиренея ва Болқон ярим ороллариининг шимолидан ташқари шу минтақада жойлашган. Ғарбий Европа қисмида Ўрта денгиз типи характерли. Бу минтақада ҳам денгиз ва қуриқлик типлари ажратилади.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Аграр ислоҳат	Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан амалга ошириладиганижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар	Agricultural policy - the socio-economic transformation in the agricultural sector by the State.
Азимут	Кузатув нуқтасида меридиан ва вертикал юза ўртасидаги бурчак	Azimuth - angle between the plane of the meridian observation point and vertical plochkostyu passing through this point and the observed object
Айсберг	Музликдан синиб тушган сузувчи йирик муз парчаси	Iceberg - floating block of ice broke away from the glacier
Аккумуляция	Ер юзаси ёки денгиз тубида тоғ жинслари оқизикларининг тўпланиши	Accumulation - accumulation, deposition of sediments or rocks on the Earth's surface or on the bottom of the sea
Анклав	Давлат ёки унинг бир қисмининг бошқа давлат ҳудуди билан ўраб олинганлиги	Enclave - a country or a part thereof, with all sides surrounded by the territory of another State
Артезиан бассейни	Сув ўтказмайдиган қатламлар орасида йиғилган, босимга эга бўлган ер ости сувлари	Artesian Basin - pressure underground water concluded between waterproof layers
Атмосфера	Сайёрамизнинг ҳаво қобиғи	Atmosphere - air ground shell
Атом электростанцияси	Атом энергиясини электр энергияга айлантирадиган станция	Nuclear power station - power which nuclear energy is converted into electrical energy
Табиий ресурс	табиатда мавжуд бўлган турли кўринишдаги ресурслар бўлиб, улар мамлакатлар иқтисодиётини шакллантириш ва кишилик жамияти ривожига учун муҳим аҳамиятга эга	Natural resources - components and properties of nature necessary for a person to obtain material and other benefits. Natural resources are natural (natural) origin



Ресурслар билан таъминланиш	табiiй ресурслар миқдори ва улардан фойдаланиш миқёси орасидаги тафовут. Маълум турдаги ресурсларнинг неча йилга етиш ҳолати ҳамда аҳоли жон бошига миқдори асосида аниқланади	Resource supply index - the ratio between the amount of diluted stock of resources
Саноат	Иқтисодиётнинг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган етакчи тармоғи	Industry - the largest and most technically advanced material manufacturing industry. creating tools and other means of production, as well as most of the commodities
Ундирувчи саноат	Минерал ресурсларни излаш ва қазиб олиш билан шуғулланувчи тармоқлар мажмуи бўлиб, шу билан бирга мажмуа таркибига уларни бирламчи қайта ишлаш ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам киради.	Extractive industry - complex industries engaged in extraction and enrichment of minerals at oil and gas enterprises, mines, quarries, mines, mining enterprises and other similar companies.
Қишлоқ хўжалиги	Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, биологик ресурслардан фойдаланган ҳолда маҳсулот яратади	Agriculture - a branch of material production using biological processes for the creation of plant and animal products.
Интенсив йўл	Маълум ер майдонига катта миқдордаги маблағ йўналтирилиши асосида қўшимча техник воситалар жалб этиш, ер таркибини яхшилаш мақсадида меллиоратив ва ирригацион тадбирлар ўтказиш	Intensive way - the application of new technologies in the cultivation of the land and the development of new, more productive varieties.
Транспорт	иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиб, халқ	Transport - one of the main sectors of the economy. Is



	хўжалиги ва аҳолининг юкларга эҳтиёжларини ўз вақтида муттасил таъминлаб туради.	engaged in the movement of people, goods (products), information, energy from place to place, from one region (country) to another region (country).
Сиёсий карта	давлатларнинг жойлашган ўрни, чегаралари ва пойтахтларини кўрсатиб берувчи карта	The political map of the world - a geographical map showing the countries of the world, their form of government and polity.



VII. Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-

фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар–янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

19. Авазов Ш., Сайдаматов Ф., Аллаберганов Х. “Биосфера (экосфера) ва одам (жамият) тизимида геоэкология ва геоэкологик ўлкашунослик. Монография. Тошкент: INNOVATSIYA-ZIYO”, 2019.

20. Акимова Т.А. Экология: Человек – Экономика – Биота – Среда: учеб. для вузов / Т.А. Акимова, В.В. Хаскин. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2001.

21. Алексеев В.П. Географические очаги формирования человеческих рас. – М.: «Мысль», 1985.

22. Будилова Е.В. и др. Природные и антропогенные экосистемы: проблемы и решения. – М.: «БИБЛИО-ГЛОБУС», 2017.

23. Бирюков Н.П. Эволюция. Происхождение Вселенной, жизни на земле, популяционно-генетические основы эволюции живых организмов, макроэволюция: учеб. пособ. – Калининград: КГУ, 1999.

24. Будыко М. И. Эволюция биосферы. – Л.: «Гидрометеиздат», 1984.

25. Верзилин Н.Н. Географическая оболочка: понятие и модель эволюции / Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер 7. Вып. 3.- С.37-48.

26. Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – Москва: «Айрис-Пресс», 2003.

27. Вернадский В.И. Живое вещество.– М.: «Наука», 1978.

28. Влияние человека на ландшафт / Под ред. Ф.Н. Милькова, К.Н. Дьяконова. – М. «Мысль», 1977.

29. Геоэкология и природопользование. Понятийно-терминологический словарь / Авторы составители Козин В.В., Петровский В.А. – Смоленск: «Ойкумена», 2005.



30. Горшков В.Г. Физические и биологические основы устойчивости жизни / Отв. ред. К.С. Лосев. – М.: ВИНТИ, 1995.

31. Дерягина М.А. Эволюционная антропология: биологические и культурные аспекты: учеб. пособие / М.А. Дерягина. – М.: Изд-во УРАО, 2003.

32. Жирков И.А. Жизнь на дне. Био-география и био-экология бентоса. – М.: Т-во научных изданий КМК, 2010.

33. Залогин Б.С. Мировой океан / Б.С. Залогин, К.С. Кузьминская: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Изд-кий центр «Академия», 2001.

IV. Интернет сайтлар

19. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

20. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

21. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

22. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

23. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси